



ТИНЧЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК АТАМАЛАРИ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТИНЧЛИК ТАЪЛИМИ ВА МАДАНИЯТЛАРАРО
ҲАМЖИҲАТЛИК МАРКАЗИ**

**ТИНЧЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК
АТАМАЛАРИ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ**

Тошкент - 2005

UNIVERSITY OF WORLD ECONOMY AND DIPLOMACY

**CENTER FOR PEACE EDUCATION
AND INTERCULTURAL UNDERSTANDING**

PEACE AND TOLERANCE

Edited by Dr. Q.Djuraev

Training manual

**Research was carried out within 2005 UNESCO/
APCEIU Fellowship Programme**

**Publication was implemented under the UNESCO
Participation Programme Request
№ 27216103 UZB**

Tashkent - 2005

*Ушбу нашр ЮНЕСКО қатнашув дастури
доирасида чоп этилган*

Масъул муҳаррир - Қ.А. Жўраев

Тақризчилар - С.А.Жўраев – сиёсий фанлар

доктори, профессор

Ф.А.Мўминов – филология фанлари

доктори, профессор

Муаллифлар жамоаси:

М.Абдуразакова, Д.Абиджанова, М.Бекмурадов, М.Ботиралиева,
У.Дўстов, Қ. Жўраев, З.Зарипова, А.Икромов, Ю.Исмаилов,
Г.Исҳокова, Н.Қосимова, Р.Мадалиева, Р.Мўминов,
З.Мунавваров, Я.Муҳамедов, Б.Очилов, С.Пўлатова, Д.Раҳмонова
Н.Саидалиева, Ш.Сирожиддинов, Э.Султанова, Ф.Ўсарова,
Ў.Ускенбаев, А.Усманова, О.Файзиев, Р.Фармонов, Ф.Ҳамроев,
Ф.Шоисматов, Х.Шукуров, К.Юнусов, Н. Қаюмова.

Ушбу нашрдан фойдаланилган атамалар ва ундаги маълумотларнинг тақдим этилиши ЖИДУ ва ёки UNESCO APCEIU ташкилоти нуктаи назарини ифодаламайди. Китобда келтирилган маълумотлар ва уларни баён этиш тартиби, шунингдек, унда билдирилган қарашлар учун муаллифлар тўлиқ масъулдирлар. Улар ЖИДУ ва ёки UNESCO APCEIU ташкилоти нуктаи назари билан мос тушмаслиги мумкин.

Мазкур “Тинчлик ва бағрикенглик атамалари изоҳли луғати” юзасидан барча фикр мулоҳазаларни қуйидаги манзилга юбориш мумкин:

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Тошкент-700077 Буюк ипак йўли кўчаси, 54-уй.

Тел.: 67-06-17; 67-05-86. Факс: 67-09-00

E-mail: qodirdjuraev@yahoo.fr

Мундарижа

Кириш	5
Изоҳли луғат А дан - Қ гача.....	8
Адабиётлар рўйхати	133
Алфавит кўрсаткич	138

ТИНЧЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК ТАЪЛИМИНИНГ ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

“Тинчлик ва уйғунликда баҳамжихат яшашни ўрганиш” турфа хил маданиятлардан таркиб топган жамиятлар учун муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон ҳам ана шундай турфахил маданиятларга эга бўлган жамиятлардан биридир. Юртимизда 100 дан ортиқ миллат вакиллари, 16 диний конфессия вакиллари истиқомат қилишмоқда. Зеро, шундай экан, Ўзбекистоннинг келажаги тинчлик ва бағрикенглик, маданиятлараро уйғунлик ва миллатлараро тотувлик каби омиллар билан чамбарчас боғлиқдир.

Турли-туман маданият вакиллари ёнма-ён истиқомат қиладиган турфахил маданиятли жамиятда яшаш жуда сермазмун ва серқиррадир. Ушбу жамиятнинг тинчлиги ва барқарорлигини таъминлаш турли маданиятлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг уйғунлигига боғлиқдир. Ушбу жараён «ҳамжиҳатликда яшашни ўрганиш» деб юригилади ва у жамият тинчлиги учун муҳим аҳамият касб этади.

Бағрикенгликни намоён қилиш ижтимоий адолатсизликка нисбатан сабр-тоқатли муносабатда бўлишни, ўз иймон-этикодидан воз кечиш ёхуд бошқаларнинг этикодига ён беришни англатмайди. Аксинча, у инсон ҳуқуқларига эҳтиром билан муносабатда бўлишни, инсон ҳуқуқларига фақат ўзигина эса, балки бошқалар ҳам эга эканлигини тан олишни англатади. Одамлар ўз табиатига кўра ташқи кўриниши, қиёфаси, ўзини тутиши, нутқи, хулқи ва қадриятлари жиҳатидан фарқланиши баробарида, дунёда яшашига ва ўзларининг ана шу индивидуаллигини сақлаб қолишга ҳақлидирлар. Бир кишининг қарашлари бошқаларга мажбуран сингдирилиши мумкин эмас.

Шу нуқтаи назардан қўлингиздаги ушбу китобнинг олдида қўйилган вазифаларни қуйидагича тавсифлаш мумкин:

1. Жамият тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солувчи омиллар тўғрисида ёшларга зарур маълумотларни етказиш.

2. Ёшларда ўзга маданият вакиллариغا нисбатан бағрикенг, меҳр-оқибатли, ҳурмат-этиборли бўлиш каби ижобий фазилатларни шакллантиришга кўмаклашиш.

3. Ёшларнинг тинчликсевар ва бағрикенг инсонлар бўлиб етишишларига кўмаклашиш.

4. Ёшларни Ўзбекистоннинг маданий рангбаранги лиги, юртимиздаги миллат ва элатларнинг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилишга, шунингдек, ана шу маданий турфахилликни асраб-авайлашга даъват этиш.

5. Талаба ёшлар (яъни бўлажак мутахассислар ва зийе тарқатувчилар) орқали тинчлик ва бағрикенгликнинг улуғ неъмат эканлигини, уни асраб-авайлаш лозимлигини халққа етказишдир.

Луғат маълумотномада тинчлик, бағрикенглик, алтруизм, бирдамлик, инсон ҳуқуқлари, демократия, меҳр-оқибат, ватанпарварлик, миллат ва ватан туйғуси каби жамиятнинг барқарор тараққиётига хизмат қилувчи тушунчалар билан бирга зўравонлик, урушлар, можаролар, мурасасизлик, ирқчилик, ксенофобия каби тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи бир қатор тушунчаларнинг асл моҳияти замонавий воқелик нуқтаи назаридан очиб беришга ҳаракат қилинган. Албатта, тинчлик ва бағрикенглик билан боғлиқ бўлган атамалар шунчалик кўп ва ранг-барангки, уларни бир китоб доирасига сиғдириш амримаҳол. Ушбу китоб тинчлик ва бағрикенглик билан боғлиқ бўлган асосий тушунчаларни қамраб олганлиги билан эътиборга лойиқдир.

Тинчлик ва бағрикенглик, инсон ҳуқуқлари ва куч ишлатмаслик руҳида тарбиялаш бўйича ижтимоий фанлар ва илмий излаНИШЛАРНИНГ дастурларини қўллаб-қувватлаш ва ҳаётга татбиқ қилиш республикамиз учун ҳам катта аҳамиятга эга. Бу педагогик тайёргарлик даражасини кўтариш, ўқув режалари, дарсликларнинг мазмун-моҳияти, бошқа ўқув материаллари, жумладан, янги ўқув технологиялари масалаларига эътибор бериш зарурлигини англатади ва бундан кўзланган мақсад эса, бошқа маданиятларга очиқ ва хайрихоҳ бўлган зийрак ҳамда маъсулиятли, эркинликнинг қадрига етадиган, инсоннинг қадр-киммати ва ўзлигини ҳурмат қиладиган фуқароларни тарбиялаш, зиддиятларнинг олдини олиш ёхуд куч ишлатмаслик воситалари билан ҳал этиш демакдир. Умид қиламизки, «Тинчлик ва бағрикенглик луғат маълумотнома» китоби ана шу йўлда қўйилган илк қадамлардан бири бўлиб қолади.

“Уруш ғоялари инсон онгида пайдо бўлади, шунинг учун инсон онгида тинчлик ғояларини қарор топтириш лозим” - ЮНЕСКО Низоми муқаддимасидаги ушбу сўзлар тинчлик таълимининг нечоғли катта аҳамиятга эканлигини яққол тасдиқлайди.

Қўлингиздаги ушбу луғат-маълумотнома ҳам айнан тинчлик ва бағрикенглик ғояларини ёшлар онгида кенг қамровли қарор

юптириш мақсадида нашр этилган бўлиб, унда тинчлик ва бағрикенглик билан боғлиқ 100 та атамага шарҳ берилади. Китоб асосан, талаба ёшларга мўлжалланган бўлса-да, бироқ ундан ўқувчилар ҳам, мустақиллик ва тинчлик дарслари, маънавият асослари, миллий истиқлол ғояси, сиёсатшунослик, конфликтология, диншунослик асослари, ахлоқшунослик каби бир қатор ижтимоий-сиёсий фанларни ўқитишда ўқитувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин. Ушбу китоб тинчлик ва бағрикенглик ғояларини ёшлар онгида тарбиялашда яқиндан ёрдам беради, деган умиддамиз.

ТИНЧЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК АТАМАЛАРИ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

1. Агрессия

Агрессия - бузғунчилик ёки душманлик мақсадида содир этиладиган ҳужум ёки тажовуз. Айрим олимлар агрессивлик ҳолати кишининг табиатида мавжуд бўлиб, агрессияни инсон генларидан бири келтириб чиқаради, деб ҳисоблайдилар.

Агрессия фақат кишилар ўртасида содир бўлибгина қолмай, балки давлатлараро муносабатларда ҳам тез-тез учраб туради. Бир давлат томонидан бошқа давлатнинг суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши қуролли зўравонлиги билан ёки БМТ Уставига зид бўлган бошқа хилдаги тажовузи бунга мисол бўла олади.

Бунинг учун давлатлар сиёсий ва моддий жавобгарликка тортиладилар, агрессияни келтириб чиқариш ва агрессия уруши олиб боришга интилган жисмоний шахслар жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Олимлар агрессия турли маданиятларда турли даражада ривожланганлигини таъкидлайдилар. Дарҳақиқат, айрим маданият вакиллари кўпроқ, айримлари камроқ агрессив бўлсалар, бошқалари ниҳоятда тинчликсевар бўладилар. Бу ҳар бир жамиятнинг тарихий, тадрижий ва маданий тараққиёт йўли билан боғлиқдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсон онгида агрессивлик қанчалик юқори даражада бўлмасин, уни таълим ва тарбия орқали камайтириш мумкин. Масалан, Коста Рика давлатида халқнинг онгида агрессивлик даржасини пасайтириш бўйича олиб борилган мақсадли ва оқилона давлат сиёсати (хусусан, ҳарбий харажатларнинг қисқартирилиши ва тежаб қолинган маблағларнинг таълим соҳасига йўналтирилиши) натижасида аҳоли онгида агрессивлик камайиб, унинг ўрнига тинчлик ғоялари қарор топган.

Демак, инсон онгининг тубида яшириниб олган, гоҳ-гоҳида «ўзини кўрсатишга» шай бўлиб турган агрессия генини фақат таълим ва тарбия орқалигина бартараф этиш мумкин.

2. Аёлларга нисбатан зўравонлик

Аёлларга нисбатан зўравонлик – зўравонликнинг бир тури бўлиб, сўз билан ҳақорат қилишдан бошлаб, оғир тан жароҳатини етказиш таҳдиди ва номусга тегиш кабиларни ўз ичига олади. Аёлларга нисбатан зўравонлик психологик, жисмоний, жинсий, иқти-

содий каби кўринишларга эга. Кўп ҳолларда аёллар оилада жисмоний зўравонликнинг қурбони бўладилар.

Ижтимоий психологларнинг таъкидлашича, охириги ўн йилликда жисмоний куч ишлатиш, зўрлаб номусига тегиш даражаси кўтарилиб кетди. Шу нарса аниқ бўлдики, гуруҳбозлик асосида зўрлаб номусига тегишнинг сабаби жабрдийда аёлнинг қийналишини кузатишдан иборат. Бу эса зўравонликнинг энг мудҳиш кўриниши ҳисобланади.

Кўпинча зўравонлик жисмонан кучсизларга нисбатан (аёл ёки болага нисбатан) ёки оилавий зўравонлик (уйдаги зўравонлик) шаклида намоён бўлади. Бунга оиладаги аҳволнинг ташқи муҳитдан узилиб қолганлиги сабабдир. Масалан, Россияда йилига 14 минг аёл ўз турмуш ўртоқлари ёки шериклари томонидан жабр кўрмоқдалар. Россиянинг 12 шаҳрида ишонч телефонларига қилинган қўнғироқларни ўрганиш натижаси шуни кўрсатадики, мурожаат этган аёлларнинг 58%и жинсий зўравонлик қурбони, 87%и зўрлаб номусига тегиш қурбони; 30%и жисмоний тан жароҳати олганлар ташкил этган. Уларнинг 74%и ўз турмуш ўртоқлари томонидан зўрланган.

Зўравонлик ҳам биологик, ҳам ижтимоий сабабларга эга:

1. Олимлар томонидан тажовузкорликни юзага чиқарувчи асаб тизими толалари аниқланган. Қоннинг кимёвий таҳлилига асосланиб, асаб тизими тажовузкорлик толасининг иш фаолияти авж олишига, спиртли ичимлик ва наркотик моддаларни истеъмол қилиш сабаб бўлиши аниқланди. Зўравонлик ҳаракатларининг авж олишига эркак жинсий гормони – тестестерон ҳам сабаб бўлади.

2. Оммавий ахборот воситалари айрим ҳолларда аёлларга нисбатан бўлаётган зўравонлик ҳаракатларининг катализатори ролини ўйнамоқда. Зўрлаб номусига тегиш ҳолатининг авж олишида жинсий ҳаракатларни ошкора кўрсатувчи, жинсий эҳтиросга келтирувчи тасвирлар туширилган журнал, кино-видеотасмаларнинг миқдори кундан кун ошиб бораётганлиги ҳам асосий омиллардан биридир.

Шундан ғайримаданий муҳит яратилмоқдаки, унда аёлларга нисбатан бўлаётган зўравонликлар оддий меъёрий ҳолат сифатида талқин этилмоқда. Экранда фаҳш, зўравонликни намоиш этиш айрим телеканаллар учун янгилик бўлмай қолди.

Тадқиқотлардан шу нарса аниқ бўляптики, жинсий эҳтиросга солувчи эротик фильмлар, жинсий алоқага киришув ва зўравонликнинг уйғунлашуви тасвирланган тасмалар намоиши тажовузкорликнинг асосий таҳдид омилига айланиб бормоқда. Ушбу тасвирлар намоиши зўрлаб номусга тегиш ҳолатига нисбатан ижобий муносабатга олиб келмоқда.

Оммавий нашрлар ва кино тасмаларда зўрлаб номусига те-

гиш ҳолатига боғлиқ афсоналар ўйлаб топилмоқдаки, ундаги уйдирмаларга биноан аёлни зўрлаб номусига тегиш сексуаллик ўртасидаги низога олиб келмоқда.

Аёл ва эркеклар ўртасидаги зўравонликнинг ифодаланишидаги фарқлар жамиятда шаклланган гендерлик роли ва ижтимоий хурофотларда ўз ифодасини топган. Аммо ҳам биологик, ҳам генетик омилларга кўра эркеклар жинсий зўравонликни амалга ошириш ҳолатига кўпроқ мойилдирлар. Ушбу зўравонлик шаклини бартараф этиш бўйича дастур ишлаб чиқилиши анча мураккаб, чунки зўравон эркек онгида дисгармония (ташқи муҳитга нисбатан тажовузкорлик) ҳолати намоён бўлади. Бундай эркекларнинг кўпчилигида девиация (жинсий номутаносиблик) ҳолати кузатилади: уларнинг кўпчилиги маскулин эмас, феминин бўлиб, бошқа эркекларга нисбатан паст назар билан қарайди ва ижтимоий муҳитга бўйсуниб яшайди. Бундай эркеклар кўпинча оилада ота ва эр ўрнини бажара олмайди.

3. Алтруизм

Алтруизм бошқаларнинг манфаатини ўз манфаатларидан устун деб билиш демакдир.

Ушбу атама илк бор француз олими Огюст Конт томонидан тахминан 150 йил илгари муомалага киритилган. Огюст Конт бошқаларнинг бахт-саодати учун яшашдан кўра улўғроқ бахт йўқ, деб таъкидлаган эди.

Алтруизм эгоизм, яъни худбинликнинг акси бўлиб, у юксак маънавий-ахлоқий қадрият сифатида эътироф этилади. Аксарият олимлар алтруизмнинг таълим-тарбия жараёнининг маҳсули эканлигини таъкидлайдилар ҳамда таълим-тарбияни тўғри олиб борган тақдирдагина алтруизмга эришиш мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Алтруизм бағрикенгликнинг бир кўриниши бўлиб, у жамиятда қанчалик мустаҳкам ўрин олса, мазкур жамиятнинг ривожланиши ҳам шунчалик жадал суратларда кечади.

Олижаноблик, бошқаларнинг дардига шерик бўлиш, бошқаларнинг ташвишларини ўз ташвишларидан ортиқ деб билиш, бошқаларга ёрдам қўлини чўзишга доимо шай туриш алтруизмга хос хусусиятлар ҳисобланади.

4. Антисемитизм

Антисемитизм сўзи яҳудий миллатига мансуб аҳолини камситишнинг барча кўринишларини ифодалаш учун қўлланилади. У

«анти» - қарши ва «семит», яъни семит миллати сўзлари бирикмасидан таркиб топган.

Этнологик жиҳатдан яҳудийлар билан бирга араблар ҳам семит уруғига мансуб бўлсалар-да, бироқ ҳозирги кунда семит миллати тўғрисида сўз кетганда асосан яҳудийлар назарда тутилади.

Антисемитизм тарафдорларининг фикрича, гўёки яҳудийлар бошқа миллатлардан фарқ қилиб, дунёни бошқаришга интиладилар ва бунга халқаро фитна йўли билан эришишни ўз олдиларига мақсад қилиб олганлар. Антисемитизм ксенофобиянинг бир кўриниши бўлиб, яҳудийларнинг индивид сифатида камситилиши ва миллат сифатида таҳқирланишига олиб келади.

Антисемитизмнинг энг ашаддий кўриниши Германияда Гитлер ҳокимият тепасига келгандан сўнг (1933) бошланган бўлиб, нацистлар томонидан «ирқнинг тозаллиги» мафкураси остида кўпгина немис бўлмаган халқлар, шу жумладан, яҳудийлар қаттиқ таъқиб остига олинган эди. Холокоста даврида эса минглаб яҳудийлар Германия томонидан босиб олинган мамлакатлардан махсус концентрацион лагерларга олиб чиқиб кетилган эди.

5. Апартеид

45 йил давомида Жанубий Африкада ирқларни ажратиш, яъни ирқий сегрегация сиёсати олиб борилди. Ушбу сиёсат апартеид номини олди. Қора танли аҳоли оқ танлилардан айри ҳолда яшашга мажбур эдилар. ҳокимият эса оқ танлилар қўлида эди.

Апартеид жинояти халқаро ҳамжамият томонидан қораланади. БМТ ва унинг ихтисослашган ташкилотлари томонидан апартеид жинояти бўйича бир қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Шулардан асосийлари деб «Апартеид жиноятининг олдини олиш учун жазолаш тўғрисидаги Халқаро Конвенция» (1973) ва «Апартеидларнинг мақоми тўғрисидаги Конвенция» (1954) ҳисобланади.

Маҳаллий (индоген) халқларнинг табиий бойликларини эксплуатация қилишга, миллий урф-одатларининг поймол этилишига олиб келган омиллардан энг асосийси бу мустамлакачилик сиёсати бўлиб, у ирқий хурофотларни ва камситишни тарқатишда катта аҳамиятга эга бўлди. Европа давлатлари ҳукмдорлари ҳам ашё ресурсларини қидириб узоқ ҳудудларга йўл олганлар. Маҳаллий аҳолига нисбатан патерналистик (католицизмга киритиш) сиёсати олиб борилди. Мустамлакачилар туб маҳаллий халқларни цивилизацияга яқинлаштириш, ибтидоий халқларни Ғарб маданияти билан таништириш баҳонасида уларни ўзларига қарам қилганлар ва

инсон ҳуқуқларидан маҳрум қилганлар. Оқ ҳудудларда ҳаётнинг барча соҳаларида камситиш амалга оширилиб келинди. Ирқчиликнинг энг юқори даражаси - ҳукумат сиёсатида биноан ирқий ажратишни, яъни «апартеид»ни қонунлаштиришдир. Бу биринчи навбатда Жанубий Африка ҳукуматининг аввалги сиёсатида тегишлидир.

Апартеид жиноятига барҳам бериш ва апартеид учун жазолаш тўғрисида БМТнинг махсус Конвенцияси бундай тажрибани «инсониятга қарши жиноят» ҳамда халқаро тинчлик ва ҳавфсизликка жиддий таҳдид, деб эълон қилди. Ҳақон йиллар давомида БМТ Жанубий Африка тузумини ўзгартиришга ҳаракат қилди, лекин айрим давлатларнинг ёрдами билан оз сонли оқ танлилар мазкур ҳаракатга қаршилиқ кўрсатдилар. 1985 йилдан бошлаб Жанубий Африкада амалга оширилаётган репрессияларга қарши кураш кучайиб борди. Халқаро ҳамжамият томонидан апартеид сиёсатида норозилик ортди. Жумладан, Жанубий Африкага қарши иқтисодий чоралар кўриш ҳамда Африка лидери Нельсон Манделани озод қилиш каби талаблар кучайди. Бундан сўй-ҳаракатлар охири оқибатда ўз самарасини берди: 1993 йилда апартеид сиёсатида барҳам берилди. Апартеид сиёсатида қарши ашаддий курашган шахслардан бири Нельсон Мандела Тинчлик учун Нобел мукофотида сазовор бўлди.

6. Атеизм

Атеизм («А» - инкор қўшимчаси, «teos» - худо сўзидан) Худонинг борлигига ишонмаслик, Худони инкор этиш демакдир. Атеистлар, яъни атеизм тарафдорлари худонинг борлигига ишонмайдиган кишилардир.

Ўзбекистонда ҳам атеистлар мавжуд бўлиб, улар жамиятнинг кичик бир қисмини ташкил этади. Ўзбекистонда атеизмнинг келиб чиқиши Совет даврида тўғри келади. Маълумки, совет даҳрий тузуми даврида давлат томонидан фуқароларнинг диний эътиқоди масалалари жиддий таъқиб этилди. Шахснинг диний мансублигига қараб унинг мансаб пиллапоялари бўйлаб ҳаракатида тўсиқлар қўйилди. Оддий миллий урф-одатларга риоя қилиш ҳам дин пропаганда сифатида қаттиқ қораланди. Марксизм назариётчилари томонидан айтилган «дин — халқ учун афюн» шiori халқнинг онгига мунтазам сингдириб борилди. Бу жараёнда айниқса коммунистик партия катта роль ўйнади. Бу сиёсат натижаси ўлароқ аҳолининг маълум бир қисми онгида атеизм тушунчалари пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларни том маънодаги виждон эркинлиги ва эътикод ҳурлиги билан таъминлади. Конституцияга кўра кишилар бирор бир динга эътикод қилишлари ҳам, қилмасликлари ҳам мумкин. Бу фуқароларнинг шахсий иши ҳисобланади.

7. Атроф-муҳит муҳофазаси

Атроф-муҳитнинг беҳад эксплуатация қилиниши ва ифлосланиши муросасизликнинг бир кўриниши ҳисобланади.

Атроф-муҳитга нисбатан ҳозирги кундаги муросасиз муносабат инсон зотининг ўта бешафқатлигидан далолат бермоқда ҳамда ҳайвонот ва наботот оламига катта таҳдид тугдирмоқда. Дунёдаги айрим анъанавий маданиятлар, хусусан, туб (индоген) аҳолининг она замин олдидаги мажбуриятларини тўла бажариш, табиат билан ўзаро уйғунликда ва мутаносибликда ҳаёт кечириш лозимлиги тўғрисидаги ташвишли қақириқлари тобора баландроқ янграмоқда.

Атроф-муҳит тўғрисида қайғуриш ижтимоий ва фуқаролик масъулиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳам қурраи заминимизнинг энг сўлим гўшаларидан биридир. Ватанимизда гўзал боғлар, баланд сервиқор тоғлар, бепоеън чулу-биёбонлар, азим дарёлар мавжуд. Юртимизга ташриф буюрган чет эллик сайёҳлар ҳам унинг жаннатмакон ўлка эканлигини қайта-қайта такрорлайдилар.

Инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатни сақлаб қолиш, гўзал диёримиз табиатини асраб-авайлаган ҳолда келажак авлодга етказиш барчамизнинг бурчидир.

8. Бағрикенглик ва унинг моҳияти

Бағрикенглик (*толерантлик*) - (лотинча «tolerantia»-«сабр-тоқат») жамиятдаги турфа маданиятлик, плюрализм, турли-туманлилик ва хилма-хилликларнинг мавжудлиги тан олиш, қабул қилиш, тўғри тушуниш ва ҳурмат қилишга қаратилган ижобий муносабат. Ўзбек тилида бағрикенглик сабрлилик, қаноатлилик, тоқатлилик, бардошлилик, чидамлилик каби бир қатор синонимларга эга.

Бағрикенглик ғояси узоқ тарихга эга бўлиб, ушбу тушунча асрлар давомида шакллана борди ва бу жараён ҳозирда ҳам давом этмоқда.

Бағрикенглик ҳақидаги илк тасаввурлар Кичик Осиёда олтин ва кумуш тангалар зарб қилишдаги оғирлик меъёрларидан бироз

оғишга бўлган сабр-тоқатли муносабатга бориб тақалади. Қадимий Юнонистонда кемасозлик техникаси ва инсон организмга дори-дармон қабул қилишдаги меъёрлардан оғишга бўлган муносабатда ҳам бағрикенглик ўз аксини топган. Бағрикенглик тушунчаси бизнинг давримизда ҳам техника ва тиббиёт соҳаларининг муҳим атамаси сифатида сақланиб қолган бўлса-да, ушбу тушунча ўз моҳиятини сезиларли равишда ўзгартирган ва асосан гуманитар соҳаларда кенг қўлланилади.

Рим империяси даврида бағрикенглик сузи билан энг аввало эътиқодий бағрикенглик, умуман олганда эса бегона фикрга нисбатан бағрикенглик назарда тутилган. Христианликнинг юзага келиши ва унинг давлат дини даражасига кўтарилган илк даврларида ушбу динда бошқа дин вакиллариغا нисбатан кучли даражада муросасизлик (нотолерантлик) муносабатлари ҳукм сурганлигига инсоният тарихида кўплаб мисоллар мавжуд. Уйғониш даврида христианликда аста-секин бошқа динларга бўлган бағрикенглик билан бир қаторда бегона фикр ва урф-одатларга, умуман, инсонлар ўртасида бир-бирига ҳурмат билан қараш туйғусининг шаклланиши устуворлик қила бошлади. Буюк географик кашфиётлар ва қитъалараро ўзаро савдо-сотиқ муносабатларининг ривожлантиришга киришилиши бағрикенгликнинг универсал тушунчага айланишига олиб келди. XVI ва XVIII асрларда Фарбий ва Марказий Европанинг жамоатчилик тафаккурида диний бағрикенглик тушунчаси, айниқса, тинчликсеварлик тушунчаси билан уйғунлашиб борди.

XVII аср охирларида бағрикенглик илмий изланишларнинг объекти сифатида намоён бўла бошлади. Инглиз файласуфи ва сиёсий арбоби Ж. Локк ўзининг «Бағрикенглик ҳақидаги очерклар» (1667 й.) ва «Бағрикенглик мактублари» (1685 й.) асарларида кучли черков цензураси шароитида бағрикенгликнинг моҳиятини ёритишга уринади, П. Бейл эса уни философик категория сифатида ўрганади. XXI аср бошига келиб бағрикенглик деярли барча гуманитар фанлар, айниқса диншунослик, психология, социология, педагогика каби фанлар томонидан кенг ўрганилмоқда.

Бағрикенглик асли нима? 1995 йилнинг 16 ноябрида Парижда бўлиб ўтган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 28 сессиясида қабул қилинган «Бағрикенглик тамойиллари Декларациясида» бағрикенглик тушунчасига батафсил изоҳ берилган. Унга кўра бағрикенглик - жаҳоннинг турли бой маданиятларини, ўзини ифодалашнинг ва инсоннинг алоҳидалигини намоён қилишнинг хилма-хил усуллари ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни англатади. Уни билим, самимият, очиқ мулоқот ҳамда хур фикр, виждон ва эътиқод вужудга келтиради. Бағрикенглик турли-туманликдаги бирликдир. Бу фақат маънавий бурчгина эмас, балки сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёж ҳам-

дир. Бағрикенглик тинчликка эришишни мушарраф қилгувчи ва уруш маданиятидан тинчлик маданиятига элтувчи йўлдир.

Бағрикенглик - андиша ёки хушомад эмас. Шунингдек, у бировга ачиниш адолатсизликка сабр-тоқатли муносабат эмас, бировнинг ҳолатини ўзида синаб кўриш, ўз эътиқодидан воз кечган ҳолда бошқа эътиқодга ён бериш ва унга кўр-кўрона тақлид қилиш ҳам эмас. Бағрикенглик энг аввало инсоннинг универсал ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тан олиш асосида шаклланган фаол муносабатдир.

Бағрикенглик бу мажбуриятдир. У инсон ҳуқуқларини қарор топтириш, плюрализм, (шу жумладан, маданий плюрализм) демократия ва ҳуқуқнинг тантанаси учун кўмаклашиш мажбуриятидир. Бағрикенглик ақидабозликдан, ҳақиқатни мутлоқлаштиришдан воз кечишни англатувчи ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўрнатилган қоидаларни тасдиқловчи тушунчадир.

Бағрикенглик ўз-ўзидан шаклланадиган муносабат эмас, балки аниқ мақсадга йўналтирилган тизим асосида вужудга келадиган ижтимоий ҳодисадир. ЮНЕСКО 16 ноябрни Халқаро бағрикенглик кунини деб эълон қилди. «Бағрикенглик тамойиллари Декларациясида» ЮНЕСКОга аъзо давлатлар шу кун муносабати билан махсус тадбирлар ва дастурлар ташкил этиб, ҳар бир минтақада ўқув муассасалари, ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлари, ахборот воситаларининг биргаликдаги сабъ-ҳаракатлари билан фуқаролар ўртасида бағрикенглик ғояларини тарқатишга даъват этилган.

Кўпгина халқларда бўлгани сингари бағрикенглик ўзбек менталитетига ҳам хос тушунча бўлиб, у миллий маънавиятимизнинг асосий қирраларидан биридир. Бошқа миллатлар вакиллари томонидан тан олинган ва йиллар давомида турли синовлардан ўтган ушбу фазилат ўзбек халқининг ментал хусусиятларидан бирига айланган. Ўзбекистонда ҳукм сураётган ижтимоий барқарорлик ва ҳамжиҳатликнинг асосида бошқа омиллар қатори ўзбек жамиятидаги устувор фазилатлардан бири бўлган бағрикенгликнинг ҳам ўрни бекиёсдир. Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда тобора илдиз отиб бораётган демократик тамойиллар бағрикенгликни жамиятнинг янада кенгроқ жабҳаларини қамраб олишига имкон яратади.

9. Бағрикенглик ва можаролар

Бағрикенглик ва можаролар ҳозирги замон цивилизациясида фан ва дин, хусусан ислом дини муносабатларини кўриб чиқаётганда ниҳоятда долзарб аҳамият касб этади.

Бағрикенглик жамияттаги шахсий муносабатларни тинч йўлга солиб турувчи омил ҳисобланади. Бу нарс ҳозирги жамиятда турли шаклда пайдо бўлаётган муросасизликларни тўғри ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга. Айтиб ўтиш лозимки, муросасизлик ҳар доим урушларнинг келиб чиқишига, диний таъқиблар, ғоявий қарама-қаршиликлар, ирқий камситишларга сабаб бўлиб келган.

Ўз даврида совет пайтидаги давлат даражасидаги худосизлик фан ва динни қарама-қарши қилиб қўйди, бу эса динга том маънода деструктив куч сифатида қарашга олиб келди. Бошқа динлар каби ислом ҳам мутаассиблик ва хурофот манбаи сифатида талқин этилди.

Ҳозирги замон жамиятининг ижтимоий ва маънавий ҳаётидаги туб ўзгаришлар даврида илм-фан концепцияларига илоҳият таълимоти таяна бошлади. Илм-фан ҳақида чуқур тушунчаларга эга бўлган диний уламолар фаннинг инсоният ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидламоқдалар.

Мусулмон дунёсида, аввалгидек ҳозир ҳам 2 та кескин фарқ қиладиган йўналишни кўрсатиш мумкин. Ўрта аср Шарқий мусулмончилиги фан ва дин муносабатларида алоҳида ўрин тутади. Бу даврда турли маданий марказлар пайдо бўлган, табиий фанлар ва ижтимоий-фалсафий фикрларнинг юксалиши кузатилган. Кейинчалик бу ўзгаришлар европалик буюк мутафаккирлар томонидан тан олинган эди. Ислом маданияти, шу жумладан, дин арбоблари ва олимлар ўз ижодлари билан фикр эркинлигига йўл очганлар, илм-фаннинг кейинги ривожига катта ҳисса қўшганлар. Илм ва фан муқаддаслиги, олим шахсига юксак ҳурмат шарқона ислом цивилизацияси қадриятлари орасида асосий ўринни эгаллади. Ушбу цивилизация давомчилари «ҳақиқий ислом»нинг қайта уйғонишига, яъни ренессансига қаттиқ ишонадилар.

10. Барқарор тараққиёт

Барқарор тараққиёт - инсоният тараққиётининг муҳим концепцияси бўлиб, унинг асосий моҳияти «ҳозирги авлод эҳтиёжларини келажак авлод манфаатларига путур етказмасдан қондиришдан иборат. Барқарор тараққиёт сўзига БМТ Ривожланиш ва атроф-муҳит бўйича Халқаро комиссиясининг «Бизнинг умумий келажакимиз» деб номланган ҳисоботида (1987) айнан ана шундай таъриф берилган.

Барқарор тараққиёт концепциясида таъкидланишича, ҳозирги дунё умумбашарий кризис ҳолатида бўлиб, ушбу кризис демогра-

фик, озиқ-овқат танқислиги, ижтимоий-иқтисодий, гуманитар, экологик ва сиёсий бўҳронларнинг умумий йиғиндисидан ташкил топган ҳамда инсониятнинг ер юзида бундан кейин яшаб қолишига катта хавф солмоқда. Шунинг учун ҳам бутун инсоният томонидан барқарор тараққиёт модели ривожланиш учун асос қилиб қабул қилиниши лозим. Инсоннинг соғлом ва сермазмун ҳаёти барқарор тараққиётнинг негизини ташкил этади. Унда инсоният табиат билан ўзаро уйғунликда ва мутаносибликда яшаши, табиат тўғрисида мудом ғамхўрлик қилиши лозим. Барқарор тараққиёт концепцияси гуманизм ва демократия тамойилларига мувофиқ барча кишилик жамиятлари ичида сифатли турмуш ва ривожланишга бўлган эҳтиёжлар қондирилиши, маданият ва таълимни ривожлантириш орқали келажак авлод учун катта имкониятлар яратилишини кўзда тутати. «Барқарор тараққиёт» тушунчасини атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг синоними деб тушуниш хато бўлиб, аслида ушбу тушунча анча кенг маънони англатади. Барқарор тараққиёт уч оминнинг мавжудлигини тақозо этади:

1. Иқтисодий сиёсат ишлаб чиқилиб амалга оширилаётганда экологик омиллар албатта ҳисобга олиниши зарур.
2. Барқарор тараққиёт жамиятда ижтимоий тенглик ва адолат мавжуд бўлган тақдирдагина таъминланади.
3. Барқарор тараққиёт фақат сон ўзгаришлари эмас, балки сифат ўзгаришлари натижасида ҳам юз беради.

11. Бидъатлар

Бидъатлар бирор одам ёки жамоа тўғрисида бошқа одамлар томонидан айтилган турли-туман ноҳолис фикрлар мажмуидир. Бидъатлар мураккаб фикрлар мажмуи бўлиб, улар кўпинча ғаразли мақсадларда атайин тарқатилади. Одатда бидъатларнинг тўғри ёки нотўғрилигини билиш анча мушкул ҳисобланади. Бидъатлар доимий шаклга кирса улар хурофотга айланади. Мабодо, киши бирор бир бидъатни рост деб билиб, унинг таъсирига тушиб қолса, у кейинги барча янгиликлар ва фикрларни ана шу бидъат фойдасига тасдиқлашга мойил бўлади.

Масалан, ҳозирги пайтда ислом дини тўғрисида турли бидъатлар тарқатилмоқда. Гўёки ислом дини халқаро терроризмни келтириб чиқараётган эмиш. Бунга ишониш қийин албатта. Чунки ислом дини аслида халқаро терроризмнинг қўлидаги қурол бўлиб, террористлар ушбу муқаддас диндан ўз мақсадлари йўлида фойдаланмоқчи бўляптилар, холос. Ислом дини тўғрисидаги бидъатлар хурофотга, хурофотлар эса, ўз навбатида, исломофобиянинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

12. Бирдамлик

Бирдамлик - бағрикенгликка оид энг муҳим категориялардан бири бўлиб, у турли мамлакатлар, миллатлар, маданиятлар, гуруҳлар, индивидлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва узвий яқинликни ифодалайди.

Бирдамлик - ўзаро ҳамдардликда, маънавий қўллаб-қувватлашда, моддий ёрдам ва ҳамкорликда намоён бўлади. Бирдамлик пасив (мисол учун, ҳамдардлик шаклида) ёки фаол кўринишда (мисол учун, моддий ёрдам ва ҳамкорлик шаклида) бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда ер юзидаги халқларнинг бирдамлиги айниқса, турли табиий офатлар оқибатида жабрланган мамлакатлар аҳолисига ёрдам қўлини чўзишда яққол намоён бўлмоқда. Мисол учун, 2004 йил 26 декабрда Осиё мамлакатларида бўлиб ўтган даҳшатли цунами оқибатларини бартараф этиш учун бутун дунё халқлари моддий ва маънавий ёрдам қўлини чўздилар.

13. БМТнинг Тинчлик Фаолияти

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (1945), ер юзида тинчлик ва халқаро хавфсизликни кафолатловчи энг асосий халқаро ташкилотдир. БМТ Уставида ушбу ташкилотнинг ер юзида тинчлик учун масъул бўлган бош орган эканлиги таъкидланади.

БМТнинг Нью Йорк шаҳридаги бош қароргоҳи пештоқига Шарқнинг улуг мумтоз шоири Саъдийнинг қуйидаги мисралари ёзиб қўйилган ва қуйидаги маънони билдиради:

Одам аҳли бир тананинг турли аъзолари бўлиб,

У бамисоли гавҳар каби яратилгандир.

Ана шу тананинг бирор аъзосида дард пайдо бўлса,

Бутун танага оғриқ тарқалади.

Ушбу мисралар БМТнинг тинчликсевар миссиясини ўзида тўла акс эттиради, зеро, БМТ ўз тинчликсевар сиёсати билан бутун инсоният дардини енгиллаштиришга ҳаракат қилиб келмоқда. У 60 йилдан бери дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга баҳўли қудрат ҳисса қўшиб келмоқда. БМТнинг шу даврда олиб борган тинчлик фаолиятини 4 асосий йўналишга бўлиш мумкин:

- тинчлик ўрнатиш - можародаги ўзаро курашувчи томонларни БМТ Уставининг 6-бобида кўзда тутилган тинчлик ўрнатиш воситалари ёрдамида муросага келишга кўндиришга қаратилган фаолият;

- тинчликни қўллаб-қувватлаш – можаро қисман ёки бутунлай ечилган ҳудудларда унинг қайта авж олиб кетмаслигини таъминлаш фаолияти;

- тинчлик ўрнатиш - можарога барҳам бериш ва тинчликни му-стаҳкамлаш, можаронинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва шу йўл билан унинг такрорланишига йўл қўймаслик фаолияти;

- превентив дипломатия - қарама-қарши томонлар ўртасида их-тилофнинг авж олишига йўл қўймаслик ва мавжуд зиддиятлар дои-расини чеклашга қаратилган фаолият.

БМТ ташкил этилган кундан бошлаб, 60 йил давомида ўнлаб мамлакатларда тинчликни сақлаш амалиётида қатнашди. Гарчи ушбу амалиётларнинг айримлари муваффақият қозонмаган бўлса-да, бироқ умуман олганда, айнан БМТ туфайли минглаб кишилар омон қолдилар, кўплаб шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлишдан сақлаб қолин-ди.

Таъкидлаш жоизки, БМТнинг тинчлик амалиётлари катта қийин-чиликлар билан амалга оширилади. Чунки, биринчидан, аъзо мам-лакатларнинг можаро юзасидан позициялари турлича бўлиб, бу БМТнинг ягона умумий қарорини қабул қилишга тўсқинлик қилади. Айрим пайтда ана шу қарорни қабул қилиш жараёни анча вақтга чўзи-либ кетиши мумкин. Натижада можаронинг олдини олиш учун қулай фурсат кўлдан бой берилади. Иккинчидан, тинчлик амалиётини ўтқа-зиш катта миқдордаги молиявий маблағларни талаб қилади. БМТнинг бюджети аксарият ҳолларда бунинг учун торлик қилмоқда. БМТнинг тинчлик амалиётларига 1948 йилдан то ҳозирги кунга қадар 7 млрд АҚШ долларига яқин маблағ сарфланган. Бу эса биргина Исроил давлатининг мудофаа мақсадлари учун сарфлайдиган бир йиллик бюджетидан ҳам камдир.

14. Бобил минораси

Бобил минораси - ривоятларда кўп бор такрорланган афсона-вий минора.

Бобил минораси илк бор насронийларнинг муқаддас китоби Инжилда (Генезис, 11) тилга олинган. Унда айтилишича, минорани қуришдан олдин одамлар битта тилда гапирганлар. Кунлардан бир куни улар Худонинг жамолини кўриш мақсадида жуда ҳам баланд минора барпо этишга киришганлар. Кейин эса улар Худонинг ғаза-бига учраб, турли тилларда сўзлашувчи кишиларга айланиб қолган-лар. Оқибатда минора қурилиши барбод бўлади.

Бугунги кунда айрим консерватив кайфиятдаги христиан руҳо-нийларидан ташқари барча олимлар Бобил минораси тўғрисида юқоридаги ҳикоянинг афсона эканлигини таъкидлайдилар.

Ислом динининг муқаддас китоби Қуръони Каримда Бобил ми-нораси воқеаси тилга олинмаган. Аксинча, ушбу воқеани инкор этув-

чи ақоидлар мавжуд. Жумладан, Моида сураси, 48-оятда куйидагилар таъкидланади: «Агар Аллоҳ хоҳласа эди, ҳаммангизни бир миллат қилиб қўйган бўлур эди. Лекин У Зот Ўзи ато этган нарсаларда сизларни имтиҳон қилиш учун (ҳар бир миллатга алоҳида йўл қилиб қўйди). Бас, яхши (савоб) амалларга шошилингиз! (Чунки) барчангизнинг Аллоҳга қайтишингиз бор...».

15. Болаларга нисбатан зўравонлик

Зўравонликнинг энг кўп тарқалган турларидан бири болаларга нисбатан зўравонлик ҳисобланади. Болаларга нисбатан зўравонлик болаларни жисмоний ёки руҳий азоб-уқубатларга дучор қилиш демакдир.

Болаларга нисбатан зўравонлик бир неча кўринишларда намойён бўлади. Шулардан энг кўп учрайдигани куйидагилардир:

1. Жисмоний зўравонлик.
2. Жинсий зўравонлик.
3. Инкор этиш.
4. Руҳий зўравонлик.

Жисмоний зўравонлик кўп тарқалган бўлиб, уриш, савалаш, қулогини чўзиш, қамчилаш, бўғиш каби хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади.

Жинсий зўравонлик номусига тегиш, жинсий аъзоларига шикаст етказиш кабиларни ўз ичига олади. Гарчи зўравонликнинг ушбу тури кам тарқалган бўлса-да, бироқ у оғир руҳий асоратларни келтириб чиқаради.

Жинсий зўравонлик одатда зўравонликнинг бошқа кўринишлари, хусусан, жисмоний зўравонлик билан бирга келади. Чунки одатда болалар жинсий алоқага ҳеч қачон рози бўлмайди, балки шунга алдов, куч ишлатиш ёки қўрқитиш йўли билан мажбур қилинадилар.

Инкор этиш ота-она томонидан ғамхўрлик қилмаслик, овқат бермаслик, таълим бермаслик, соғлиғига қарамаслик, ўз ҳолига ташлаб қўйиш, эътибор бермаслик каби ҳолатлар оқибатида келиб чиқади. Ушбу зўравонлик асоратлари, айниқса, бола катта бўлгандан сўнг яққол сезила бошлайди. Чунончи, етимхона болалари, ташландиқ кўча болаларининг каттагина қисми жиноят оламига кириб қолиши амалда ўз исботини топган бўлиб, юқоридаги фикрни яққол тасдиқлайди.

Руҳий зўравонлик болаларни сўкиш, дуоибат қилиш, таъқиб этиш, қамаб қўйиш, қўрқитиш, алдаш кабилардан иборат бўлиб,

улар ҳам болаларнинг соғлиғига ва келажагига жуда катта салбий таъсир кўрсатади.

16. «Бузғунчи ғоялар» ва «Бунёдкор ғоялар»

Ҳозирги замонда жаҳонда инсон қалби ва онги учун кураш ниҳоятда кескин тус олди. Турли манфаатлар ва мақсадларни қондириш учун рангбаранг ғояларни, мафкураларни байроқ қилиб олган террорчилар инсон онгини заҳарлаш орқали уларни зомбиларга айлантирмоқдалар. Буйруқни оғишмай бажарадиган зомбиларнинг қўли билан ўзларининг манфур мақсадларини амалга оширмоқдалар. Президентимиз И.А. Каримов ибораси билан айтганда: «Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга».

Инсоният тарихий тараққиётига назар ташлайдиган бўлсак, инсон тафаккури маҳсули бўлган ғоялар «Бузғунчи ғоялар» ва «Бунёдкор ғоялар»га бўлинади. Шу ўринда «Бузғунчи ғоялар» ва «Бунёдкор ғоялар»га қуйидагича таъриф бериш мумкин:

«*Бузғунчи ғоялар*» - умуминсоний қадриятларга зид келувчи, жамият тараққиётига тўсқинлик қилувчи, инсоният, миллат, халқ ва инсон бошига кулфат келтирувчи ва ҳалокатга элтувчи ғоялардан иборат.

«*Бунёдкор ғоялар*» - умуминсоний қадриятларга асосланган, юксак ижтимоий мазмунга, бой маънавий асосга ва демократик тамойилларга эга бўлган ғоялардир. Инсониятнинг эзгу интилишларини, мақсад ва манфаатларини ўзида ифодалаган, жамият ва миллат равнақиға хизмат қилувчи ғоялар ҳам бунёдкор ғоялар ҳисобланади.

«*Бунёдкор ғояларга* қуйидагилар киради: халқпарварлик, тинчлик, озодлик, ҳурфикрлилик, дўстлик, биродарлик, тенглик, бағрикенглик, тараққиёт ва ҳоказо. Бу ғоялар асосига қурилган мафкураларни ҳам мисол келтириш мумкин. Масалан: миллий истиқлол ғояси, ҳадидчилик, либерализм.

«*Бузғунчи ғояларга* эса қуйидаги ғоялар мисол бўла олади: ақидапараस्तлик, диний фанатизм, терроризм, босқинчилик, фашизм, шовинизм, жаҳолатпараस्तлик, тоталитаризм ва ҳоказолар.

17. Буюк ипак йўли ва маданий турфахиллик

“Буюк Ипак йўли” бир ярим минг йиллар давомида Ғарбни Шарқ билан боғлаган йўл эди. Фақат XIX асрнинг 70-йилларида бу

атама немис олими Фердинанд Рихтгофен томонидан фанга кири-
тилган. Бундан олдин у “Ғарбий меридионал йўл” деб номланган.

“Буюк ипак йўли” номи ўша пайтларда Ғарб мамлакатлари учун
қимматбаҳо маҳсулот ҳисобланган ипак билан боғлиқдир. Ипак қур-
тидан газлама тайёрлаш сири беш минг йил илгари хитойликлар
томонидан топилган деган фикр юради, ипакни тайёрлаш бўйича
машҳур тадқиқотчи А.А.Тихомиров бу кашфиётнинг аниқ йилини, яъни
эрамизгача 2698 йилда эканлигини айтган. Бошқа айрим тадқиқот-
чилар эса ипак тайёрланишини ҳатто 6-7 минг йил олдинги даврга
боғлайдилар.

Буюк ипак йўлидан фойдаланишнинг бошланиши милодий II
асрнинг 2 қисмига бориб тақалади. Бу даврда дипломат ва айгоч-
чи Чжан Цзян илк марта хитойликлар учун Ўрта Осиёнинг Ғарбий
ўлкаларини очган. Шу тариқа икки йўл бутун бир бўлакка бирлаш-
ди. Биринчиси Ғарбдан ўрта ер денгизи давлатларидан Ўрта Оси-
ёгача, иккинчиси Шарқдан Хан империясидан Ўрта Осиёга йўнал-
тирилган. Икки буюк Ғарб ва Узоқ Шарқ цивилизациясининг
қўшилишида Ўрта Осиё халқлари катта рол ўйнаган. Хитой ва юнон-
рим манбалари гувоҳлик беришича, бироз кейинроқ Буюк ипак
йўли орқали савдо қарвонлари ва элчилар юра бошлаган.

Буюк ипак йўли нафақат иқтисодий ҳамкорлик йўли ҳисобла-
ниб қолмасдан, балки дипломатик алоқаларни таъминлаган ҳолда,
халқларнинг маданий мероси, динларининг тарқалишида ҳам му-
ҳим аҳамият касб этган. Буюк ипак йўли маданий турфа хилликни
ўзида мужассам этган эди. IV-VIII асрларда Хитойнинг йирик дав-
латлар билан савдо алоқалари кенгаяди. Айни шу даврда Хитой ва
бошқа мамлакатлар бўйлаб буддизм кенг тарқалиши бошланди.

Европаликлар томонидан Шарқ мамлакатларига денгиз савдо
йўлларининг очилиши сабабли илгарилари муҳим иқтисодий ва
маданий тараққиётга сабаб бўлган қадимий қарвон йўлларида сав-
до-сотиқнинг ва шу билан бирга маданий алоқаларнинг кескин
сусайиши рўй берди.

Бироқ шунга қарамай, Буюк ипак йўлининг тарихий аҳамияти
жуда катта. Айнан Буюк ипак йўли туфайли Марказий Осиёда му-
ҳим этник жараёнлар бўлиб ўтди (ҳиндуоврўпалик, ҳиндуэрон, тур-
кий миграцияси), қадимий-шарқий, ҳиндубуддий-туркий, эллини-
стик, ҳиндубуддий, туркий ва хитой маданиятларининг фаол
уйғунлашуви юз берди. Буюк ипак йўли бўйлаб кенг масштабли
савдо алоқалари олиб борилди, ҳарбий иттифоқлар ва диплома-
тик шартномалар имзоланди. Ўрта Осиё халқлари алфавит тизи-
ми, Марказий Осиё ва Узоқ Шарқ давлатларида жаҳон динлари
(хусусан, буддизм ва ислом)нинг ривожланишида муҳим рол ўйнай-
ди. Буюк ипак йўли шунчаки оддий йўл бўлибгина қолмай, балки Ев-

роосиё цивилизацияси тарихида катта из қолдирди.

1987 йилда ЮНЕСКО маданиятни ривожлантириш бўйича БМТнинг халқаро 10 йиллиги доирасида “Буюк ипак йўли” халқаро дастурини ишлаб чиққан ҳолда тинчликпарварлик функциясини ба- жарди. Ушбу дастур турли мамлакат ва халқларни бирлаштирди. Шунингдек, Шарқ ва Ғарб ўртасида яқин маданий ва иқтисодий алоқалар ўрнатиш, ушбу буюк қитъаларда яшаётган кўп сонли халқ- лар ўртасида ўзаро тушуниш ва ҳамкорликни йўлга қўйиш каби мақсадлар ҳам дастур учун асос қилиб олинди. Дастур қарвон йўлла- ри ўтган ва жаҳоннинг турли халқлари маданияти бир-бири билан уйғунлашиб кетган Япония, Хитой, Ҳиндистон каби қатор мамлакат- лар томонидан қўллаб-қувватланди.

Буюк Ипак йўлида жойлашган мамлакатлар ўртасида ўзбекис- тон муҳим аҳамият касб этади. Унинг ҳудудида инсоният цивили- зациясининг равнақини, ҳўжалик ҳаётини, савдо алоқалари, дини ва санъатининг пайдо бўлиши ва тараққий этишини кузатиш мум- кин. Буюк ипак йўли тарихи - Шарқ ва Ғарб халқлари ўртасида ўзаро кенг кўламли маданий уйғунлашув тарихидир. Бу шуни тасдиқлайдики, маданий ҳамкорлик дунё халқлари ўртасидаги тин- члик ва барқарорликни таъминлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

18. Ваҳҳобийлик ва ҳизбут-тахрир

«Ваҳҳобийлик» диний-сиёсий оқим сифатида XVIII асрда Мар- казий Арабистоннинг Нажд воҳасида юзага келган. Ваҳҳобийлик асосчиси Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳҳоб 1703 йили Арабистонда қози оиласида туғилган. У бирон бир мазҳабни тан олмаган. Ҳар қандай янгиликка, дини исломнинг мустаҳкамланишига хизмат қилган азиз ва мўътабар шахсларнинг улуғланишига, уларнинг қаб- рлари зиёрат қилинишига тамомила қарши бўлган.

Абд ал-Ваҳҳобнинг қарашлари Марказий Арабистондаги Ди- рья шахрининг нуфузли фуқароси Муҳаммад ал-Саудга, кейинча- лик ал-Сауднинг ўғли ва издоши Абд ал-Азизга мамлакатни эгал- лаш учун қўл келди. Кейинчалик араб давлатларини бўлиб ташлаган бу ҳаракат шу тахлит юзага келди ва ваҳҳобийлик номини олди.

Ваҳҳобийлар бевосита дин номидан иш кўриб, барча араб- ларни яшил байроқ остида бирлаштириш ғояларини илгари сур- дилар. Ўзгалар қўли билан курашишга одатланган инглиз колони- алиزمи эса ваҳҳобийлардан ўз мақсадида фойдаланиб, уларни Усманий туркларга қарши жангга ташлаган эди. Шунинг учун ҳам

вахҳобийлар усмонийлар эътиқод қўйган ҳанафий мазҳабини кофир мазҳаб деб эълон қилишган.

Ваҳҳобийлар дунёвий маданиятни қоралаб, муסיқа, театр ва тасвирий санъат билан шуғулланишни кечирилмас гуноҳ, деб ҳисоблашади. Инглиз мустамлакачилари XVIII асрда қурол кучи билан араб давлатларига таҳдид солишдан ҳеч бир фойда олмагач, мавжуд мазҳаблар ичида низо чиқаришга уриндилар.

Инглизлар мусулмон давлатлари ўртасида ички низо чиқариш учун Қуръон ва ҳадисларни ўрганган инглиз жосуси Хемперни 1719 йили Туркияга, кейинчалик Эронга юборган эдилар. 1730 йили у Абд ал-Ваҳҳоб билан учрашган.

Хемпер ўз хотираларида шундай деб ёзади: «Биз ваҳҳобийлик деб аталмиш янги дин яратдик. Ибн Абд ал-Ваҳҳоб ва Ибн Саудга 11 нафар инглиз-ҳарбий мутахассисларни хизмат учун бердик. Уларга София ва Осиё исмли аёлларни рўбарў қилдик». Шу тариқа «Ваҳҳобийлик» оқими тарафдорлари ер юзининг турли бурчакларига тарқала бошлаган.

Ваҳҳобийлар XIX аср бошларида кучая бошлаб, 1802 йилда Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак масжидини, 1803 йили Макка, кейин Мадина шаҳрини босиб олишиб, у ердаги мол-мулкларни талон-тарож қилишиб қабртошларни бузиб ташлашган. Улар Пайғамбаримиз мақбарасидаги тилла суви юритилган гумбазларни бузиб ташлашга чоғланган бир пайтда, адолатпарвар кучлар ёрдамида босқинчилик ҳаракатлари тўхтатиб қолинди.

Лекин 1810 йилда улар 12 минг қўшин билан имом Ҳусайн мақбарасига ҳужум уюштирдилар. Бу урушда тўртминг кишидан ортиқ болалар, аёллар, мўйсафидлар шафқатсизларча қириб ташланган. Улар, шунингдек, 1811 йилда имом Ҳасаннинг мақбарасини талаб, вайронага айлантирдилар ва икки мингдан ортиқ мусулмонларни қиличдан ўтказдилар. Бу босқинчилик урушларидан ғазабланган Миср ҳукмдори Муҳаммад Али уларга қатъий қарши чиқиб, 1811 йили Ҳижоз шаҳрини, 1818 йили эса Диръа шаҳрини ваҳҳобийлардан тозалаган.

1980 йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонга кириб келган «Ваҳҳобийлик» диний-экстремистик оқими тарафдорларининг ҳанафий мазҳабида бўлган масжид жамоалари билан жанжаллари, чет элдан келаётган доллар ҳисобидаги моддий маблағ эвазига янги масжидлар қуриши, давлат сиёсатида қарши очиқдан-очиқ даъватлар олиб бориши авж олди.

1990 йилларда ваҳҳобийлар ва бошқа жиноий босқинчи гуруҳлар фуқароларнинг мол-мулкни талаш, уларни ўлдириш учун Фарғона водийси вилоятларига қурол-яроқ, портловчи моддаларни олиб келиб, сақлаш учун яширин омборлар қурдилар. Улар

босқинчилик ва қотиллик жиноятларидан жиҳод ҳаракатларини ўтказишда фойдаланишни кўзлаганлар.

Бу жиноий гуруҳнинг асосий қисми 1998 йилда қўлга олиниб, жазога тортилган. Энг ашаддий ваҳҳобийлардан бири Козим Зокиров ва унинг ҳамтовоклари 1999 йил феврал ойида Тошкент шаҳрида портлашларни содир этганлиги учун ҳибсга олиниб, одил суд томонидан жазога тортилган.

Ушбу оқимнинг айрим раҳнаmolари ҳозирда Афғонистон, Покистон, Эрон ва Тожикистонда тарқоқ ҳолда фаолият кўрсатмоқда.

“Ҳизбут-таҳрир» диний - сиёсий ташкилоти (таржимаси - «Озодлик партияси (фирқаси)»)га Шайх Тақдоддин Набахоний (Тақдоддин Набаханий аль-Фаластиний) томонидан 1953 йилда Байтул-Мақдис шаҳрида (Сурияда) асос солинган. Расман у 1929 йилда Мисрда вужудга келган «Мусулмон - биродарлари» ташкилотининг фаластин бўлими қошида очилган (бошқа маълумотларга кўра «ҳизбут-таҳрир» Исроилда Қуддус шаҳрида ташкил топган). Сурияда вужудга келган ташкилотнинг илк ҳужайраси ўз олдига бутун жаҳон исломий давлати - «халифалик»ни қайта тиклаш вазифасини қуйди. Халифалик Муҳаммад с.а.в. вафотларидан ғарбий Арабистонда VII асрда феодал муносабатларнинг шаклланиши даврида вужудга келган мусулмон давлати бўлиб, у ўша давр учун хос бўлган бошқарув шакли ҳисобланади. Халифалик мусулмон жамоати (умма), жамият устидан дунёвий, маънавий ва диний ҳокимиятнинг теократик ҳоким - халифанинг қўлида мужассамлашишини тақозо этади. Ушбу ғояни ҳозирги кунда зўр бериб тарғиб қилаётганлар наздида, аҳолисининг кўпчилиги ислом динига эътиқод қилувчи дунё мамлакатларининг барчаси халифалик таркибига кириши лозим.

Набахоний “ҳизбут-таҳрир» партияси сиёсати ва мафкурасининг назарий асосларини ишлаб чиқди ва уларни ўзининг «Низомул-Ислом» («Ислом тизими» - устави), «Давлат-ул-Ислом» («Ислом давлати»), «Халифалик» каби асарларида талқин этди. Ханузгача ушбу асарлар «таҳрирчилар» («ҳизбут-таҳрир» аъзолари) томонидан асосий ўқув қўлланмалари сифатида фойдаланилмоқда. Кейинчалик «ҳизбут-таҳрир» кўпчилик мусулмон давлатларида, хусусан, Миср, Эрон, Ироқ, Жазоир, Судан, Яман, Покистон ва Афғонистон мамлакатларида кенг тарқалди. Партиянинг раҳбар идораларини Ўвропа мамлакатларида ҳам топиш мумкин, хусусан, стратегик режалаштириш маркази Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрида жойлашган.

“Ҳизбут таҳрир» фаолияти мазмунининг ва стратегиясининг таҳлили асосида хулоса қилиш мумкинки, ўзга экстремистик оқимларга нисбатан унинг ҳавфи тобора ўсмоқда. Масалан, «ваҳҳобий-

лик» оқими ғояларидан фарқли улароқ, «тахрир» ғоялари дарҳол фаол куч ишлатишга чақирмайди, ижтимоий тузумга қарши норозилигини очиқ баён этмайди ва ҳ.к. Кенг оммага мўлжалланган бўлиб, демократия, ижтимоий адолат учун кураш олиб бораётгандек ёлғон таассурот уйғотади. Ҳизбут таҳрир ғоялари бир қарашда эзгуликка чақираётгандек бўлиб кўринади. Аслида эса ана шу ғоялар ниқоби остида зўравонлик яширинган.

1992 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида «халифалик» шаклидаги ислом давлатини, жумладан, ёшларнинг онгини заҳарлаш йўли билан ҳокимиятни қўлга олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган реакцион диний-сиёсий «ҳизбут-тахрир» ташкилотининг бошланғич бўлинмалари ташкил этила бошланган.

Норасмий оқим сафига кирувчиларга ўз ғоялари ҳақидаги маълумотларни ҳеч қачон ошкор этмаслик тўғрисида қуръон билан қасам ичирилган. Улар ўз тарафдорларини зиёлилар, илмий ходимлар, талаба ёшлар орасидан танлайдилар. Халифалик қуриш йўлида барча тўсиқларни жиҳод йўли билан олиб ташлашни яширин тарзда режалаштирадилар.

“Ҳизбут-тахрир” танлаган йўл жарга олиб борувчи йўл, у танлаган ғоя эса жаҳолатга етакловчи хавфли ғоя ҳисобланади. Улар барча мусулмон динига мансуб халқларни халифалик деб ном олган ва битта халифа бошқарадиган ягона диний давлатга бирлаштириб, амалдаги Конституция ва қонунлар ўрнига, ўрта асрларда ҳукм сурган ақида ва одатларга итоат қилдирмоқчи бўладилар. Ушбу ғоя пуч ғоя бўлиб, уни XXI асрда амалга ошириб бўлмайди.

19. Ватанпарварлик

Ўз туғилиб ўсган жойидан фахрланувчи ва унинг ҳимоясига мудом тайёр турувчи киши ватанпарвар ҳисобланади. Ватанпарварлик ўз миллати, маданияти ва жамияти билан фахрланиш туйғуларидир. Ватанпарварлик бошқа мамлакатлар ва миллатлар билан ҳамкорликни инкор этмайди. Ватанпарварлик миллатчиликдан айнан ана шу жиҳати билан фарқ қилади. Миллатчилик ўзи мансуб бўлган миллатни бошқа миллатлардан уларни менсимаслик ва камситиш эвазига устун қўйишни аңлатса, ватанпарварлик ўз ватанини ва миллатини бошқа миллатларни камситмаган ҳолда, уларни ҳурмат қилган ҳолда устун қўйиш демакдир.

20. Гендер хурофотлари (стереотиплари)

Гендер стереотиплари маданиятда шаклланган эркак ва аёл муносаббати ҳақидаги тушунчадир. Ушбу терминни гендер аҳамияти (роли) тушунчасидан факрлаш лозим. Чунки гендер роли тушунчаси аёл ва эркак хулқ-атворлари меъёрларини ўзида жамлайди. Гендер стереотипларининг пайдо бўлиши, аввало, тарихан мукаммаллашиб келган эркак ва аёл жинслари орасидаги индивидуал-сифат фарқланишига бориб тақалади. Платон ўз даврида аёл ва эркак жинсларига оид қарашларидан бирида: "табиатан эркак ва аёл барча ишларда фаол бўлиши, аммо қувватга келсак, эркакнинг устунлиги намоёндыр," деб таъкидлаган.

Умумлаштирилган гендер хурофотлари ҳаётда кўп учрайди. Ўз табиатига кўра аёл ҳам, эркак ҳам барча ишларда иштирок этиши мумкин, бироқ аёл ҳамма нарсада эркакка нисбатан кучсизроқдир (Платон, «Республика»). 78% эркаклар ва аёллар «аёлларнинг кўпроқ ҳис-туйғуларга берилувчанлигини» қайд этадилар. Лекин гендер хурофотларининг маълум бир хатти-ҳаракатга айланиши жамиятда у ёки бу жинсга нисбатан камситиш – сексизм пайдо бўлиш ҳавфини туғдиради. Аёл учун оила ва рўзгор ташвишлари биринчи даражали, деган хурофот жамиятда мутахассис аёлларга нисбатан бўлган муносабатга бевосита салбий таъсир этади: айнан бир ҳил даражадаги тайёргарлик ва тажрибага эга бўлган эркак хизмат пиллапояларига кўтарилишда аёлга нисбатан кўпроқ «ижтимоий имтиёзларга» эга бўлади. Мазкур хурофот айрим жамиятларда қизларнинг таълим олишига ва мутахассис бўлиб етишишига ҳам тўсқинлик қилиши мумкин.

Жамиятда гендер хурофотлари ва сексизмни пайдо қилувчи омиллардан бири ижтимоий мавқелар тенгсизлигидир. Масалан, оилада болаларга ғамхўрлик қилиш асосан аёллар зиммасида эканлиги, аёллар табиатан меҳрибон бўладилар, деган стереотипни шакллантиради. Эркакларнинг бизнес билан кўпроқ шугулланиши ҳамда овга ёки жангга бориши эса, эркаклар агрессив, бўйсунмас ва қўрқмас бўладилар, деган хурофотни келтириб чиқаради.

Аёлларга паст назар билан қараш дунёнинг турли мамлакатларида учрайди. Ҳатто айрим ислом мамлакатларида ҳам диний мутаассиблик ва хурофотлар натижасида аёллар турли камситишларга дучор этилмоқдалар. Ваҳоланки, ислом динида аёл зотининг мавқеи жуда баланд қўйилган бўлиб, бунга Қуръони Карим оятларида ва ҳадисларда кўплаб далиллар мавжуд. Масалан, Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. «мен кимга яхшилик қилишим керак» деган кишининг саволига: «аввал онангга ва яна онангга ва яна онангга, сўнгра отангга!» деб жавоб қайтарган эканлар.

21. Геноцид ва демоцид

Геноцид: (genos – насл, зот, авлод ва cide ўлдирмоқ сўзларидан). Ушбу атама илк бор Рафаэл Лемкин томонидан 1940 йилларга муомалага киритилган.

Геноцид муайян халқни ёки миллатни, ирқий ёхуд диний жамоаларни бутунлай ёки қисман қириб ташлашни англатади.

Геноцидга инсоният тарихидан мисоллар жуда кўп бўлиб, энг янги давр, яъни XX аср ва XXI аср бошларидаги геноцид актларининг аксарияти у ёки бу диний эътиқодлар билан боғлиқ ҳолда амалга оширилган. Масалан, 1990 йилларнинг ўрталарида серблар (Серб православ христианлари) томонидан собиқ Югославияда 200 000 дан ортиқ мусулмонларнинг ўлдирилиши сўнгги йилларда амалга оширилган энг мудҳиш геноцид жинояти ҳисобланади.

Геноцид халқаро ҳуқуқ томонидан, кўпгина давлатларнинг миллий қонунчилиги ва аксарият дунё динлари томонидан қаттиқ қорланади.

БМТ тизимидаги халқаро ташкилотлар томонидан геноцид жиноятининг олдини олишга қаратилган халқаро меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Шулардан энг асосийси, Геноцид жиноятининг олдини олиш мақсадида жазолаш тўғрисидаги 1948 йилда қабул қилинган Халқаро Конвенциядир.

Демоцид эса “demos” халқ ва “cide” ўлдириш деган маънони англатади. Тарихда жуда кўп ҳукуматлар ўз халқини у ёки бу айби учун ёппасига ёки қисман қириб ташлаш ҳодисалари кўп бор содир этилган. 1900 йилдан 1980 йилгача тахминан 170 млн. киши демоцид қурбони бўлганлар. Демоциднинг энг тарқалган кўринишлари геноцид ва политцид (сиёсий мухолифларни ўлдириш) ҳисобланади.

XX асрда 8 та энг йирик демоцид жиноятлари мобайнида 110 млн киши ҳалок бўлган. Шулардан энг йирик демоцид жиноятлари сифатида собиқ СССРда Сталин катагонлари (1929-1953; 43 млн. киши ҳалок бўлган), Хитойда Мао Цзедун демоцид сиёсати (1923-1976; 38 млн. киши ҳалок бўлган), Германияда Гитлернинг демоцид сиёсати (1933-1945, 21 млн киши ҳалок бўлган) ни мисол тариқасида санаб ўтиш мумкин.

22. Геосиёсат ва хавфсизлик

Геосиёсат атамасини илк бор XIX асрда швед олими Рудольф Челлен муомалага киритган. Унинг фикрича, геосиёсат давлатни

маконда қарор топган жуғрофий организм сифатида ўрганувчи фандир. Қайд этиш лозимки, кўплаб олимлар давлатни тирик организмларга қиёслашади.

Немис олими Карл Хаусхофернинг таъкидлашича, геосиёсат «замин ва сиёсий жараёнлар ўртасидаги муносабатларни» ўрганади. У жуғрофиянинг кенг пойдеворига, аввало, «фазодаги сиёсий организмлар ва уларнинг таркибий тузилиши ҳақидаги сиёсий жуғрофия фанига асосланади». Бундан ташқари, геосиёсат сиёсий аъмолларни «энг муҳим йўриқномалар билан таъминлаш ва умумий сиёсий ҳаётни йўлга қўйишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди». Бу билан геосиёсат «амалий сиёсатни бошқариш санъатига» айланади. Геосиёсат, - дейди К.Хаусхофер, - давлатнинг миясидир».

Нуфузли халқаро лугатда геосиёсат «муносиб ташқи сиёсатни амалга ошириш мақсадида қитъа ва денгиз ареаллари билан сиёсат ўртасидаги муносабатларни ўрганувчи фан» сифатида таърифланади. Франциялик олим Ив Лакост геосиёсатга «жуғрофий омилларнинг давлат сиёсатига таъсирини ўрганувчи фан» деб таъриф беради. Рус олими Вадим Кожиновнинг фикрига кўра эса, «геополитика» атамаси қадимги юнонча «ер» билан «давлатни бошқарув» сўзлари бирикмаларидан ташкил топган бўлиб, ...гап муайян замин, макон, муайян (боқий) ҳудуд билан бу заминда қарор топган давлат ёки давлатлар мажмуасининг бир бутунлиги, муштараклиги ҳамда ўзаро боғлиқлиги ҳақида боради».

Келтириб ўтилган таърифлар асосида шуни ҳам таъкидлаш мумкинки, геосиёсатнинг энг олий функцияси жамиятни ички ва ташқи душманлардан муҳофаза қилишдан иборат. Давлат сиёсатининг жуғрофий омилларга боғлиқлиги, яъни геосиёсат ландшафт хусусиятларидан келиб чиқиб амалга оширилган давлат сиёсати, айти маънода, давлат ва у қарор топган фазонинг яхлитлиги, бир бутунлиги геосиёсатнинг асосий таҳлил манбаидир. У жуғрофий сиёсат эмас, балки жуғрофий омилларни ҳисобга олиб тарихий жараёни сиёсий бошқаришдир.

Геосиёсий таҳлил асосида миллий хавфсизлик концепциялари шартланади. Мустақил давлатнинг манфаатлари ва мақсадлари геосиёсий омиллар устуворлигидан келиб чиқади. Геосиёсий таҳлил жуғрофий, сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, экологик ва бошқа омиллардан иборат бўлиб, бу ерда этник, диний, демографик омиллар алоҳида аҳамиятга эга.

Геосиёсий таҳлилнинг асосий категорияси ҳудуд, маскан, макон, фазодир. Бундан ташқари геосиёсат масалаларига бағишланган адабиётларда биз теллуократия (қуруқлик қудрати) ва таласократия (денгиз қудрати), ички қитъавий макон ёки Хартленд

(heartland), «ички, континентал ярим ой, қирғоқ зоналари», (Rimland), «ташқи ярим ой» ёки «орол ярим ойи», «геосиёсий чегаралар», геостратегик минтақа, геосиёсий минтақа, давлатлар (блоки) иттифоқи, давлат, буфер давлат, геосиёсий иттифокдошлар, буюк давлат (Super Power), кучлар маркази, геосиёсий чизиқлар, фронтал рақобат, геосиёсий вазият, геостратегик вазият ҳамда миллий қудрат каби атама ва тушунчалар ўз ўрнини топган.

Халқаро сиёсатнинг терроризм феномени туфайли тезлашган туб ўзгаришлар дунё геосиёсий саҳни билан бирга геосиёсат тушунчаси ҳам анча кенгайди. Анъанавий геосиёсат буюк давлатлар ўртасида йирик масканлар, табиий ресурслар ҳамда стратегик минтақалар (портлар, сув йўллари, каналлар, дарё тизимлари, оазислар ва бошқа куч қудрат ва бойлик манбалари) устидан назорат учун кураш сифатида тушуниб келинди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё минтақаси йилдан йилга турли омиллар туфайли дунё геосиёсатининг марказий нуқталаридан бирига айланиб бормоқда. Бу ерда турли мамлакатларнинг, ҳатто минтақа билан умумий чегараларга эга бўлмаган узоқ мамлакатларнинг ҳам геосиёсий қизиқишлари тобора ортмоқда. Шундай бир қалтис вазиятда минтақада ҳавфсизликни таъминлаш, кескин нуқталарни юмшатиш, турли-туман манфаатларни уйғунлаштириш ва умумий мақсадлар сари йўналтириш Марказий Осиё мамлакатлари учун энг устувор вазифадир.

23. Гиёҳвандлик ва зўравонлик

Гиёҳвандлик кайф ёки шунга ўхшаган қисқа муддатли ҳиссий ҳуш ёқиш ҳолатига эришиш мақсадида турли гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишни англатади.

Гиёҳвандликнинг келиб чиқиши анча узоқ тарихга бориб тақалади. Жанубий Америкадаги ҳиндулар милоддан аввал 3000 йилларда кока дарахтининг илдизларини чайнаб, ҳуш ёқиш ҳолатига эришганликлари ва бу ҳолатни худонинг инсонга тўхфаси сифатида эътироф этганликлари тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Қадимги Хитой солномаларида эса милоддан аввал XV асрда гиёҳванд моддаларидан айрим касалликларни даволашда фойдаланганлиги тўғрисида қайдлар мавжуд. Қадимги санскрит ёзувларида эса галлюцинация, яъни эс ҳушини йўқотиш (мастлик) ҳолати тўғрисида маълумотлар бор.

Бироқ қадимги манбаларнинг бирортасида ҳам ушбу модданинг таъқиқлаб қўйилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд эмас.

Аксинча, уларда гиёҳванд моддалар истеъмолига рухсат этилган ҳолатлар учрайди. Масалан, бир тарихий ҳужжатда Наполеон ўзининг Миср юришидан қайтаётган солдатларига марихуана истеъмол қилишга рухсат этганлиги тилга олинган.

Гиёҳвандлик инсон ва жамият учун катта зарар эканлиги, бинобарин, уни таъқиқлаш лозимлиги фақат энг янги даврга келиб муҳим аҳамият касб эта бошлади. Гиёҳванд моддалар истеъмолини таъқиқлаган илк мамлакат АҚШ ҳисобланади. Бу ерда 1907 йилда қабул қилинган ҳужжатга кўра гиёҳванд моддаларни тиббий мақсадлардан ташқари бошқа бирор мақсадда фойдаланиш таъқиқлаб қўйилди. 1914 йилда қабул қилинган Ҳаррисон Акти орқали эса гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш, импорт қилиш, сотиш ёки тарқатиш буткул таъқиқланади.

Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилган кишиларда агрессивлик даражаси анча юқори бўлиши олимлар томонидан аниқланган. Уларнинг фикрича, гиёҳвандлик ва зўравонлик ўртасида чамбарчас боғлиқлик мавжуд. Гиёҳвандлик билан шуғулланувчи кишиларнинг аксарияти у ёки бу жиноятларни содир қилишга мойил бўладилар. Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, дунё бўйича автотранспорт ҳадокатларининг 60%дан кўпроғи гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик таъсирида содир этилади. Болаларга нисбатан зўравонликнинг 38%и, қотилликларнинг 49%и, номусга тегиш ҳолатларининг 52% ва майда безориликларнинг 62%и гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик туфайли юз беради.

Гиёҳвандлик дунё миқёсида халқаро терроризмнинг авж олишига сабаб бўлаётган омиллардан биридир. Халқаро экспертлар маълумотига кўра, Афғонистонда етиштирилиб сотилаётган наркотик моддалардан келаётган 8 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги йиллик даромаднинг нақд бир миллиарди дунёда биринчи рақамли халқаро террорист - Усама бин Лодиннинг ҳисобига келиб тушар экан. Наркобизнес ҳам халқаро терроризм билан эгилмайдир, ундан манфаатдордир ва уни юзага келтирувчи омиллардан биридир. Наркобизнесга қарши кураш, ўз навбатида, халқаро терроризмнинг ҳам илдизига болта уради.

24. Глобализация ва ижтимоий адолат

Глобализация — турли йўналишли тенденция таъсирида шаклланивчи объектив, мураккаб, зиддиятли ва диалектик жараён бўлиб, имонавий жаҳон ҳамжамиятининг ҳамда илмий-техникавий ва иқтисодий тараққиётнинг шарт-шароитлар мажмуасини ўзида муҳим асосларни ўз ичига олади.

Олимларнинг фикрича, глобализация бир неча ижобий жиҳатларга эга бўлиб, у жумладан, мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган муаммоларни ечишга жиддий асос яратади; бозорнинг кенгайиши билан бир қаторда ихтисослашув ва халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашувига сабаб бўлувчи халқаро рақобатни вужудга келтиради; глобал миқёсда ишлаб чиқаришнинг рационаллашuvi, замонавий технологияларнинг кенг тарқалиши ҳамда дунё миқёсида инновацияларни киритишга қаратилган рақобат босими натижасида кузатиладиган иш самарадорлигининг ошишига олиб келади.

Бироқ глобализация ўзида нафақат ижобий натижаларни, балки ўзига хос зиддиятларни, демак, салбий натижаларни ҳам мужассам этган. Глобализациянинг салбий жиҳатларига қуйидагиларни киритиш мумкин: ривожланмаган мамлакатларнинг иқтисодий ўсиши ривожланган мамлакатларникига нисбатан сустроқ бўлганлиги сабабли, глобализациядан келадиган афзаллик ва устунликлар асосан ривожланган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади; жаҳон миқёсида миллий иқтисодиётларнинг ўзаро боғлиқлиги дунёнинг беқарорлигига сабаб бўлиши мумкин; бой ва камбағаллар ўртасидаги масофа янада чуқурлашиши, адолатсизлик, тенгсизлик натижасида кўпгина зиддиятлар пайдо бўлиши эҳтимоли бор; баъзи мамлакатлар иқтисодиётининг назорати мустақил ҳукуматлардан салоҳиятлроқ бўлган халқаро ташкилотларга ёки транс-миллий корпорациялар қўлига ўтиш хавфи мавжуд; глобализация натижасида турли юқумли касалликлар, гиёҳвандлик, уюшган жиноятчиликнинг бир мамлакат ҳудудидан бошқаларига тарқалиши осонлашади; глобализация миллий давлатчилик пойдеворининг заифлашувига ва ҳатто айрим давлатларнинг йўқолиб кетишига, ғарб поп маданиятининг кенг тарқалишига ва аксинча турли миллий маданиятларнинг йўқолиб кетишига олиб келиш мумкин: (олимларнинг таъкидлашича, ғарб маданияти таъсирида ҳозирги пайтда дунёда ҳафтасига 2 та тил ўлик тилга айланмоқда).

Глобализациянинг ижобий ва салбий жиҳатларини қабул қилишда тегишли таваккалчиликка йўл қўйилади. Шиддат билан ривожланиб бораётган жаҳон рақобати тизими ва ишчи кучи бозорининг ривожланиши ҳамда жаҳон техника ютуқларининг кенг тарқалиши билан бир қаторда, оммавий маданиятнинг босқини, мамлакат миллий манфаатларининг трансмиллий капиталнинг манфаатларига қарамлиги ва бошқа кўринишдаги камчиликлар ҳам мавжуд.

Шундай қилиб, глобализация – нафақат ташқи тузилмани, балки давлатларнинг ва сиёсий ҳамжамиятларнинг табиатини ҳам ўзгартирувчи жараён ҳисобланади. Замонавий дунёда уни ажра-

тиб турувчи ижтимоий, сиёсий, мафкуравий, миллий хусусиятлари ва улар билан боғлиқ бўлган мамлакат ичидаги ва мамлакатлараро зиддиятлардан қатъий назар, бир томондан, глобал таҳдидлар ва иккинчи томондан, жаҳон ҳамжамиятининг барча ташкил этувчиларнинг ўзаро боғликлари шароитида ўсиб бораётган глобализациянинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ижобий оқибатлари акс этмоқда.

Глобализация – тадрижий жараён бўлиб, унинг интенсивлиги дунёнинг барча нуқталарида турли хил ва турли даражада кузатилмоқда. Мазкур жараённинг кенг тус олганлиги ривожланаётган мамлакатларга катта таҳдид солмоқда. Турли мамлакатларда ижтимоий тенгсизлик ва адолатсизлик оқибатида можаролар юзага келмоқда. Бундай вазиятдан эса халқаро терроризм усталик билан фойдаланади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ривожланаётган мамлакатлар томонидан тўғри стратегия танлаб олинган тақдирда, глобализациянинг олиб келиши мумкин бўлган салбий оқибатларни бартараф этиш имконияти туғилади.

25. Демократия маданияти

Маълумки, демократия халқ ҳокимияти деган маънони билдиради. Демократияда бошқарувчи ва бошқарилувчи бир шахсда, яъни фаол фуқарода мужассамлашади. Бинобарин, демократиянинг тақдири фуқаронинг онгига, ҳуқуқий савиясига боғлиқдир. Фуқаро ўз хатти-ҳаракатларининг онглилигига масъул бўлиши, яъни фуқаролик масъулиятини ўз зиммасига олиши лозим.

Шундай экан, демократик жамиятнинг тақдири учун фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириши, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, маънавиятини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Буларнинг барчасини бир сўз билан демократия маданияти деб номлаш мумкин.

Ўзбекистонда демократия маданиятини шакллантириш йўлида мустақиллик йилларида жуда кўп ишлар амалга оширилди. Махсус китоблар, ўқув қўлланмалари нашр этилиб тарқатилмоқда, республика телерадиоси ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали демократия маданиятини юксалтириш бўйича туркум дасгурлар ва мақолалар тайёрланмоқда. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари ва демократия соҳасидаги таълимни ривожлантириш бўйича инфратузилмаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бироқ бу йўлда ҳали яна жуда кўп ишлар амалга оширилиши

лозим. Республикамизда демократик маданият ҳали тўлиқ шаклланмаган. Шундай экан, биз демократия тамойиллари ва қадриятларини кундалик ҳаётимизда мунтазам муҳофаза этишимиз лозим, токи улар ҳаётимизга ниҳоятда чуқур кириб борсин. Демократия маданиятини турмуш тарзимизнинг одатий жараёнига айлантириш учун фақатгина ўқитувчилар ёки журналистлар масъул бўлиб қолмасдан, балки фуқаролик жамиятининг барча иштирокчилари ҳам масъулдирлар. Демократия маданиятини тарғиб қилиш демократик ислохотларни муваффақият билан амалга оширишнинг энг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланади.

26. Дин ва диний бағрикенглик

Дин арабча сўз бўлиб, чуқур эътиқод, ишонч деган маънони англатади.

Дин - олам, табиат, жамият ва инсон моҳиятини илоҳий асосда тушунтиради. Дин илоҳийлик билан боғлиқ дунёқарашни, эътиқодни, туйғуни, анъана ва маросимларни ўзида мужассамлаштирган, тизимлашган гоялар мажмудир.

Дин ҳаётни ўзига хос тарзда акс эттирувчи ижтимоий онг шакли тарзида фаолият кўрсатади. Дин инсон онгини фикрлаш, таҳлил қилиш, атроф-муҳитни тушуна олиш даражасига қадар ривожлантириб боради. Ҳар қандай дин, шу жумладан, ислом дини ҳам эзгуликни, бағрикенгликни яхшиликни, покликни, ҳалолликни, адолатни, тўғрилиқни ёқлаб, уларни тарғиб қилиши билан ҳам инсон қалби ва онгидан жой олади.

Дунё динларининг аксарияти инсон ҳаётида салбий рол ўйнайдиган барча омилларни жаҳолат манбаи деб баҳолайди ва инсон камолотига тўсқинлик қилувчи иллатларни қоралайди. Улар инсонни комилликка, эзгуликка, иймон-эътиқодга, ўзаро муносабатда содиқликка, меҳр-мурувватга чорлайди. Ҳеч қайси бир дин, агар у бузиб кўрсатилмаса, моҳиятан ёмон, ёвуз ниятни тарғиб қилмайди. Уларнинг ичидаги мураккаблик, тушунмовчиликлар, тубан манфаатларнинг аралашиши ёмон, ғаразли ниятларни амалга оширишга интилишлар оқибатида юзага келади. Бундай диний мутаассиблик қандай оқибатларга олиб келаётганини бугунги кунда ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Бугунги кунда аксарият жамиятлар бир нечта динлардан таркиб топган бўлиб, ушбу жамиятлар учун диний бағрикенглик ғояси муҳим рол ўйнайди. Диний бағрикенглик ғояси ўзга динларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишдир. Агар биз фақат ўз динимизнигина “энг олий ҳақиқат» деб билиб, бошқа динларни

инкор этсак ва ўз динимизга киришга бошқаларни даъват этадиган бўлсак, бизнинг ушбу хатти-ҳаракатимиз жамият учун анча қимматга тушиши мумкин. Шу билан бирга, диний бағрикенглик ўз дини ва эътиқодидан воз кечиш керак, деган маънони ҳам англатмайди. Аксинча, у бошқа динга мансуб инсонларнинг қадр-қимматини ҳурмат қилиш лозимлигини, бошқа дин вакиллари ҳам яшашга ҳақли эканликларини англатади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб дунёвий давлат қуриш йўлини тутди. Бу республикаимизнинг Асосий қонунида мустаҳкамланган. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган социологик суров жараёнида сўралганларнинг аксарияти динни ҳурмат қилиши, аммо дин ҳар бир инсоннинг шахсий иши эканлигига ишончлари комил эканлиги аниқланди. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» асарида давлатнинг диний ташкилотлар билан муносабати аниқ белгилаб берилди. «Диндорларнинг диний ҳис-туйғулари ва ҳуқуқларини давлат қанчалик ҳурмат қилса, диндорлар ҳам қонунлар ва давлат сиёсатини шунчалик ҳурмат қилишлари лозим. Фақат мана шундай мувозанатгина ҳеч қандай ўзаро нифоқларга йўл қўймайди».

Бундай мувозанатга эришиш Ўзбекистонга диний ва миллий негиздаги нифоқларни четлаб ўтиш имконини берди. Бундан ташқари, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик мамлакат раҳбарияти амалга ошираётган сиёсатнинг ҳамда миллий парламент аъзолари қонунчилик ташаббусларининг ўзига хос рамзига айланди. Виждон эркинлиги, диний ташкилотлар тузиш ва уларга аъзо бўлиш, уларнинг қонун олдида тенглиги ҳамда диний ташкилотлар фаолиятига давлатнинг аралашмаслиги тўғрисидаги конституциявий принциплар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1998 йилда қабул қилган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири)да ўз аксини топди. Мазкур Қонун, динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг тенглигини мустаҳкамлайди ва диний ташкилотлар билан давлатнинг ўзаро муносабатларини белгилайди.

27. Диний фундаментализм

«Фундаментализм» тушунчасининг келиб чиқиши аслида христиан дини билан боғлиқ. Христианлар Инжилни ташвиқ этиш учун уни турли тилларга таржима қилганлар ва натижада мазкур китобнинг таржима матнлари орасида катта фарқлар пайдо бўлган.

Шунингдек, христианларда Исо пайғамбар сафдошлари ва бошқа тарихий шахсларга сифиниш, уларни илоҳийлаштириш даражасига-ча етиб бориш оқибатида христиан динининг устувор ғояларини талқин этишда маълум маънода бузилишлар содир бўлган. Асл Инжил матни ўз давридаёқ йўқолиб кетгани боис, ҳаворийларнинг қарашлари, мактублари, ёзишмалари орқали Инжил тартибга келтирилган. Инжил догмаларининг ўзгартирилиши кейинчалик баъзи радикал дин арбоблари томонидан танқид қилинган. Христианликда фундаментализм, яъни илк диний асосларга қайтиш ҳаракати анча олдин сезилган бўлса ҳам, унинг расмий кўриниши 1908 йилда АҚШнинг Калифорния штатида радикал протестантларнинг «Христиан динининг фундаментал тушунчалари конференцияси» (The Conference on Christian Fundamentals) уюшмасининг вужудга келиши билан боғлаш мумкин. Уларнинг асосий мақсади Инжилни соф ҳолига келтириш масаласи бўлган. Бунинг оқибатида ундаги устувор ғоялар талқинида бузилишларга йўл қўйилди. Шунинг учун дастлабки диний асосга қайтиш зарур, деган даъво фундаментализмни келтириб чиқарди.

Фундаменталистларнинг бугунги кунда илгари сураётган ва таъянч ғоя сифатида эътиборни тортиши керак бўлган фикри халифаликка қайтиш, бунинг учун «жиҳод» қилиш, жиҳод йўлида «шаҳидлик», яъни ўзини қурбон бериш талаблари ётади. Улар барча мусулмон динига мансуб халқларни халифалик деб ном олган ва битта халифа бошқарадиган ягона диний давлатга бирлаштириб, амалдаги Конституция ва қонунлар ўрнига, ўрта асрларда ҳукм сурган ақида ва одатларга итоат қилдирмоқчи бўладилар. Минг афсуски, улар бу ғоянинг пуч эканлиги ва уни ХХI асрда амалга ошириб бўлмаслигини тушунмайдилар ва жоҳилликлари туфайли тушунишни ҳам истамайдилар.

28. Диний экстремизм

Диний экстремизм ("extreme" - охири, ниҳояси, сўнгги, кескин учи маъноларини билдиради). Жамият, миллат ва давлат ҳаётини фақат диний ақидалардан келиб чиқиб кескин ўзгартириш ва бошқариш зарурлигини илгари сурувчи ташкилотлар, оқимлар фаолиятдан иборат. Улар ҳар қандай дунёвий, демократик тамойилларни, миллий қадриятлар ва урф-одатларни тан олмасликка асосланган реакцион мафкурага таянадилар.

Диний экстремизм тарафдорлари қонуний сиёсий ҳокимиятни зўравонлик билан эгаллашга уринадилар ва бу йўлда ҳар қандай усуллардан фойдаланадилар. «Ваҳҳобийлик», «Ҳизбут-таҳрир»,

«Мусулмон биродарлари», «Туркистон Ислом ҳаракати» каби диний экстремистик оқимлар ва ташкилотлар шулар жумласидандир.

Диний экстремистик гуруҳлар бугунги кунда ноқонуний равишда моддий бойликларга эга бўлиш мақсадида талон-тарож, хунрезлик, юридик ва жисмоний шахслар ҳаётига тажовуз қилиш билан шуғулланадилар.

Диний экстремизмнинг бугунги кунда вужудга келиши ва ўсишининг асосий объектив ва субъектив омиллари мавжуд. Булар диний ва миллий ўзлигининг кескин ўсиши, маълум қатламлар ва гуруҳларнинг куч билан сиёсий ҳокимиятни ағдариб давлат ва жамиятни исломийлаштиришга интилишига бориб тақалади. Диний экстремизмнинг энг даҳшатли ҳолати шундаки, у давлат, халқ чегарасини билмайди, ғараз ниятларга тўсиқ бўлмаганидек, булар ҳам ўрмалаб тарқаб боради.

29. Дипломатия - тинчлик воситаси

Давлатлар ўртасида тинч муносабатларни ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида ўзаро музокаралар, мулоқот ва бошқа тинч воситалар ёрдамида олиб бориладиган халқаро алоқалар дипломатия дейилади.

Дипломатия унда иштирок этаётганлар сонига кўра икки турга бўлинади:

1. Икки томонлама дипломатия халқаро муносабатларнинг 2 мустақил субъектлари (давлат-давлат; давлат-халқаро ташкилот) ўртасидаги дипломатик алоқаларни билдиради.

2. Кўп томонлама дипломатия халқаро муносабатларнинг бир неча субъектлари ўртасидаги муносабатларни англатади. Кўп томонлама дипломатияда музокаралар одатда глобал ёки минтақавий аҳамиятга молик муаммоларни ечишга қаратилган бўлади.

Дипломатия ўз характериға кўра ҳам турли кўринишларда намоён бўлади:

Масалан, очиқ дипломатия ошкора тарзда амалга оширилса, ёпиқ дипломатия махфий тарзда амалга оширилади. Медиа дипломатияси оммавий ахборот воситалари орқали ўз миллий манфаатларини амалга ошириш ҳисобланади. Маданий дипломатия ўз мусиқаси ва санъатини намойиш қилиш орқали амалга оширилса, спорт дипломатияси турли спорт мусобақаларини ташкил қилиш орқали давлатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ва мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш назарда тутилади. Ўз навбатида спорт дипломатияси ҳам пинг

понг (стол тенниси) дипломатияси, кураш дипломатияси каби кўринишларга эга бўлади. Бундан ташқари саммитлар дипломатияси, сауна дипломатияси, галстуксиз учрашувлар дипломатияси каби дипломатия кўринишлари ҳам борки, улар давлатлар ўртасида тинчлик ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда муҳим ҳисса қўшади.

Дипломатия можароларга чек қўйишнинг энг самарали усули ҳисобланади. Баъзида дипломатик музокаралар тезда якун топади, аммо эришилган аҳдлашув кўп ўтмай у ёки бу томоннинг айби билан бузилиши мумкин. Баъзида эса аксинча, дипломатик музокаралар жуда узоқ давом этади, бироқ ижобий натижалар кўлга киритилади. Масалан, АҚШ-Вьетнам урушига чек қўйиш учун томонлар 5 йил давомида (1970-1975) ўзаро музокаралар олиб борганлар ва бунинг натижаси ўлароқ, ниҳоят, 1975 йилда тинчлик шартномаси имзоланди. Ёки «Совуқ уруш» даврида АҚШ ва СССР ўртасида стратегик қуролларни қисқартириш бўйича имзоланган шартномалар (1972) икки йилдан кўпроқ давом этган мураккаб дипломатик музокараларнинг маҳсули ҳисобланади.

30. Жаҳон динлари зўравонликка қарши

Ҳозирги пайтда дунёда юзлаб динлар ва диний эътиқодлар мавжуд. қуйида биз улардан энг асосийларини мухтасар кўриб чиқамиз ва улардаги зўравонликка муносабатни таҳлил этамиз.

1. Ислом дини. Ислом дини дунёда энг кенг тарқалган динлардан биридир. Ҳозирги кунда тахминан 1 млрд 200 млн. киши, яъни дунё аҳолисининг тахминан 20%и ислом динига сиғинади. Бу рақам доимий ўсишда бўлиб, ҳар йили минглаб кишилар (атеистлар ёки бошқа динга сиғинувчилар) ислом динига кирмоқдалар.

Ислом динининг муқаддас илоҳий китоби Қуръони Карим бўлиб, у бутун олам яратувчиси ва соҳиби Аллоҳ томонидан охирзамон пайгамбари Муҳаммад (с.а.в.)га ваҳий, яъни фаришта Жаброил орқали 23 йил (эр. 610-632 йй.) давомида нозил қилинган.

Ислом дини монотеистик, яъни яккахудоликка сиғинувчи динлардан бири ҳисобланади. Унинг тарафдорлари, яъни мусулмонлар бугунги кунда дунё мамлакатлари бўйлаб кенг тарқалган бўлиб, энг катта мусулмон жамоалари Африка, Яқин Шарқ ва Осиё мамлакатларида истиқомат қиладилар.

Ислом тинчликка, эзгуликка, покликка, инсонийликка, меҳр-мурувватга, ватанпарварликка, илм олишга чақирувчи диндир. У инсонни “икки дунё саодати”га эришишга даъват этади. Ислом дини зинҳор ёвузлик ёки зўравонликка чақирмайди. Бироқ ҳозирги кунда

ислом дини номидан иш кўраётган айрим нопок, ғаразли кимсаларнинг террористик фаолияти ва бошқа ғайриинсоний ҳатти-ҳаракатлари туфайли ислом динининг нуфузига катта салбий таъсир етказилмоқда. Ғарбдаги оммавий ахборот воситалари эса бу каби воқеаларни дастак қилган ҳолда, уларни атайлаб ислом дини билан боғлаб, «ислом терроризми», «ислом экстремизми», «исломизм» каби сунъий атамаларни тўқиб чиқармоқдалар ва шу тариқа муқаддас ислом динини бадном қилишга ва обрўсизлантиришга уринмоқдалар.

Ислом дини таълимотининг нотўғри талқин қилиниши эзгуликка чақирувчи муқаддас дин шаънига ноўрин таъна тошлари отилишига олиб келмоқда. Ваҳоланки, «ислом» сўзининг ўзаги «салом» сўзидан олинган. Яъни, тинчлик ва саломатлик маъноларини англатади. Учинчи маъноси - итоат. Яъни, Аллоҳнинг амрига итоат қилиш, бўйсунуш демакдир. Бундан ҳар бир мусулмон киши ўзига ва бошқаларга тинчлик, саломатлик тилаш билан бирга Аллоҳнинг кўрсатмаларига амал қилиш ҳаракатида бўлиши лозим, деган хулоса чиқади. Ислом дини нафақат инсоннинг ўзи, балки ўзга одамларга, ҳатто наботот ва ҳайвоноти а нисбатан ҳам раҳм-шафқатли ва меҳрибон бўлишга чақиради. Зўравонлик, кўпоровчилик ва тажовузкорликни у ҳеч қачон оқлаган эмас ва оқламайди ҳам. Ислом дини урушни бало ва офат деб билади. Ёв билан тўқнашув фақат мудофаа мақсадида бўлишига рухсат беради. Ислом дини ёвузликка қарши курашда ҳам адолат ва инсонпарварлик меъёрларидан ташқари чиқиб кетмасликка буюради. Дини ва миллатидан қатъи назар, тинч, осуда яшаётган халқларга нисбатан тажовузкорлик қилмасликка ундайди.

Ислом назарида, бир инсоннинг ҳаёт ҳаққига тажовуз қилиб, уни ўлдирishга журъат этган одам бутун инсониятни ўлдиргандек бўлади. Чунки, у инсонлик ҳаққини ноҳақдан поймол этди. Фақат Аллоҳнинг Ўзига хос бўлган нарсага, Аллоҳнинг ёлғиз Ўзидан бошқа ато эга олмайдиган улуғ неъматга тажовуз қилди.

«Бақара» сурасининг 190-оятида шундай дейилади: «Сизларга қарши жанг қилувчилар билан Аллоҳ йўлида жанг қилингиз ва (лекин) ҳаддан ошмангиз. Зеро, Аллоҳ ҳаддан ошувчиларни ёқтирмай». Шунингдек, қуйидаги ҳадиси шарифда ҳам бу мазмун ўз ифодасини топган: «Ёв билан тўқнашувни (урушни) орзу қилмангиз. Борди-ю тўқнашувга тўғри келиб қолса, собитқадамлик билан бардош берингиз» (Имом ал-Бухорий ривояти). Қуръони Карим ва ҳадиси шарифларда ислом аҳли учун берилган кўрсатмаларда фақат эзгуликка даъват этилганини кўрамиз. Ислом дини зулм, тажовузкорлик, адолатсизлик, зиёнкорлик каби разил ишларни қоралайди ва улардан ҳазар қилишга буюради.

Лекин афсуски, кейинги пайтда авж олиб бораётган халқаро терроризмнинг машъум кирдикорларини оқлашга уринаётган баъзи дин пешволари ислом таълимотига зид ташвиқотларни олиб бораётирлар. Бундай мутаассиб дин пешволари ҳақиқататни тан олишни истамайдилар. Ўзларининг жоҳилона ақидапарастлиги билан муқаддас динимиз шаънига қанчалик путур етказаетганларини ҳам англаб етмайдилар.

2. Христиан дини. Христиан дини дунёда энг кенг тарқалган динлардан биридир. У Фаластин давлатида Исо пайғамбар фаолияти остида вужудга келган, унинг вужудга келган даври эрамизнинг 33 йилларига, яъни Исо пайғамбарнинг чормихга тортилган йилига тўғри келади. Исо пайғамбарнинг туғилган йили эса олий маълумотли римлик роҳиб Дионисий томонидан янги йил ҳисоби деб қабул қилинган.

Христиан дини I асрда бошқа Ўрта ер денгизи халқлари орасида ҳам тезда тарқалади. IV асрда эса Рим империясининг давлат дини деб эълон қилинади. XIII асрга келиб бутун Европада кенг тарқалади. 1054 йилда христиан дини православ ва католик оқимларига бўлиниб кетади. XVI асрда Реформация давомида католик динидан протестантизм оқими ажралиб чиқади.

Исо пайғамбар қисқа умр кўрган бўлса-да, жуда кўп инсоний ғояларни тарғиб қилган. Чунончи, қиёмат қоим келиши, фаришталар ва шайтонлар мавжудлиги, инсон ўлганидан сўнг гуноҳларига кўра дўзах ёки савобларига кўра жаннатга тушиши каби илоҳий ғоялар шулар жумласидандир. Унинг хутбаларида ахлоққа оид ғояларга жуда катта аҳамият берилган. Яқинларга меҳрибон бўлиш, қийинчиликни кўрган инсонларга доим ёрдам бериш шулар жумласидандир.

Исо пайғамбар шунчалик инсонпарвар бўлганки, у тириклигидаёқ "тинчлик элчиси" деган ном олган эди. У бировни ўлдириш, азоблаш, қийнаш, тан жароҳати етказишдан сақланишни буюрган эди. У зўравонликка зўравонлик билан жавоб қайтармасликка, яхшилиқ билан жавоб қайтаришни уқтирган эди. "Душманларингизга душманлик билан жавоб қайтармангиз, уларни ҳатто лаънатламангиз. Балки уларга Яратгандан нажот тилангиз. Мен сизни қанчалик севсам, сиз ҳам бир-бирингизни шунчалик севингиз". Ушбу сўзлар Исо алайҳиссалом нечоғлик бағрикенг бўлганлигидан далолат беради.

3. Ҳиндуизм энг кенг тарқалган динлардан бири бўлиб, у Ислом ва Христиан динларидан сўнг учинчи ўринда туради. Бугунги кунда ҳиндуизмга 700 млн дан зиёд киши эътиқод қўйган бўлиб, улар, асосан, Ҳиндистон ва Шри Ланкада истиқомат қилади.

Ҳиндуизм ягона теологик тизим ёки ахлоқий-аънанавий қад-

риятлар тизимига эга эмас. У ҳиндистонда кейинги 3000 йил ичида мавжуд бўлган минглаб диний эътиқодларнинг мажмуидир.

Ҳиндуизмда бағрикенглик ёки зўравонлик тўғрисида очиқ гапирилмаган бўлса-да, бироқ унинг айрим қоидалари ушбу диннинг зўравонликка қарши эканлигини англатади. Масалан, ҳиндуизмдаги Аҳимса тушунчаси зўравонликдан, куч ишлатишдан воз кечиш деган маънони англатади. Унга кўра энг эзилган, мазлум киши ҳам зўравонликдан воз кечиши керак. Бироқ бу зўравонлик ва зулм олдида бош эгиш кераклигини англатмайди. Балки аксинча, унга қарши тинч йўл билан, куч ишлатмасдан курашиш кераклигини англатади. Ушбу ғоя 20 асрда М.Ганди бошчилигидаги ҳиндистон халқларининг Англия мустамлакачиларига қарши курашининг ғоявий негизини ташкил этди.

4. Зардуштийлик милоддан аввал VII-VIII асрларда Марказий Осиё ва Эрон ҳудудида вужудга келган диний таълимотдир.

Зардуштийликнинг айрим ғоявий негизлари ҳозирги монотеистик динлар – иудаизм, насронийлик ва ислом динлари билан ўхшаш бўлиб, бу эса айрим олимлар томонидан ушбу динлар бир мантиқий занжирнинг турли бўғинлари бўлиши мумкин, деган хулосага келишга асос бўлмоқда. Масалан, жаннат, дўзах, яхшилик, ёмонлик, қайта тирилиш, қиёмат куни каби тушунчалар Зардуштийликда ҳам мавжуддир. Аммо Зардуштийлик тўғрисида бизга қадар жуда оз маълумотлар етиб келганлиги ва улар анча ноаниқ ва мавҳум бўганлиги боис юқоридаги фикрга қўшилиш жуда мушкул.

Бир вақтлар Эрону Туронда, Ҳиндистону Афғонистонда жуда кўп тарафдорларга эга бўлган зардуштийликка ҳозирги кунда 200000га яқин киши сиғинади, холос. Улар асосан, Эрон ва Ҳиндистонда истиқомат қилишади.

Зардуштийлик Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон халқлари тарихида муносиб ўрин олган диний таълимотдир. Юртимизда зардуштийлик билан боғлиқ айрим қадамжолар, урф-одатлар ва ирим-сиримлар ҳалигача сақланиб қолган.

Бундан ташқари, Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто» яратилганлигининг 2700 йиллиги Ўзбекистон таклифига кўра ЮНЕСКОнинг юбилейлар рўйхатига киритилди ва 1999 йилда ЮНЕСКО қарорига кўра бутун дунёда кенг нишонланди.

5. Буддизм. Буддизм дунё динларидан бири бўлиб, унга милоддан аввал 6 асрда Сидхарта Гаутама томонидан асос солинган. У милоддан аввал 560-480 йиллар мобайнида яшаб ўтган. ҳозирги ҳиндистон ҳудудида вужудга келган.

Сидхарта Гаутамани шогирдлари «Будда» деб чақиришган. Будда сўзи «маърифатпарвар», «зиё тарқатувчи» деган маънони билдиради.

Бугунги кунда ер юзида 300 млн.га яқин киши буддизмга сиғинди. Буддистлар асосан Ҳиндистон, Шри Ланка, Непал, Хитой, Таиланд, Корея каби Осиё мамлакатларида истиқомат қиладилар. Бироқ сўнгги пайтларда Шимолий Америка мамлакатларида ҳам буддистлар сонининг бирмунча кўпаяётганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Буддизм кишиларни маърифатга, эзгуликка, инсофу-диёнатга чақиради. Зўравонликни, ўзаро камситишни, бузғунчиликни бутунлай рад этади. «Одамлар билан баҳамжиҳат, ўзингиз билан эса уйғунликда бўлинг» - бу буддизмдаги асосий тамойиллардан бири ҳисобланади. Куч ишлатмаслик тамойили кўпгина буддист императорларининг, шу жумладан, Ашока (милоддан аввал III аср) давлат сиёсатида айлантирилган эди.

Ўзбекистондаги диний конфессиялар қаторида буддизмни ҳам алоҳида тилга олиш мумкин. Юртимизда 1 та Будда ибодатгоҳи мавжуд. Мамлакатимиз жануби - Термиз шаҳри атрофида олиб борилган археологик қазишмалар давомида Буддизм билан боғлиқ қадимий ибодатгоҳлар қолдиқлари, буддизм тарихи билан боғлиқ жуда катта қадр қимматга эга бўлган ашёлар топилди.

6. Конфуцийлик милоддан аввал 500 йиллар атрофида Хитойда вужудга келган диний таълимотлар тизимидир. Конфуцийликка Конфуций (551-479) томонидан асос солинган. ҳозирги кунда Конфуцийликнинг моҳияти тўғрисида олимлар 2 гуруҳга бўлинадилар. Аксарият олимлар Конфуцийликка мустақил дин сифатида қарасалар, бошқа бир тоифа олимлар уни инсонпарварлик билан суғорилган фалсафий-ахлоқий қарашлар тизими сифатида талқин этадилар.

Конфуцийликда зўравонлик бутунлай қораланади. Аксинча, юксак инсоний фазилатлар ва маънавий ахлоқий қадриятлар ниҳоятда улуғланади. Хусусан, подшоҳларнинг мамлакатни идора қилишларида зўравонлик ва куч ишлатишдан бутунлай воз кечишлари лозимлиги таъкидланади. Зеро, ҳар қандай зўравонликка жавобан қайта зўравонлик вужудга келиши мумкин.

Конфуцийнинг фикрича, ҳукмдор мамлакатни бошқаришда юксак инсоний фазилатлар билан курулганини, ушбу мамлакат аҳолиси эса ана шу ҳукмдорга сўзсиз итоат этиши лозим. Бошқаришнинг ушбу занжирини таклиф қилар экан, Конфуций адолатли жамиятга шу тарзда эришиш мумкин, деб ҳисоблаган эди.

Конфуцийлик зўравонликдан хоҳ сўзда, хоҳ амалда фойдаланган киши наинки жамиятни, балки ўз оиласини бошқаришга ҳаққи йўқлигини таъкидлайди.

7. Иудаизм. Иудаизм илк монотеистик динлардан биридир. Христианлик динига кейинчалик унинг давоми сифатида яҳудийлар томонидан, хусусан Назаретлик Йешуа (ҳазрати Исо алайҳисалом) томонидан асос солинган.

Иудаизмга бугунги кунда 20 млн.га яқин киши сиғинади. Улар асосан Исроил, АҚШ, Франция каби мамлакатларда истиқомат қиладилар.

Иудаизм дини жуда мураккаб тарихга эга. Рим империяси даврида римликлар иудаизм тарафдорлари бўлган яҳудийларни Фаластин еридан дунёнинг турли тарафларига бадарға қилган эдилар. Улар фақат 1948 йилга келиб нихоят яна қайта бирлаша бошладилар ва Исроил давлати тузилганлигини эълон қилдилар. То шу даврга қадар эса иудаизм жуда тарқоқ ҳолда мавжуд эди.

Бошқа монотеистик динлар сингари иудаизмда ҳам зўравонлик қораланади, бегуноҳ кишининг ўлдирилиши олий гуноҳ сифатида талқин этилади.

“Худо одамни ўз жисми ва феъл атвори билан (тоза қилиб) яратди”, дейилган Иудаизмнинг муқаддас китоби Тавротда. Демак, одам илк яралганда ҳар қандай жиноятдан ва зўравонликдан холи тарзда, тоза ҳолда яратилган бўлиб, унинг умри давомидаги ҳар қандай жинояти Худо томонидан қўйилган талабларнинг бузилиши сифатида, бинобарин, Худога қарши жиноят сифатида қаралиши лозим.

Тавротда, жумладан, ака ука Абел ва Қоин ҳикояси келтирилган бўлиб, Қоин ўз укаси Абелни ўлдиргандан сўнг ер юзида зўравонлик ва ёвузлик тарқалганлиги баён этилади.

Иудаизмда зўравонлик билан шуғулланган, ёвузликни ният қилган кишилар қилган амаллари учун Худо томонидан муносиб жазо олишлари таъкидланади.

8. Таоизм. “Тао” йўл деган сўздан олинган бўлиб, инсон ва табиат ўртасида уйғунликка эришиш йўли деган маънони билдиради. Таоизм диний таълимотига милоддан аввал VI асрда Хитойлик Лао Цзи томонидан асос солинган. Ҳозирги кунда асосан Тайван оролида Таоизмнинг 20 млн.га яқин тарафдорлари истиқомат қиладилар.

Таоизмда конфуцийликнинг таъсири яққол сезилади. Бироқ ундан фарқли жиҳатлари ҳам бор. Масалан, Таоизмда воқеа-ҳодисаларнинг табиий ривожига инсон ҳалақат бермаслиги керак, деб таъкидланади. Ана шундагина куч ишлатишдан чекиниш ва “тао»га эришиш мумкин.

Мен ҳар қандай хатти-ҳаракатдан воз кечаман. Одамлар ўзини ўзи бошқаради ва ўзгартиради. Доимо сокинлик ва осойишталик оғушида бўлиш Таоизмнинг асосий тамойилларидан биридир. Ушбу тамойилни ўз ўйини билан машғул бўлган болага қиёслаш мумкин: бола ўйини билан шунчалик бандки, уни бу йўлдан қайтариш орқали унинг қалбига жароҳат етказиш мумкин. Бинобарин, ноўрин аралашув ва мажбурлаш ҳам табиат ва инсон ўртасидаги му-

носабатларни бузади, воқеа-ҳодисаларни табиий ривожланиш узанидан огдиради ва пировард натижада кескин оқибатларга олиб келади.

9. Жайнизм дунёнинг энг қадимий динлардан бири ҳисобланади. Унга милоддан аввал VI асрда Махавира (599-527) томонидан асос солинган.

Жайнизм тарафдорлари бугунги кунда асосан Ҳиндистон ҳудудида истиқомат қилиб, уларнинг сони 4 млн. кишини ташкил этади.

Бошқа динлар каби жайнизм ҳам зўравонликни қаттиқ қоралайди. Жайнизм тарафдорлари кармага, яъни бошқа жисмда қайта туғилишга ишонадилар, инсон ўлганидан кейин ҳаёт мавжуд, деб биладилар. Бу дунёдаги ёвузлик ва зўравонликни бартараф этиш мумкин, деб ҳисоблайдилар.

31. Жинсий сегрегация

Жинсий сегрегация деганда ҳаётда эркак ва аёл ўрнининг номутаносиб тақсимланиши, яъни улардан бирининг (кўпинча, аёлларнинг) четлатилиши тушунилади. Жинсий сегрегациянинг энг тарқалган тури касб-кор билан боғлиқ бўлиб, у касбий сегрегация деб ҳам юритилади. Касбий сегрегация жамиятда гендер тизими таъсирида шаклланиб, юзага келади. Касбий сегрегациянинг асосий оқибатларидан бири шуки, унда даромадлар жинслар орасида нотўғри тақсимланади. Ишга қабул қилаётганда, маош белгилаётганда, турли касбий имтиёзлардан фойдаланишда, жумладан, хизмат пиллапояларига кўтарилишда кўпинча асоссиз равишда эркакларга устуворлик берилади.

Гендер назарияси асосини ижтимоий ҳукмронлик муносабатлари ўртасидаги фарқланиш, доминантлик муаммолари ташкил этади. Гендер ирқ ва синф билан биргаликда иерархик тузилиш ҳисобланиб, имконият ва мутаносиб ҳамжиҳатлик яратилишига асос бўлади. Тадқиқодчилар фикрича, «эркак ва аёл» конструктив фарқланиши шахсдаги ижтимоийлашувнинг биологик келиб чиқишини белгилайди. Аънанавий психотаҳлилга биноан, эркак ва аёл моделлари ўзаро қарама-қарши, (жумладан, эркак моделига фаоллик, тажовузкорлик, қатъийлик мусобақага интилиш, ғолиблик, ижодий фаолият, мулоҳазалилик хусусиятлари мойил; аёл учун – нофаоллик, беқарорлик, бўйсунуш ҳолати, мантиқий идроксизлик, катта таъсирчанлик ва бошқалар хос). Аслида бу нотўғри бўлиб, бундай тадқиқотлар гендер хурофотларининг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Е.Маккоби ва К.Жаклин, Ж.Манн ва А.Эрхард, С.Бем тадқиқотлари психологияда ўзига хос инқилоб яратиб, «янги жинс психологияси» пайдо бўлишига асос бўлди. Е.Маккоби ва К.Жаклин 1600 дан ортиқ психологик жинс фарқланишига оид тадқиқотлари натижасида шундай хулосага келдиларки, эркак ва аёлларнинг туғма психологик хусусиятлари фундаментал фарқланмаса-да, кичик ёшдаги болаларга хос, анъанавий тенгсизлик жинсий ижтимоий рол муносабатларининг намоён бўлиши учун етарли асос бўла олмайди.

32. Жиход ва зўравонлик

Жиход урушлари, кўпинча, ғайридинларга қарши кураш ниқоби остида олиб борилса-да, аслида, у диний экстремистларнинг ҳокимият учун кураши, ғайриинсоний мақсадларга интилишидан бошқа нарса эмас. Шуни унутмаслик керакки, ҳозирги кунда жиход халқаро терроризмнинг даҳшатли кўринишларидан биридир. Жиход урушларига даъват этиш инсоният ҳаётига энг катта хавфдир. Кўпгина мутахассисларнинг фикрига кўра эса, ҳақиқий жиход бу жаҳолатга, билимсизликка кураш демакдир.

Ақидапарастларнинг фикрига кўра, жиход ғайридинларга қарши муқаддас уруш маъносини англатади. Бу беъмани сафсатага берилган зотларнинг ҳаракати, яъни диний урушлар оқибатида миллион-миллион бегуноҳ кишиларнинг ёстиғи қуриган. Тарихда бунга мисоллар жуда кўп.

Исломда ҳар қандай тажовуз ман қилинади. Фақат мусулмон ҳаётига хавф туғилгандагина ўз ҳаётини, оиласи ва эътиқодини ҳимоя қилишга, яъни жиходга рухсат берилади. Диний мутаассиблар томонидан жиходга сиёсий тус бериш, унинг моҳиятини ўзгартириб талқин қилиш ислом динини сохталаштиришга ва жамият ҳаётида мудҳиш оқибатларга олиб келмоқда.

Инсон ҳаётига тажовуз қилиш, суиқасд қилишга асосланган жиходнинг бундай тушунчаси инсоният тарихида реакцион рол ўйнаб келган ва ҳозирга келиб, айрим қора кучлар ундан дин ниқоби остида тор сиёсий мақсадлардан фойдаланишга уринмоқдалар.

Ислом динида жиход деганда ҳар бир мўмин-мусулмоннинг ўз ички дунёсини хайрли ишлар билан бойитиши, руҳан покланиши тушунилади. Мусулмон кишининг эзгуликка интилиши, ёмон иллатлардан ўзини тийиши, инсонлар ҳаётига суиқасд қилмаслик, ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмаслик кўзда тутилади. Нафсни тийиш, қалбни эзгу мақсадлар билан пок сақлаш жиход саналади. ҳасадгуйлик, ёлғончилик, иғво, хиёнат, зулм, адолатсизлик, ўғрилик, қотиллик каби жаҳолат турларидан сақланишлик чин маънодаги жиходни англатади.

33. Зўравонлик ва унинг турлари

Бир киши (жамоа, гуруҳ) томонидан иккинчи киши (жамоа, гуруҳга нисбатан) жисмоний куч ишлатиш йўли билан унга зулм ўтказиш амалиёти зўравонликдир.

Кундалик турмушда зўравонлик ҳолатларини доимо кузатиш мумкин. Баъзи олимлар, зўравонликни инсон онгининг тубида мавжуд бўлган агрессив феъл-атвор маҳсули деб биладилар ва фақат таълим ва тарбия ёрдамида уни онг тубидан чиқариб ташлаш мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Зўравонликнинг турли-туман кўринишлари мавжуд бўлиб уларни асосан қуйидаги 4та гуруҳга таснифлаш мумкин:

1. Жисмоний зўравонлик (уриш, қийнаш, номусга тегиш, шавкатсиз жазолаш ва ҳ.к.);

2. Структуравий зўравонлик (миллий бойликлар ва ресурсларнинг нотўғри тақсимланиши оқибати келиб чиқувчи очлик, қашшоқлик, уйсизлик, ерсизлик ва ҳ.к.);

3. Ижтимоий-маданий зўравонлик (кишиларни терисининг ранги, маданияти, дини, жинси, миллати ёхуд ижтимоий келиб чиқиши асосидаги белгиларига кўра камситиш ва хурофотлар);

4. Экологик зўравонлик (ўрмонларнинг бешавқат кесилиши, табиий ресурсларнинг талон-тарож қилиниши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши).

Давлатлараро муносабатларда ҳам зўравонлик мавжуд бўлиб, бирор бир давлат томонидан иккинчи давлатга зўравонлик кўрсатиши асосан, бирор бир ресурсга (масалан, ер, ҳудуд, табиий бойликлар ва ҳ.к.) эгалик қилиш учун амалга оширилади.

Кишилар ва давлатлар ўртасида зўравонлик нафақат халқаро ҳуқуқ ёки давлатларнинг ички қонунчилиги томонидан, балки, дунё динлари томонидан ҳам қаттиқ қораланади. Бироқ шунга қарамай, олимлар дунё миқёсида зўравонлик ҳолатларининг тобора кўпайиб бораётганлигидан таассуф билдирмоқдалар.

34. Ижтимоий истиснолаш

Ижтимоий истиснолаш ижтимоий интеграциянинг акси бўлиб, у одатда маданий турфа хиллик, этник келиб чиқиш каби соҳалардаги камситишларнинг маҳсулидир.

Ижтимоий истиснолаш натижасида айрим кишилар ёки гуруҳлар таълим олиш, соғлиқни сақлаш тизимидан фойдаланиш, ижтимоий фаолият билан шуғулланиш имкониятидан маҳрум эти-

ладилар. Бу эса кўпинча жамиятдаги вазиятни таранг ҳолга келиб қолишига ва, ҳатто, можаролар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий истиснолаш кўпинча қонунларда белгиланмаган бўлса ҳам амалга оширилади. Масалан, собиқ шўролар даврида диний истиснолаш амалиёти йўлга қўйилган бўлиб, қонунда белгиланмаган бўлса ҳам аксарият диний жамоалар фаолияти таъкиб остига олинган эди.

БМГ томонидан 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси истиснолашнинг барча кўринишларини қаттиқ қоралайди. Жумладан мазкур Декларациянинг 2-моддасида: ҳар бир инсон, ҳар қандай тафовутларидан қатъи назар, яъни ирқи, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқишидан, мулкӣ аҳволи, қайси табақага мансублиги ва бошқа ҳолатларга қарамай, мазкур Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқлар ва эркинликларга эга бўлиши керак. Бундан ташқари, инсон мансуб бўлган мамлакат ёки ҳудуднинг сиёсий, ҳуқуқӣ ёки халқаро мақомидан қатъий назар, ушбу ҳудуд мустақилми, васийликдами; ўзини ўзи бошқарадими ёки мустақиллиги бирор тарзда чекланганми, бундан қатъий назар сира истиснолаш бўлмаслиги керак деб таъкидланади.

35. Ижтимоий тенглик ва тенгсизлик

Ижтимоий тенглик ғояси барча кишилар ижтимоий келиб чиқиши, диний эътиқоди, ирқи, жинси, тили, миллати, маданияти ва урф-одатларининг қандайлигидан қатъий назар ўзаро тенг ҳуқуқли эканлигини билдиради.

Тенглик тамойили аввало жамият қонунлари олдида барчанинг тенглигини демакдир. Гарчи кишиларнинг манфаатлари, имкониятлари, турмуш тарзи турли хил бўлса-да, бирор киши бошқа кишидан муҳимроқ эмас. Тенглик кишилар бир хил даражадаги ҳуқуқлар ва имкониятларга эгалигини билдиради.

Тенглик тамойилининг айрим элементлари Қадимги Юнонистонда йўлга қўйилган эди. Тенглик (isonomia) Афина демократиясининг энг муҳим белигларида бири эди. Бироқ ушбу тамойил тор маънога эга бўлиб, қонун олдидаги тенглик ва давлатни бошқаришда тенг иштирок этиш имконияти барча учун эмас, балки фақат «эркин фуқароларгагина берилган эди, холос. Қуллар, бошқа мамлакатлар фуқаролари ва аёллар ушбу ҳуқуқлардан маҳрум этилган эди.

Қонун олдида барчанинг тенглиги тамойили Амир Темур тузган қудратли давлатда ҳам ўз аксини топган эди. Сават тўла олтин кўтарган боланинг Амир Темур тузган улкан мамлакатнинг у бошидан бу бошига ҳеч қандай тўсиқларсиз бемалол ўтгани тўғрисидаги ҳикоят фикримизнинг далилидир.

Ижтимоий тенгсизлик эса турли ижтимоий имтиёзлардан фойдаланишда жамият аъзоларининг тенг ҳуқуқларга эга эмасликларини англатади.

Ижтимоий тенглик ва тенгсизлик турли даврларда олимларни қизиқтириб келган. Шуниси эътиборга молики, аксарият олимлар одамлар ўртасидаги тенгсизликни инкор этмайдилар. Аксинча, тенгсизлик мавжудлигини тан олиб, унинг оқибатларини минималлаштириш ва уни тўғри йўсинда ташкил этишни тавсия этадилар. Масалан, буюк мутаффакир Конфуцийнинг фикрича жамият тенглик асосида эмас, балки тенгсизлик асосида қурилган бўлиб, бунинг тан олмаган жамият инқирозга маҳкумдир. Унинг фикрича, тенгсизлик ҳамма жамиятларда ҳам мавжуд бўлиб, (масалан, устоз ва шогирд, эр ва хотин, ота ва бола ўртасидаги тенгсизлик) унга қатъий амал қилиш лозим. Ижтимоий тенгсизлик мавжудлигини бошқа кўпгина мутаффакирлар ҳам тан оладилар. Чунончи, Форобий жамиятдаги табақаларни бир бирига тенг бўлмаган 12 та табақага бўлади ва ушбу жамиятнинг фозиллиги ана шу табақалар ўртасидаги муносабатларнинг адолат мезонлари асосида қурилишига чамбарчас боғлиқлигини таъкидлайди. Чиндан ҳам агар турли нотенг табақалар ўзаро муносабатларини уйғунлик ва адолат асосида ташкил этсалар, бундай жамият гуркираб ривожланиши таъминланади.

Бутун дунё мусулмонларининг муқаддас китоби Қуръони Каримда ҳам ижтимоий тенгсизлик мавжудлиги тан олинган ва у салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун закот қойдасига амал қилиш буюрилган. Унга кўра ҳар бир мусулмон киши ўз даромадининг тахминан 40дан бир улушини ёрдамга муҳтож кишиларга, бева бечораларга ва камбағалларга фойдасига тақсимлаб бериши лозим. Бу энг адолатли ва энг олийжаноб ғоя бўлиб, агар унга дунё аҳли риоя этганда эди, кўпгина умумбашарий муаммолар бартараф этилган бўлар эди.

Афсуски, бугунги кунда бунинг аксини кўришимиз мумкин. Биргина мисол, дунё аҳолисининг 1 млрдга яқини қашшоқлик ва камбағалликдан азоб чекаётган, очликдан ҳар куни 45000 киши вафот этаётган бир пайтда дунё мамлакатлари фақат қуролланиш ва ҳарбий мақсадларнинг ўзига йилига тахминан 800 млрд. АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфламоқдалар. Дунё миллиардерлари сони ўтган асрнинг 70-йилларида тахминан 100 тани ташкил этган бўлса ҳозирги кунда 500 тага етай деб қолди. Ушбу бир

ҳовуч бойлар дунё бойликларининг тахминан 40%га эгалик қилмоқдалар. Кўпгина умумбашарий муаммолар аслида ана шу каби адолатсизликларнинг маҳсули бўлиб қолмоқда.

36. Инсон ҳуқуқлари

Инсон ҳуқуқлари бу ҳар бир инсонга берилган ва у умри давомида фойдаланадиган ҳуқуқлар мажмуидир.

Илк бор инсон ҳуқуқлари тўғрисида XVIII асрда Маърифатпарварлик даврининг улуғ файласуфлари бонг урган эдилар. Инсон ҳуқуқлари ижтимоий ҳуқуқлар (шу жумладан, меҳнат ҳуқуқи, уй-жой ҳуқуқи, оила ҳуқуқи ва бошқ.) ва сиёсий ҳуқуқлар (шу жумладан, сўз ва матбуот эркинлиги, қийноқларга тортилмаслик ҳуқуқи ва бошқ.)дан таркиб топган.

Инсоннинг асосий ҳуқуқларини 2 га бўлиш мумкин:

1. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар – тенг ҳуқуқлилиқ; камситишни тақиқлаш; давлатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи; бирор кишига шавқатсиз, ғайриинсоний муносабатда бўлиш ёки қийноқларга дучор қилишни тақиқлаш; қуллик, қул савдоси ва зўрлаб ишлатишни тақиқлаш; озодлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, эркин ҳарактланиш ҳуқуқи, фикр, виждон ва дин эркинлиги; тинч намойишлар, асоциациялар эркинлиги ва бошқ;

2. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар – меҳнат қилиш ҳуқуқи; адолатли ва қулай меҳнат шароитлари ҳуқуқи; касаба уюшмаларини ташкил этиш ҳуқуқи; иш ташлаш ҳуқуқи; ижтимоий таъминот ҳуқуқи; оила, оналар ва болаларни асраш ва ёрдам кўрсатиш ҳуқуқи, етарли ҳаётий даража ҳуқуқи, таълим олиш ҳуқуқи, маданий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқи ва бошқ.

Инсон ҳуқуқлари БМТ ва унинг ихтисослашган ташкилотлари томонидан қабул қилинган ўнлаб халқаро меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган. Мазкур ҳужжатларнинг дебочаси ва энг асосийси 1948 йилда БМТ томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари Бутунжаҳон декларацияси ҳисобланади. 1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пакт ҳамда Иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт Бутунжаҳон Декларацияни тўлдиришга хизмат қилади.

37. Инсон тараққиёти ва унинг кўрсаткичлари

Инсон тараққиёти жамиятнинг барча соҳаларида сифат ва сон ўзгаришларининг мавжудлиги билдиради. Инсон тараққиёти соҳа-

ларини асосан қўйидагиларга бўлиш мумкин:

1. Иқтисодий тараққиёт - барча фуқароларнинг энг зарур турмуш эҳтиёжлари, жумладан, озиқ овқат, кийим кечак, турар жой билан таъминланганлиги билдиради.

2. Ижтимоий тараққиёт - барча фуқаролар ижтимоий хизматлар, жумладан соғлиқни сақлаш, таълим олиш кабилардан эркин фойдалана олиши ва ижтимоий таъминланганлигини билдиради.

3. Сиёсий тараққиёт - демократия тамойилларининг чуқур илдиз отганлиги, можароларнинг йўқлиги, жамият аъзолари хавфсизлигининг таъминланганлиги, бошқарувда адолат ва ҳалолликнинг мавжудлигини билдиради.

4. Маданий тараққиёт - жамиятдаги барча маданиятларнинг ўзаро ҳамжиҳатликда ва уйғунликда умргузаронлик қилишини билдиради.

Тараққиёт даражасини ўлчаш учун турли кўрсаткичлардан (индикаторлардан) фойдаланилади. 1990 йилларнинг ўрталарига қадар жаҳон ҳамжамяти томонидан инсон тараққиёти индикатори сифатида фақат бир кўрсаткич, яъни ялпи ижтимоий маҳсулот (ЯИМ) нинг жамият аъзолари сонига нисбатан пропорционал тақсимланиши асос сифатида қабул қилинган эди. Ҳозирги кунда эса БМТ томонидан инсон тараққиёти даражасини аниқлаш учун ушбу кўрсаткич билан бирга яна бошқа бир қатор кўрсаткичлардан, хусусан, ўртача умр кўриш даражаси ва саводхонлик даражаси каби муҳим кўрсаткичлар ҳам фойдаланилмоқда.

БМТнинг 2002 йилда нашр этилган Инсон тараққиёти ҳисоботида кўrsa инсон тараққиёти бўйича АҚШ биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Ушбу мамлакатда ЯИМнинг киши бошига тақсимланиши 34,320 АҚШ долларини ташкил этади, ўртача умр кўриш 76,9 йил ва саводхонлик даражаси 97%ни ташкил этади. Канада, Япония, Австралия ва Буюк Британия каби мамлакатлар кейинги ўринларни банд этишган.

38. Ирқчилик

Ирқчилик муайян ирқ вакилларининг бошқа ирқ вакилларида кўра устун деб билишдир. Ирқчилар «ирқ» деганда ягона умумий келиб чиқишга эга бўлган кишиларни тушунадилар. Улар ирқларни жисмоний хусусиятларга кўра, чунончи, соч турлари ва терининг рангига қараб ажратадилар. Амалда эса ирқлар ўртасида ҳеч қандай тафовут мавжуд эмас. Ирқ ҳеч қандай биологик асосга эга эмас. Ирқчилик атамаси «салбий ирқ» аъзоларига нисбатан тажовузкорона ва таҳқирона муносабатни билдириш учун ҳам қўллани-

лади. Ҳар бир мамлакатнинг тарихи, маданияти ва бошқа ижтимоий хусусиятларига кўра ирқчилик ҳам турли хил кўринишларга эга бўлади.

Ирқчиликнинг янгича, замонавий кўринишларидан бири «этник ва маданий тафовут» деб номланади. Унга кўра барча ирқлар ва маданиятлар ўзаро тенг, бироқ улар ўз индивидуаллигини сақлаб қолиш мақсадида бир-биридан ҳеч нарса ўзлаштирмаслиги лозим.

Ирқчилик аксарият дунё динлари томонидан қаттиқ қораланади. Жумладан, Ислом дини ҳам кишиларни ирқий келиб чиқиши асосида бирини иккинчисидан устун қўймасликка чақиради. Бунга ёрқин мисол тарқасида шуни айтиш мумкинки, Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. фарзандликка қабул қилган кишилардан бири қора танли эди.

39. Ислом - бағрикенглик дини

Маълумки, ислом дини азал-абад инсонпарварлик ғоясини изчил тарғиб қилиб келган, дунё халқларини ўзаро аҳиллик, ҳамкорликка чақириб, ҳар қандай низоларни тинч йўл билан ҳал қилишга ундаган. Аллоҳ таоло ана шу амрини бошқа динларга ҳам нозил қилган эдики, Қуръони Каримдаги: «... бани Исроил зиммасига шундай фармонни ёзиб қўйдик: «Кимки бирон жонни ўлдирмаган ва ерда бузғунчилик қилиб юрмаган одамни ўлдирса, демак гуё барча одамларни ўлдирибди ва кимки унга ҳаёт ато этса, демак, гуё барча одамларга ҳаёт берибди» («Моида» сураси, 32-оят) ояти фикримизнинг ёрқин далилидир. Бинобарин, динидан қатъи назар, бегуноҳ инсонлар жонига қасд қилиш Аллоҳ олдида энг огир жиноят саналади. Шунуқтаи назардан келиб чиқсак, жаҳоннинг турли бурчакларида юз бериб турган, қонли фожиаларга сабаб бўлаётган фитна-игволар, зўравонликларнинг инсониятга қарши қаратилган ашаддий хуруждан бошқа нарса эмаслигига ишонч ҳосил қиламиз. Ислом динининг тинчликсевар, мўътадил таълимот эканлигини, у ҳеч қачон қон тўкиш, уруш оловини ёқишни ёқламаслигини бутун жаҳон аҳли яхши билди. Қуръони Каримдаги: «Аллоҳдан ўзгага сўғинадиган кимсаларнинг (бутларини) сўкмангиз!» («Анъом» сураси, 107-оят), «Эй мўминлар, сизлар аҳли китоб билан фақат энг чиройли йўсинда мужодала-мунозара қилинглар» («Анкабут» сураси, 46-оят) каби кўплаб табаррук оятлар мусулмонларни бошқа дин аҳлларига эҳтиром билан қарашга ўргатиб келган.

Мамлакатимизда 1999, 2004 ва 2005 йиллари мудҳиш жиноятлар содир қилган, Ирландия ва Чеченистонда, Беслан ва Доғис-

тонда қиргинбаротлар уюштираётган, Нью-Йорк ва Вашингтонда минглаб бегуноҳ инсонларнинг қонини тўккан ваҳшийлар ақл-заковатдан, раҳму шафқатдан узоқ махлуқлардир, холос. Зеро, ўзини инсон деб билган, қалбида зоти башарга озгина бўлса ҳам меҳри бўлган киши бундай номаъқулчиликларга қўл урмаслиги аниқ.

«Шубҳасиз, золим кимсалар нажот топмаслар», - деб хабар беради Аллоҳ таоло Қуръони Каримда «Анъом» сураси, 135-оят). «Кишиларга нисбатан қалбига Аллоҳ раҳму шафқат солмаган одам зиёнкорлик, ҳасрат ва надоматда қолувчи бандадир», - деб марҳамат қилгандилар Муҳаммад алайҳиссалом. Шундай экан, жаҳон халқларининг зўравонликка, қон тўкишларга қарши кураши ана шундай жазонинг амалдаги ифодасигина эмас, балки бу мудҳиш офатни тағтомири билан инсоният ҳаётидан юлиб ташлаб, жаҳонда осойишта ҳаёт, халқлараро самимий муносабатларни барқарор қилиш мақсадидаги буюк ҳаракатдир. Ушбу фаолият зўравонлик, шафқатсизлиكنинг ҳар қандай кўринишини кескин қоралашгина эмас, бундай разолатнинг ҳар бир ифодасига қарши жиддий кураш олиб бориш, тўғри йўлдан тойишга мойил ёшларнинг чинакам одамийлик, инсонпарварлик асосий йўлидан илдам боришлари, Ватанга, халққа садоқатли, жаҳон ҳамжамиятига эҳтиромли инсонлар бўлиб камол топишларига раҳнамолик қилишда намоён бўлади, албатта.

Динлараро бағрикенглик масаласида ҳам исломнинг ўта мўтадил эканлигини кузатишимиз мумкин. Масалан, Бақара сурасида бу тўғрида «Динда мажбурлаш йўқдир. Батаҳқиқ, рушду-ҳидоят адашувдан аён бўлди», дейилган (256 оят). Бу қоидада инсоннинг ўз ақли борлиги, Аллоҳ унга ҳидоят ва залолат йўлини аён қилиб қўйгани, биров мажбур қилмасдан ҳар ким ўзи хоҳлаган йўлни танлаб олиши зарурлиги баён қилинган.

40. Ислом динидаги оқим ва мазҳаблар

Бошқа жаҳон динларидаги каби ислом динида ҳам турли оқимлар ва мазҳаблар мавжуд. Ислом динида икки асосий йўналиш - суннийлик ва шиалик бўлиб, улар ҳам ўз навбатида бир неча оқим ва мазҳабларга бўлинганлар. Чунончи, суннийлик йўналиши «Аҳли сунна вал жамоа» деб аталади ва тўртта мазҳаблардан - ҳанафий, шофий, моликий, ҳанбалий мазҳабларидан иборат. Бугунги кунда дунёдаги тахминан 1,2 миллиард мусулмон аҳолининг 92 фоизини суннийлар ташкил этади.

Мазҳабларнинг бир-биридан фарқи нимада? Масалан, ҳанафий мазҳабининг қонунлари бошқаларга нисбатан мўтадилиги ва

қулайлиги, халқларнинг маҳаллий анъаналарини ҳисобга олганлиги сабабли дунёда кенг тарқалган. Моликия мазҳабининг тарафдорлари эса ҳуқуқ масалаларида Қуръони Карим ва ҳадисларни ақлга асосланган ҳолда талқин қилишга қарши чиқадиладар.

Шофиъий мазҳабининг асосчиси - имом Шофиъидир. У ўз асарларида ислом ҳуқуқини анъанавий нормалар билан боғлашга интиланган, фикҳ асосларига тўла таъриф берган.

Ҳанбалий мазҳабининг асосчиси Аҳмад ибн Ҳанбалдир. Бу мазҳаб тарафдорлари Қуръон ва ҳадисларни эркин талқин этиш йўлидаги ҳар қандай уринишларни қоралайди. Шунинг учун ҳам бу мазҳаб кенг тарқалмаган. XVIII асрда пайдо бўлган ваҳҳобийлар Саудия Арабистонида XX асрнинг 20-йилларида ҳокимиятни қўлга олгач, ҳанбалий мазҳаби қонунларини амалга тадбиқ этдилар.

Шиа йўналиши исмоилий, ибодий, жаъфарий, зайдий мазҳабларини ўз ичига олади ва дунёдаги мусулмонларнинг 7,5 фоизи шу мазҳабларга эътиқод қилади. «Шиа» сўзининг луғавий маъноси «тарafkaш» демакдир. Бу йўналишга тегишли исмоилий мазҳаби таълимотига кўра камолотга эришган инсон ўзида «Оламий ақлни акс эттирган нотиқ бўлиб, Худо таълимотини инсонларга етказиб берувчидир».

Ибодийлар хаворижийлар оқидамидаги кичик секта бўлиб, Шимолӣ Африка, Уммон, Занжиборда тарқалган. Улар диний эътиқод ва маросимларга хос айрим хусусиятлари билан суннийлик мазҳабларидан фарқ қиладилар. Масалан, ўлдириш принцигига қарши чиқадиладар.

41. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида тинчлик ва бағрикенглик таълими

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури- 1997й. 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9-сессиясида Президент И.А. Каримов ташаббуси билан қабул қилинган. Дастурнинг мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қолиплардан тўла халос этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг ривожланган демократик давлатлар даражасидаги, юксак маънавий ва ахлоқий талабларига жавоб берувчи миллий тизимини яратишдан иборат.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ЎЗРнинг «Таълим тўғрисида»ги қонуни (1997 й. авг.) қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва жаҳоннинг илғор мамлакатлари таълим тизимидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак

умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри олиб билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган.

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис эгадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди.

Дастурда шунингдек, таълим ва тарбия жараёни орқали ёш авлодни юксак маънавий фазилатлар - бағрикенглик, тинчлик маданияти, ватанпарварлик, меҳр-оқибат, умуминсоний ва миллий қадриятлар, бирдамлик, бунёдкор ғоялар руҳида камол топтириш ҳам кўзда тутилган.

42. Камситиш ва унинг турлари

Камситиш (дискриминация) деганда бирор киши (ёки гуруҳ)нинг ирқи, жинси, дини, тили, миллати, этник келиб чиқиши, ижтимоий аҳволи ва ёки бошқа хусусиятларига кўра ҳақ-ҳуқуқларидан ва эркинликларидан маҳрум қилиниши ёхуд таъқиб остига олиниши тушунилади.

Камситиш барча жамиятларда мавжудлиги ва кенг тарқалганлиги боис унинг кўринишлари ҳам хилма-хилдир. Камситилаётган ижтимоий гуруҳнинг турига кўра камситиш ирқий, диний, жинсий, этник камситиш ва ҳк. турларга бўлинади.

БМТ ва унинг ихтисослашган ташкилотлари томонидан дунё мамлакатларида камситиш ва унинг барча кўринишларининг олдини олишга қаратилган муайян ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, ушбу халқаро ташкилотлар томонидан камситишга қарши бир қатор халқаро меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди Масалан, Инсон ҳуқуқлари Бутунжаҳон Декларацияси (1948), Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисида халқаро конвенция (1965), Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисида конвенция (1952), Таълим соҳасида камситишга қарши кураш тўғрисида конвенция (1960) шулар жумласидандир.

Хусусан, Инсон ҳуқуқлари Бутунжаҳон Декларациясида камситишнинг барча кўринишлари қаттиқ қораланади. Инсон ҳуқуқла-

ри бўйича Халқаро конвенциялар аъзо мамлакатларга ўз ҳудудларида истиқомат қилаётган барча кишиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ва таъминлашга, уларни ирқ, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий қарашлари миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулки, туғилиши ёки бошқа ижтимоий белгиларига кўра зинҳор ажратмасликка чақиради.

Камситишнинг кенг тарқалган турлари диний, ирқий (этник) ва жинсий камситишлар ҳисобланади.

1). Диний камситиш ўзи эътиқод қўйган динни ягона, мутлақ ҳақиқий дин деб билган ҳолда бошқа диний эътиқодларни қатъиян рад этишни англатади.

Диний камситишлар, айниқса, яккахудоликни тарғиб қилувчи монотеистик динларда кенг тарқалган. Бироқ бошқа динларда ҳам бу ҳодисани кузатиш мумкин.

Тарихда диний камситишга мисоллар жуда кўп бўлиб, у кўплаб оммавий қирғинлар, инсониятга қарши оммавий жиноятлар, геноцид каби мудҳиш ҳодисаларга сабаб бўлган.

2). Ирқий (этник) камситиш - бирор киши (гуруҳ) нинг ирқий (этник) келиб чиқиши ва белгилари асосида истиснолаш, жисмоний ёки руҳий таъқиб этиш амалиёти бўлиб, камситишнинг дунё мамлакатлари бўйича энг кўп тарқалган турларидан бири ҳисобланади.

Халқаро ташкилотлар томонидан ирқий камситишни тугатиш бўйича қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Шулардан энг асосийлари қуйидагилардир:

а) ирқий камситишларнинг барча кўринишларини тугатиш тўғрисида Халқаро Конвенция (1965 йилда қабул қилинган);

б) таълим соҳасида камситишнинг барча кўринишларини тугатиш тўғрисида Халқаро Конвенция (1960 йилда қабул қилинган);

в) ирқ ва ирқий хурофотлар тўғрисида Халқаро Декларация (1978 йилда қабул қилинган);

Ирқий (этник) камситиш инсон ҳуқуқларини, унинг асосий эркинликларини поймол қилишнинг бир кўринишидир. Ирқий камситиш халқаро ҳуқуқ, кўпгина давлатларнинг миллий қонунчилиги ва барча дунё динлари томонидан қаттиқ қораланади. Ирқчилик ва ирқий камситиш тажрибаси энг аввал айрим ирқий ёки этник гуруҳларнинг бошқалардан афзаллиги ёки пастлиги тўғрисидаги тасаввурдан келиб чиқади ва бу «паст» одам зотларини асоратга солиш ёки йўқ қилишни оқлаш учун хизмат қилади. Ирқий ва ирқий хурофотлар, ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган Декларацияга оид юқорида таъкидланганга ўхшаш назариялар илмий жиҳатдан асоссиз ва инсониятнинг маънавий ва тарбиявий принципларига зиддир. Шунга қарамай, ирқий камситиш замонамизнинг энг му-

ҳим муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

3). Жинсий камситиш. Аксарият мамлакатларда асосан аёллар жинсий камситишларга дучор бўлмоқдалар. Дунё бўйича аёллар ўрта таълим олишдан маҳрум бўлган 1 млрд.га яқин катта ёшдаги аҳолининг 60%ини, ёш қизлар эса бошланғич таълимдан маҳрум бўлган 130 млн.дан ортиқ ёшларнинг кўпчилик қисмини ташкил этади. Бунинг устига иқтисодий тангликлар, урф-одатларнинг салбий томонлари, эрта турмушга чиқиш ва ҳомиладор бўлиш каби муаммолар қизларни ўғил болаларга нисбатан кўпроқ миқдорда таълимнинг биринчи босқичи ниҳоясига етмай, мактабларни ташлаб кетишга мажбур қилмоқда. Ривожланаётган мамлакатларда ўрта таълимдаги қизлар фоизи ўғил болаларга нисбатан анча камдир. Бундан ташқари ҳатто ривожланган давлатларда ҳам қизлар техник ва академик таълимда ўғил болаларга нисбатан кўра озчиликни ташкил этади.

Олий таълим ва илмий тадқиқотлар соҳасида ҳатто ривожланган давлатларда ҳам аёллар фақат қисқа муддатли ўқув дастурларида қатнашадилар, холос. Аёллар фундаментал фанлар ва юқори технологиялардан кўра гуманитар ва филология соҳаларида кўпчиликни ташкил этадилар. Агар аёллар ривожланган давлатларда ҳам, ривожланаётган давлатларда ҳам таълим соҳаси ходимларининг ярмидан кўпини ташкил этса, маъмурий лавозимларда уларнинг фоиз нисбати жуда озчиликни ташкил этади.

Аёлларни камситиш, айниқса, ривожланаётган мамлакатларнинг қишлоқ жойларида яққол кўзга ташланади. Улар расмий таълимнинг барча даражаларида камситишларга дучор бўлмоқдалар. Ушбу камситишлар аёлларнинг заиф қатламлари, хусусан, камбағал аёллар, оила бошлиғи бўлган аёллар, муҳожир аёллар, қариялар, этник озчилик вакиллари қочоқ ёки мажбуран кўчирилган аёллар, зўравонлик, қуллик ва фоҳишабозликка мажбур қилинган аёллар қатламларини қамраб олади. Бундай аёллар таълим олиш ҳуқуқидан баҳраманд бўлмайдилар.

Аёлларнинг таълим олишига барча эркаклар, улар хоҳ эр бўлсинлар ёки ота, хоҳ ака бўлсинлар ёки ука, қўлдан келганча қўмаклашишлари лозим. Зеро, аёл ҳар бир миллатнинг келажагидир.

43. Ксенофобия

Ксенофобия атамасининг аниқ таржимаси «ажнабийга (чет эллик кишига) нафрат»дир. У «ирқчилик», «шовинизм» каби атама-ларнинг синоними ҳисобланади.

Ушбу атама бошқа мамлакат фуқаролари ёки бошқа миллат вакилларига нисбатан ўта салбий муносабатни ифодалаш учун қўлла-

пилади. Ксенофобия хорижликлар ёки бошқа маданият вакиллари-нинг урф-одатлари ва анъаналарини менсимасликда ҳам намоён бўлади.

Ксенофобия ҳолатларига ҳозир ҳам мисоллар жуда кўп. Масалан, Францияда ўта миллатчи, шовинист «Миллий Фронт» партия-сининг барча «ажнабийларни Франция тупроғидан чиқариб юбо-риш» тўғрисидаги чақириғи ёки Россиядаги «тақирбошлар» деб ном олган гуруҳнинг рус бўлмаган миллатларга нисбатан зўравонлик иш-латиши ксенофобиянинг ёрқин кўринишларидир.

44. Куч ишлатмаслик

Куч ишлатмаслик деганда зўравонлик, зулм ва адолатсизликка қарши тинч йўллар билан, ҳеч қандай жисмоний куч ишлатмай ку-рашиш тушунилади. Масалан, тинч намоёишлар уюштириш, омма-вий норозилик, бойкот, фуқаролик бўйсунмаслиги - куч ишлатмас-ликнинг турли кўринишлари ҳисобланади.

Зулмга қарши куч ишлатмай курашиш усули қадим замонлар-дан бери мавжуд. Бироқ у ўзининг замонавий кўринишига XVIII-асрдан бери эга бўла бошлаган. Айниқса XX-асрда ушбу тамойил-дан жуда кўп бор фойдаланилди. Масалан, 1908 йилда Япониянинг минтақавий тажовузкор сиёсатига қарши Хитойда япон товарлари бойкот қилинди. 1960 йили АҚШда қора танли аҳолининг ирқий кам-сигиш ва ирқий сегрегацияга қарши олиб борган тинч кураши на-тижасида ҳукумат бирмунча ён босишга ва мамлакат қонунчилиги-да тегишли ўзгартиришлар киритишга мажбур бўлди. 1991 йилда Кремлда ноқонуний равишда, давлат тўнтариши йўли билан ҳоки-мият тепасига келган Фавқулудда ҳукуматга қарши Москва аҳли но-розилик ва бўйсунмаслик намоёиши билан кўчага чиқди. Натижада фавқулудда ҳукумат ағдариб ташланди. Шунга ўхшаган мисоллар-ни кўплаб келтириш мумкин.

XX асрда куч ишлатмаслик сиёсатининг оташин тараф-дорларидан бири Мохандас (Махатма) Ганди эди. У адолатсизлик ва зулмга қарши шундай кураш стратегиясини ишлаб чиққан эди-ки, у рақиб томоннинг барча инсоний фазилатларини тан олишни кўзда тутар эди. Махатма Ганди Жанубий Африкада апартеид сиё-сатига қарши ва ҳиндистонда халқни мустамлакачилик зулмидан халос қилиш учун курашган эди. Ушбу курашларда куч ишлатмас-лик тамойилига садоқати туфайли у ўз замонасининг бошқа атоқли кишилари, шу жумладан, Нельсон Мандела, Мартин Лютер Кинг, Цезарь Чавес каби кишилар фаолиятига ҳам катта таъсир кўрсатган

эди. Улар Махатма Гандининг ягона умумбашарий инсон оиласи тўғрисидаги қарашлари тарафдори эдилар.

Махатма Ганди умуминсоний қадриятлар ер юзида албатта ғалаба қозонишига қаттиқ ишонар эди. У инсоният бир кунмас бир кун урушлар, қашшоқлик ва очлик қаъридан албатта чиқишига ишонар, бу йўлда ўзининг бутун иқтидори ва куч-ғайратини ишга солар эди. Махатма Гандини ҳақли равишда XX асрда тинчлик, бағрикенглик ва инсонпарварликнинг ёрқин тимсоли деб аташ мумкин.

Куч ишлатмаслик тамойилининг яна бир ёрқин ҳимоячиси Мартин Лютер Кинг ушбу концепцияни янада ривожлантириб, унинг олти қоидабини ишлаб чиқди. Улар қуйидагилардир:

Биринчи қоида. Куч ишлатмаслик зулмга нисбатан фаол, бироқ тинч йўллар билан қаршилик кўрсатиш, нормал (хотиржам) турмуш тарзини қабул қилиш, рақиб томонни ўзи бажараётган ишнинг тўғрилигига ишонтира билиш демакдир.

Иккинчи қоида. Куч ишлатмаслик рақибнинг ишончини қозониш томон ҳаракат қилиш, ўзаро ярашув томон собит қадам ташлаш, ўзаро ҳамжиҳатликда яшашга интилиш демакдир.

Учинчи қоида. Куч ишлатмаслик тарафдори зулм қилаётган кишининг ўзи ҳам жабрланувчи эканлигини тан олиши, рақибини тор-мор қилиш ўрнига уни ўз далилларининг тўғрилигига ишонтиришга ҳаракат қилиши, ҳар иккала томонни ҳам ўзаро қониқтирувчи ечимни излаб топишга интилиши лозим.

Тўртинчи қоида. Куч ишлатмаслик концепциясини қабул қилувчи кишилар зўравонликдан буткул воз кечадилар, уни қаттиқ қоралайдилар.

Бешинчи қоида. Куч ишлатмаслик тамойили зўравонликка қарши ҳам маънан ва ҳам жисмонан курашишни; нафратни эмас, муҳаббатни тарғиб этишни талаб этади.

Олтинчи қоида. Куч ишлатмаслик тарафдори адолат охиروқибат албатта тантана қилишига, тинчликка эришиш муқаррарлигига қаттиқ ишонади.

45. Маданий турфахиллик

Маданий турфахиллик бир мамлакатда турли хил маданият ва қарашларнинг ёнма-ён яшашини англатади. Демократик мамлакатда одатда маданиятлардан бири етакчи мавқега эга бўлади. Бироқ ҳеч бир маданият бошқасини инкор қилмайди ёки бошқасидан устун бўлишга интилмайди. Барча маданиятлар ўзаро ҳамжиҳатликда истиқомат қиладилар. Маданий турфахиллик турли туманликдаги бирликдир.

Маданий турфахиллик ирқчилик, шовинизм, миллатчилик, ксенофобия каби атамаларнинг акси ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда маданий турфахиллик дунёнинг барча мамлакатларида учрайди. Танҳо маданиятли жамиятлар жуда кам бўлиб, улар асосан "орол мамлакатларда" учрайди. Турфа маданиятли мамлакатларнинг барчаси, ҳоҳ у можаролар оқибатида вайронага айланган мамлакат бўлсин, ҳоҳ тинч-тотув яшаётган кўп маданиятли жамият бўлсин, тинчлик ва барқарорликни сақлаш, турли ҳалокат ва зўравонликларнинг олдини олишнинг ягона чораси таълим ва тарбия эканлигини таъкидлайдилар.

Ўзбекистон ҳам турфа маданиятли мамлакатлардан биридир. Юртимизда 100 дан ортиқ миллат ва 16 диний конфессиялар вакиллари истиқомат қиладилар. Улар узоқ ўтмишдан бир-бирлари билан ўзаро ҳамжиҳатликда яшаб келмоқдалар. Кўпгина мутахассислар ушбу кўҳна заминда маданиятлараро (миллатлараро ва динлараро) негизда ҳеч қачон йирик қонли тўқнашувлар содир бўлмаганини таъкидлайдилар. 2000 йилда ЮНЕСКО ташкилотининг Тошкентда бўлиб ўтган Динлараро Халқаро Конгрессда ҳам Ўзбекистоннинг маданиятлараро ва динлараро бағрикенглик соҳасидаги тажрибаси бошқа аъзо давлатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги таъкидланди.

ЮНЕСКО ташкилоти маданий турфахилликка катта эътибор билан қараб келмоқда. 2001 йилда ЮНЕСКО Бош Конференцияси томонидан Маданий турфахиллик Декларацияси қабул қилинди. Яқин келажакда ана шу Декларация негизида Халқаро Конвенция қабул қилиниши кутилмоқда. Ана шу Конвенция қабул қилинадиган бўлса, аъзо мамлакатларги ўзларидаги маданий турфахилликни (турли-туман тилларни, динларни, маданиятларни, урф-одатларни, моддий ва номоддий маданий меросни ва ҳ.к.) асраш мажбурияти юкланади.

46. Манқуртлик

Манқуртизм атамаси Марказий Осиё халқларининг манқурт тўғрисидаги ривоятдан олинган бўлиб, онгини, ўз хотирасини йўқотган ва қулга айлантирилган кишиларга нисбатан қўлланилади.

Мазкур ривоятда айтилишича, қадимда Марказий Осиёга бешафқат жун-жунъ қабиласи бир неча бор бостириб кирганлар. Улар ҳар сафар бостириб кирганда бу ердаги моддий бойликларни талон-тарож қилишар ва эркак жинсига мансуб бўлган аҳолини асир қилиб ўзлари билан олиб кетишарди. Сўнгра асирларни Са-

риўзак даштларига олиб борар, уларнинг сочини тагидан кириб, тап-тақир бошга туя терисидан тикилган махсус қулоқчинни ёпиб қўяр ҳамда шу аҳволда оёқ қўллари боғланган асирларни жазирама қуёш нурлари остида бир неча кун кимсасиз биёбонда ўз ҳолига ташлаб қўяр эдилар. Жюнларнинг ушбу усули тез орасида ўзининг самарасини берар эди: асирларнинг ўсиб чиққан сочлари қулоқчиннинг мустаҳкам пўстдеворига тегар ва яна қайта бошга нинадек санчиларди. Даҳшатли оғриқ азобидан асирларнинг аксарияти ҳалок бўлишарди. Тирик қолганлари эса ўз онгидан бутунлай айрилиб, жонли “робот”га, яъни манқуртга айланишар ва жюнларга бир умр садоқат ила хизмат қилишар эди. Жюнлар уларни қуллардан ҳам афзал кўришган. Чунки қуллардан фарқли ўлароқ манқуртлар ҳеч нарсани, ҳатто ўз исмини ҳам эслай олишмас эди.

“Манқурт” тўғрисидаги ривоят улуг қирғиз адиби Ч.Айтматовнинг “Асрга татиғулик кун” асарида ҳам фожиавий акс эттирилган: манқуртга айлантирилган ўғлини кўриш учун унинг онаизори не-не азоб-уқубатлар билан узоқ масофадан излаб келади. Бироқ манқурт ўғил ўз волидаи муҳтарамасини танимайди ва хўжайинининг буйруғи билан уни найза санчиб ўлдиради.

47. Марказий Осиёда сув ва тинчлик

Марказий Осиёда сув ресурслари муаммоси, айниқса, унинг сиёсий жиҳатлари билан шуғулланувчи кўпгина тадқиқотчилар, сиёсатшунослар ва журналистлар сўнгги вақтда чекланган сув ресурсларини тақсимлаш юзасидан минтақавий можаролар чиқиши мумкинлиги тўғрисида бонг ура бошладилар. Кўпгина халқаро ташкилотлар сув можароларини ҳал қилиш бўйича лойиҳаларини устувор лойиҳалар қаторига киритдилар.

Маълумки, Марказий Осиё жаҳоннинг қурғоқчил минтақаларидан бири. XIX асрнинг иккинчи ярмида аксарият кўчманчи қабилалар ўтроқ турмуш тарзига ўтганидан бери бу ерда сув таъминоти муаммоси мавжуд. Бугунги кунга келиб мазкур муаммо ўта долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу, энг аввало, Марказий Осиё минтақасининг бир пайтлар ягона сув хўжалиги комплекси устидан бошқарувнинг йўқолиши билан боғлиқ. Яъни минтақанинг ҳар бир мамлакати қўшнилари билан келишмасдан ўз сув сиёсатини амалга ошира бошлади. Бундан ташқари, бўлиб ўтган қаттиқ қурғоқчилик натижасида сув тақчиллиги муаммоси янада чуқурлашди, бу Амударёнинг Орол денгизига туташ қуйи оқими атрофидаги ҳудудларда инқирозли вазият юзага келишига олиб келди. Бу муаммонинг яна бир сабабчиси собиқ СССР пайтида амал қилган Амударё ва Сирдарё сувларидан

нооқилона фойдаланиш ҳисобига қўриқ ерларни ўзлаштиришни назарда тутган дастур бўлди. Мазкур дастур доирасида жуда кўп сув беҳуда исроф қилиб юборилди, бу эса шусиз ҳам мураккаб вазиятни янада оғирлаштирди. Бунинг устига, Марказий Осиё мамлакатларининг сув ресурсларидан фойдаланишдаги ўзаро келишилмаган ҳаракатлари вазиятни янада оғирлаштирмоқда: минтақа давлатлари ўртасида сув нотекис тақсимланади, сув ресурсларини тақсимлаш бўйича халқаро битим имзоланмаган, айни вақтда барча давлатлар ўз ҳудудида шаклланувчи ёки жойлашган сув ва сув объектларига нисбатан мулк ҳуқуқини эълон қилган. Сувни жорий тақсимлаш шўро давридан қолган охириги лимитлар асосда амалга оширилмоқдаки, улар амалдаги ҳолатни лозим даражада акс эттирмайди. Сув тақсимлашдаги бу аҳвол ҳудудида асосий сув ресурслари шаклланувчи мамлакатларда норозилик уйғотмоқда.

Марказий Осиё минтақаси давлатларини сув билан таъминлаш ҳозирги даврнинг энг долзарб муаммоларидан биридир. У ўз навбатида, бир қанча таркибий қисмларга бўлинади. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардир: аҳолининг маиший эҳтиёжларини сув билан таъминлаш; минтақа халқ хўжалигини – саноат ва қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлаш; мазкур вазифаларни ҳал қилиш жараёнида юзага келган экологик муаммоларни ҳал қилиш.

Сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш – Марказий Осиёдаги барча мамлакатларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ушбу муаммонинг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Ҳозирги вақтда минтақада ҳудудлараро сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги барқарорликка таҳдид солаётган хавф-хатарлар қуйидаги сабаблар билан боғлиқ: сув ресурсларидан биргаликда фойдаланишнинг умумий ҳуқуқий негизи мавжуд эмаслиги; Марказий Осиё мамлакатларида шахсий манфаатларнинг устуворлиги, бу моҳият эътибори билан маҳаллий ҳудудий режимда фаолият кўрсата олмайдиган ягона сув системасининг бўлинишини англатади; Марказий Осиё мамлакатларининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишидаги тафовутлар; сув ресурсларига бўлган талабнинг тобора ўсиб бораётганлиги.

Хўш, Марказий Осиё минтақасида сув ресурсларидан фойдаланишнинг барқарорлигини қандай таъминлаш мумкин? Вазиятни барқарорлаштириш учун қандай вазифаларни ҳал қилиш лозим? Мазкур муаммо ечимини топиш ҳамма шарт-шароитларни тарозига солиб кўришни тақозо этади. Чунончи, минтақанинг чекланган сув ресурсларидан фойдаланишга бир вақтнинг ўзида иқтисодиётнинг турли давлатларга тегишли икки тармоғи: ирригация ва энергетика даъ-

вогардир. Маълумки, Марказий Осиё давлатларида сув ёки энергия тақчиллигининг юзага келиши миллий манфаатлар ва хавфсизликка тўғридан-тўғри таҳдид сифатида қабул қилинади. Шу боис мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, фикр алмашиш ва биргаликда сув ресурсларини бошқариш ёндашувларини ишлаб чиқиш учун замин яратиш лозим. Бу ҳар бир алоҳида мамлакатда қонунлар ҳар хил талқин қилинишига чек қўйиш имконини беради. Бунда фақат халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш керак. Сув ресурсларини бошқариш муаммоларини ҳал қилишда тегишли ёндашувлар ва принципларни баҳамжиҳат ишлаб чиқиш зарур. Хусусан, БМТ Европа Иқтисодий Комиссияси доирасида қабул қилинган ҳудудлараро сув оқимларини ва халқаро кўлларни қўриқлаш ва улардан фойдаланиш бўйича 1992 йилги Хельсинки Конвенцияси, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1997 йилда қабул қилинган халқаро сув оқимларидан фойдаланишнинг кема қатнамайдиган турлари ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенция мана шундай ҳужжатлар жумласидандир. Бу халқаро ҳужжатлар муайян ҳудудлараро сув ҳавзаларига татбиқан икки ва кўп томонлама шартнома ва битимлар ишлаб чиқиш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Уларда ҳар бир давлат ҳудудлараро дарё ҳавзаси сувларидан фойдаланишда одилона улушга эга бўлишга ҳақли эканлиги қайд этилган, сув ҳавзаларига зарар, шу жумладан, экологик зиён етказмаслик мажбуриятлари, бу соҳада давлатлараро ҳамкорлик механизмлари ва унинг ташкилий тузилмалари, яъни ахборот бериш ва ахборот алмашиш тизими белгилаб қўйилган.

Мутахассисларнинг тахминича, 2015 йилда сурункали сув тақчиллиги мавжуд мамлакатларда ер куллари аҳолисининг ярмидан кўпи яшайди. Бу ҳар хил даражадаги можароларга сабаб бўлиши мумкин. Мисол тариқасида сув ресурсларидан фойдаланиш масаласи энг кескин масалалардан бири бўлган Яқин Шарқ минтақасини эслаш kifоя. Бу ерда сув ресурслари тақчиллиги муаммоси ўта кескин бўлиб қолаётир. Охириги 40 йилда Яқин Шарқ ва Шимолий Африка минтақаларидаги аҳоли сув истеъмолини йилига 3300 литрдан 1250 литрга камайтирди. Сув муаммоси минтақа мамлакатлари ўртасидаги нифоқни янада кучайтирмоқда.

Сув учинчи минг йилликнинг бош муаммоларидан бири бўлиши, уларнинг ечимини топишга нисбатан ягона умуминсоний ёндашувни ишлаб чиқишга йўналтирилган жиддий халқаро тадқиқотлар мавзусига айланиши шубҳасиз. Бу ерда глобализация жараёнлари чиндан ҳам зарур. Акс ҳолда сув ресурсларини қайта тақсимлаш бошқа йўللاردан кетиши мумкин.

48. Мафкуравий иммунитет

Иммунитет (лотин. озод бўлиш, қутулиш) деганда организмнинг доимий ички муайянликни сақлаши, ўзини турли хусусиятларга эга таъсирлардан, уни ташқи инфекциялар кириб келишидан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуи тушунилади.

Айни мафкуравий иммунитет жамият ҳаётининг энг нозик жиҳатларидан, фуқароларнинг ҳис-туйғуларидан, мақсад ва интилишларидан, маънавий-маърифий ва руҳий-ахлоқий даражасидан келиб чиқади. Агар мафкура инсонлик шаъни билан боғлиқ бўлган ҳиссиётдан келиб чиқсагина инсонни бошқаради, йўлга солади.

Мафкуравий иммунитет:

- Инсоннинг кўплаб хусусиятлари туғма бўлса, мафкуравий иммунитетни шакллантириб бориш керак.

- Мафкуравий иммунитет ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

- Иммунитет тизими шакллангандагина мафкуравий дахлсизликни таъминлаш мумкин (жисмоний иммунитетга эга бўлмаган чақалоқларнинг узоқ яшай олмаслигини эсланг).

- Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий унсурлари:

- Бу билимдир. Бу билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўқис акс эттириши, инсон маънавиятининг бойиши ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим.

- Бу билимлар ўз моҳият-эътиборига кўра, Ватан ва халқ манфаатлари, умуминсоний қадриятлар устуворлиги билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак.

Мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда мафкуравий профилактиканинг ўрни катта. Профилактика моҳиятига кўра, зарарли ва ёт ғояларнинг кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига олади. Тиббиётда «касални даволашдан, уни олдини олиш муҳимроқ» деган иборани эслашнинг ўзи кифоя.

Демак, мафкуравий профилактика хилма-хил шаклларда ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган ғоявий-тарбиявий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ишлар мажмуини, бир сўз билан айтганда, бу соҳада ташкил этилган таълим-тарбия тизимини қамраб олади.

Ғоявий тарбия жараёнида кишиларда ёт ва зарарли ғояларга қарши курашиш учун мафкуравий иммунитетни шакллантиришга алоҳида эътибор берилади. Бу узоқ давом этадиган жараёндир. Мафкуравий иммунитетни шакллантириш кишилар онгига бир хил ғояни зўр бериб тиқиштириш эмас, балки одамларда оқ-қорани ажратиш, зарарли ғояларга қарши ҳушёр ва огоҳ бўлиш хусусиятла-

рини тарбиялаш демакдир. Ёшларда мафкуравий иммунитетни тарбиялашда ижтимоий фанлар муҳим роль ўйнайди. Мафкуравий иммунитетни шакллантириш - ғоявий-тарбиявий иш самарадорлигининг муҳим мезони ҳисобланади.

Шундай экан, ҳар бир ўғил-қизни маънавий баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳалол-пок, бир сўз билан айтганда, кучли мафкуравий иммунитетга эга шахс сифатида тарбиялаш – Озод ва Обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдаги энг асосий шартлардан бири бўлиб қолаверади.

49. Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик

Уруғ-аймоқчилик феодал жамиятларга хос ҳодисадир. Уруғ-аймоқчилик қавм-қариндошлик алоқалари билан боғланган одамларнинг бирлиги бўлиб, уруғ жамоаси - ўз бошлиғининг номи билан аталган. Уруғ бошлиғи уруғ аъзолари учун энг обрўли одам ҳисобланиб, уруғнинг манфаатларини жамоасининг нисбатан маҳдуд олампидан ташқарида ифодалайди. Уруғ-аймоқ ўз аъзоларини ҳимоя қилган ва ёрдам берган.

Қариндош-уруғчилик билан боғланган одамларнинг бир-бирларига мадад беришлари ҳодисаси мавжуд. Қариндош-уруғчилик, ҳудудий ёки этник принциплар асосида давлат тузилмаларида ёки бошқа тузилмаларда тор гуруҳчилик манфаатлари билан иш кўрадиган, айнан шу манфаатларни биринчи ўринга қўядиган уюшмалар (кўпинча норасмий уюшмалар) умумий ишга, умумдавлат, умумхалқ манфаатларига зарар келтирган ҳолда шаклланиб, ўз мақсадларига эришиш учун аъзоларини мавжуд давлат, ҳокимият ва бошқа поғоналарда юқори кўтаришга ҳаракат қилар экан, бу ҳол хавфли бўлиб қолади. Жамиятнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига реал таҳдид солувчи бу иллат маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик ҳодисасидир.

Давлат тузилмаларида уруғ-аймоқ ва юртдошлар гуруҳлари этник белги асосида шаклланади. Уруғ-аймоқчиликнинг мақсади - ўз аъзоларини давлат ҳокимияти пиллапоаяларидан мумкин қадар юқори кўтаришдан иборат. Уруғ-аймоқчиликни ажратиб турувчи белги аъзоларнинг бир жойда туғилганлигидир. Шуни назарда тутиш керакки, машғулот турларининг умумийлиги, маънавий манфаатлар, дунёқарашларнинг муштараклиги эмас, балки айнан туғилган жойнинг умумийлиги асосий белгидир.

Жамиятда алоҳида гуруҳнинг ёки алоҳида ҳудудларнинг манфаатлари умумий манфаатлардан устун турадиган муносабатлар тизими мавжуд бўлиши нотўғри ва хавфлидир. Бу ҳол жамиятда ижтимо-

вешдан чўчима. Кўп пул қарз берма. Душман гарчи ҳақирдур, уни хорлама. Охират учун зиёнли савдодан кеч. Шаҳват асири бўлма. Нафс фармони ила ориятни бой берма. Бегонани ҳамтовоқ қилма. Ўзингнинг озингни ўзгаларнинг кўпидан зиёд кўр. Беҳуда ғам чекма. Аҳдга доимо вафо қил. Қаерда бўлсанг, ўша ерда худони ҳозир бил. Вақтни ғанимат ҳисобла. Ваъданинг ростлигини саховат дегил. Илк жафосиданоқ дўст билан алоқани узма. Дўстни қаҳру-ғазаб пайтида сина. Ҳамма кору ҳолда дўстларга ҳалимлик кўргаз. Қўлингдан келгунга қадар махлуққа эҳтиёжингни сездирма. Сукутни одат қил. Беҳуда вайсашни ҳамма офатларнинг аввали деб бил. Миннатдор бўл, аммо ҳеч кимдан миннатдорлик талаб қилма. Ҳожатбарорликни улуг иш англа. Беозорликни Худога дўстлиқнинг омили деб бил. Дунё ва охират саодатини доноларда муҳаббатда бил. Нодондан қоч. Сўзлаганда ҳеч кимни хижолат қилма. Кулги қўзғайдиган сўздан ҳазар қил. Ўзингнинг ва фақирнинг молу миқдорини ҳеч кимсага айтма. Бешарм, беҳаёлар билан ўтириб турмағилки, дунё ва охиратда мазолат ва уқубат эрур”.

52. Миллат

Тарихий жараён давомида шаклланиб келган “миллат” тушунчаси қадимги даврданоқ кенг ишлатиб келган. Унинг халқаро миқёсда эътироф этилган шакли латин тилидан келиб чиққан “нация”, ҳамда юнончадан “этнос” атамалари мавжуд. Қадимги Римда ушбу тушунча унчалик катта бўлмаган халқларни ифода этган. Шу билан бирга у Юнонистонда қариндош-уруғчилик, ташқи ўхшашлик, ҳамда ягона тил ва ҳудуд асосида бирлашган кишилар уюшмаси - қабилани акс эттирган “этнос” атамаси ишлатилган. Кейинчалик миллат, яъни нация атамаси халқларнинг силжиши ва янги ҳудудларни босиб олиш ҳамда уларнинг ассимиляциялашуви натижаси шаклланган бир неча этнослар мажмуини билдирган. Миллат атамасини турли ҳолатларда турлича маънода ишлатилиши кузатилади. Масалан, бу муайян этник уюшма ҳам, мамлакатда истиқомат қилувчи халқ ёки аҳоли ҳам, замонавий халқаро муносабатларда эса “давлатнинг” ўзини ҳам ифода этади. Бу эса кўп ҳолларда “миллат” ва “этнос” атамаларини маъноси бир синоним сўзлар сифатида ишлатилишига олиб келган. Лекин шунга қарамасдан бу иккита тушунчани орасидаги фарқ ҳам йўқ эмас.

“Этнос” – бу муайян бир ҳудудда тарихий шаклланган, умумий яшаш тарзи, маданияти ва тили, шунингдек, бошқа халқлардан ажралиб турган умумий ўзлигини англайдиган кишиларнинг мустаҳкам уюшмасидир. Ушбу хусусиятлар уюшманинг муайян

номи, яъни этнонимида ўз аксини топган. Этнос термини кўпинча сиёсий-ижтимоий эмас, балки этнографик, яъни тарихий, маданий-маиший маънода ишлатилади. Замонавий социологик қарашларда «этнос» – «маданият» сифатида ҳам кўрилади, этник муносабатларнинг хусусиятлари эса маданиятлараро ўхшашлик ва фарқлар билан характерланади.

Миллат тушунчаси «этносга» қараганда кенгроқ маънони билдиради. Таниқли олим Н.А. Назаров фикрича, миллат - бу этносларнинг этник сифатий тараққиёт маҳсулидир. Масалан, қадимги туркий тили этноснинг этник тараққиёти натижасида ўзбек, қозоқ, турк, туркман, қирғиз, озарбайжон гуруҳлари вужудга келиб, этнотарихий тараққиёт натижасида миллат сифатида шаклландилар. Демак, миллат - бу ўзида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий яхлитликни акс эттирган, шунингдек муайян бир ҳудуд доирасида, умумий иқтисодий алоқалар, этник келиб чиқиш, маданият, тил, психологик хусусиятлар, ҳамда этник ўзлик асосида тарихий шаклланиб келган кишилар йиғиндиси.

Ҳозирги жамиятлар ижтимоий тузилишининг муҳим бир хусусиятларидан бири, бу уларнинг кўп миллатлилигидир. Замонавий дунёда бир неча минг миллат ва халқлар яшаб келмоқдалар. Ваҳоланки, дунёнинг сиёсий ҳаритасида икки юзтага яқин давлатларни топиш мумкин. Демак, халқларнинг аксарияти кўп миллатли давлатларда истиқомат қиладилар. Бундай давлатларда етакчи (ҳукмрон) миллат – яъни миллий-давлат бирлашмасига ном берган халқ билан бир қаторда турли миллий диаспоралар вакиллари ҳам истиқомат қиладилар. Диаспора бу халқ ёки этник гуруҳни муайян бир қисмининг турли хил сабабларга кўра ўз тарихий ватанидан ташқари бўлган давлатда истиқомат қилишидир.

Бугунги кунда дунё ҳамжамиятининг аксарият қисми томонидан, миллатлараро муносабатларга инсонпарвар ёндошувининг устуворлиги тан олинмоқда. Бунинг моҳияти эса, биринчидан, барқарорлик ва тотувликка интилиши ҳамда миллий зўравонлик ва унинг ҳар қандай кўринишларидан воз кечишда, иккинчидан, демократик тамойилларни жамият ҳаётига янада ҳам кенгроқ тадбиқ этиш ҳуқуқларининг устуворлигида мужассамлашган. Ушбу йўлда ҳар қандай халқнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун, давлат миллатчилик, яъни муайян бир миллатни бошқа халқдан устуворлиги, муҳимлиги, алоҳида уюшганлиги ғоясига асосланган, унга нисбатан ёқтирмаслик, ишончсизлик, камситиш ва чеклаш ҳаракатларни амалга ошириш лозимлигини тасдиқловчи мафкура ва сиёсат, шунингдек, шунга ўхшаш, жамиятда турли можароларни келтириб чиқарадиган ирқчилик ва шовинизм каби хавфли ҳодисаларни олдини олиши ва вужудга келтирмаслиги лозим. Бунинг

Мустамлакалар ва мустамлакачилик сиёсати – капитализм даврида хорижий давлат (метрополиялар) ҳукми остида бўлган, сиёсий ва иқтисодий мустақилликдан маҳрум этилган, махсус режим асосида идора қилинадиган мамлакатлар ва территориялар. Мустамлакачилик сиёсати ўзга халқлар, иқтисодий қолоқ мамлакатларни хорижий, сиёсий ва иқтисодий тазйиқ ёрдамида асоратга солиш ҳамда эксплуатация қилиш сиёсатидир. У метрополияларнинг эксплуататор синфлари томонидан олиб борилади. Мустамлакачилик капиталининг дастлабки жамғарилиш давларида, буюк географик кашфиётлар қилинган вақтларданоқ бошланган эди. Мустамлакачилик сиёсати ҳар бир метрополияга турлича таъсир қилди. Рус чоризмининг XIX аср II-ярмида Марказий Осиёда олиб борган сиёсати мустамлакачиликка яққол мисол бўла олади. Рус чоризмининг мустамлакачилик экспансияси асосан минтақанинг жануби-шарқий ва шарқий томонга қаратилди. У Ўрта Осиё ҳамда Кавказ минтақаларини мустамлакага айлантирди.

XIX аср охири-XX аср бошларида Туркистонда Чор ҳукуматининг мустамлакачилик ва миллатчилик сиёсати авжига чиқди, ўлкада ўрнатилган сиёсий маъмурий тизим ўта ҳарбийлаштирилган бўлиб, уни генераллар ва офицерлар бошқарарди. Бу тизим туб аҳоли манфаатлари, тарихан шаклланган миллий урф-одатлари ва турмуш тарзини ҳисобга олмаган ҳолда шакллантирилиб, ғайритабиийлиги билан ажралиб турарди. Миллий давлатчилик ва қўшин тугатилди, туб аҳоли вакиллари олий ва ўрта бошқарув лавозимларига яқинлаштирилмади.

Ўлкада ҳукм сурган сиёсий тизимнинг моҳияти ва йўналиши мустамлакачиликка асосланган бўлиб, туб аҳолини тинимсиз ишлатиб, кучи ва ишлаб чиқарган маҳсулотидан фойдаланиш, табиий бойликларни ўзлаштириш ва руслаштириш сиёсатини амалга оширишдан иборат эди. Шунингдек, халққа сиёсий ва инсоний ҳуқуқлар берилмай, қолоқлик ва қашшоқликда ушлаб туришга қаратилган сиёсат юргизилди. Сиёсий тузумга монанд равишда ҳукуматнинг иқтисодий сиёсати шаклланди.

Ўлкадаги ер-сувларнинг, умуман табиатдаги барча бойликларнинг эгаси Чор ҳукумати бўлиб, имкони борича уларни талаш йўлидан борди. Ўлкани хом ашё манбасига айлантириш мақсадида пахтачилик ривожлантирилди. Вақф ерларининг қисқартирилиши ва уларга солиқ солиниши ҳам Чор ҳукуматининг хазинасига фойда келтирди. Пахтачиликнинг узлуксиз ривожлантирилиши озиқ-овқат маҳсулотларини, биринчи навбатда ғалла майдонларини қисқартирилишига олиб келди. Россиядан тайёр саноат молларининг келтирилиши хунармандчилик соҳаларига анча қаттиқ зарба берди.

Чоризмнинг Туркистон мустақиллигини тугатиш ва маҳаллий халқни асоратга солиш мақсадида амалга оширган тadbирлари руслаштириш сиёсати (саноат, қишлоқ хўжалиги, маориф, фан ва маданият соҳаларида) кўчириб келтириш сиёсати маҳаллий халқлар ҳақ-ҳуқуқларининг оёқ ости қилиниши эди. Туркистон халқарининг ҳар қандай ҳақ-ҳуқуқларини йўқ қилиб, уларни ижтимоий сиёсий, маданий, иқтисодий ва ҳарбий қолоқликда сақлаб туриш учун ўзининг тўрачилиқ, маҳкамачиликка асосланган бошқариш усули жорий қилинди. Бунда энг куйи мақсаддан энг юқори мансабга қадар бўлган ҳамма лавозимлар фақат рус ҳарбий тўралари орқали идора қилинадиган тартиб ўрнатилган. Чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати шўролар тузуми даврида янгича тусда давом эттирилди. Собиқ СССР ҳам мустамлакачилик сиёсатини олиб борди. 1991 йилда СССР парчаланиб унинг ўрнида мустақил тараққиёт йўлини танлаган 15 мамлакат ташкил топди. Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан сўнг мустамлакачиликка барҳам берилди.

БМТ томонидан мустамлакачилик қаттиқ қораланади. БМТ шу кунга қадар мустамлака зулмидан халос бўлган мамлакатларга баҳоли қудрат кўмаклашиб келмоқда. Масалан, 1960 йилда мустамлака зулмидан озод бўлган кўпгина Африка давлатлари мустақиллигини БМТ қизгин қўллаб-қувватлади ва шу йили “Мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисида” Декларацияни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йилда мустақилликка эришгач, БМТ уни биринчилардан бўлиб тан олди ва аъзоликка қабул қилди (1992 йил 2 март). Бугунги кунда республикаимиз байроғи ушбу нуфузли халқаро ташкилотнинг Нью Йоркдаги штаб квартираси пештоқида ҳилпираб турмоқда.

60. Мутаассиблик (фанатизм)

Фанатизм (лот) - диний эътиқодларга, хурофотга ёки бирор назарий қарашларга қаттиқ ёпишиб олиб, бошқа ҳар қандай қарашларни рад этиш, ўтакетган мутаассиблик, жоҳиллик демакдир. Бу йўлга кирган, ёндашган одам фанатлиги, ўтакетган қайсарлиги оқибатида билимсизликдан жаҳолат ботқоғига ботиб борувчидир. Бунинг субъектив омили юқорида айтилган инсон фаҳмининг жаҳолати бўлса, объектив манбалари, ижтимоий ҳаёт ислохотларининг тадрижий ривожланиш тadbирларини, консерватив кучлар томонидан инкор этилиши ва улардаги савиянинг турли даражада эканлигига бориб тақалади.

Христиан динининг вужудга келиши, кучайиши, мустаҳкамлани-

ши, кичик гуруҳлар, мазҳаблар, секталар тарзидан келиб чикиб, кейин умумий дин таълимотига бириккан бўлса, ислом дини, аксинча, яхлит дин таълимоти сифатида келиб чиққан ва кейинчалик турли мазҳаб, оқим ва йўналишларга бўлинган. Масалан, шиалар Қуръони Карим қоидаларининг фарзларини тўла қабул қилиб, Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом суннатларини инкор этадилар. Суннийлар Муҳаммад пайғамбарга тааллуқли ҳадислар асосидаги суннатларни қабул қиладилар. Кўряпмизки, ислом динининг ичида бўлиниш мавжуд. Ақидапарастликнинг кенг тарқалган кўринишларидан бири бўлмиш ваҳҳобийлик ҳанбалий мазҳаби таркибида шаклланди.

Бугунги кунда шундай оқимлар фаолиятига баҳо бериб Президентимиз И.А. Каримов бу саволга қуйидаги фикр билан аниқ ва равшан жавоб берди: «Булар ўз мақсадларига эришиш учун одамларни, аввало, содда, билими ва ҳаёт тажрибаси паст кишиларнинг онги ва тафаккурини чалғитишга уринади. Уларни муқаддас динимизга, унинг асл қадрият ва бойликларига бўлган қизиқиш ва интилишларидан ғаразли ниятларда фойдаланади. Охириги тўрт-беш йил давомида тўпланган маълумотлар шунини кўрсатадики, бундай ғараз ва қабиҳ ниятли кучлар ва марказлар жуда чуқур ўйланган, катта маблағ билан таъминланган, узоқни кўзлайдиган дастур ва режаларга, энг замонавий восита имкониятларига эга. Улар ўзларининг таъсирига тушган кишиларнинг миясини заҳарлаш мақсадида, соғлом ақлга сиғмайдиган бузғунчи ақида ва ғояларни, шу жумладан, «ҳизбут-тахрир» ғояларини ишлатади».

61. Мухолифат ва сиёсий бағрикенлик

Мухолифат (лотинчадан - қарши қўймоқ) озчиликни ифода этиб, расмий қарашларни тан олмаслик (масалан: давлат ҳокимияти томонидан тан олинган расмий қарашларни давлат ривожланиш стратегиясини), озчиликнинг қараш ва мақсадлари, сиёсий жараёнлардаги катта кўпчилик қатнашчиларнинг қараш ва мақсадларидан фарқланишидир.

Мухолиф партиялар - асосан сайловлардаги мағлубиятлари туфайли бошқарув ҳуқуқини қўлдан бой берган партиялардир. Демократик мамлакатда сайловларда мағлубиятга учраган партиялар мухолифат ташкил этиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бироқ ташкил этилган мухолифатнинг кейинги хатти-ҳаракатлари амалдаги қонунлар доирасида кечади.

Мухолифатнинг асосий функциялари - танқид, назорат ва муқобиллик. Сиёсий жараёнларда бунёдкор мухолифатнинг мавжуд

бўлмаслиги шундан далолат берадики, давлатда фақатгина расмий қарашлар мавжуд бўлмасдан, балки шундай дастурлар ва фикрлар мавжудки, улар билан ҳисоблашишга тўғри келади ва агарда улар бунёдкорлик ғоялари билан суғорилган бўлса, уларни амалга ошириш учун қабул қилишга тўғри келади.

“Парламентар муҳолифат» тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, у партиялараро кураш асосан парламентдаги ўринлар учун кечишини англатади. Мисол сифатида бугунги Буюк Британия ва АҚШдаги партиялар курашини келтиришимиз мумкин. Буюк Британияда консерваторлар ва лейбористлар ўзаро муҳолиф партиялар саналса, АҚШда эса сўнгги 2 асрдан бери Конгрессдаги ўринлар учун курашни ўзаро муҳолиф партиялар, яъни республикачилар ва демократлар олиб бормоқдалар.

Сиёсий бағрикенглик сиёсий ҳаётда ҳукмрон партия билан бирга муҳолифат партиясининг ҳам мавжуд бўлишини, ҳукмрон партия ва муҳолиф партия бир бирларига нисбатан сабр тоқатли муносабатда бўлишлари лозимлигини англатади. Сайловда ғалаба қозонган партия мағлубиятга учраган партияни инкор қилмаслиги, аксинча, унга ҳурмат билан муносабатда бўлиши лозим. Сайловларда мағлубиятга учраган партия эса ўз мағлубиятини фожаия сифатида қабул қилмаслиги лозим. Хусусан, у кейинги сайловларда анча муваффақиятлироқ кураш олиб бориш имкониятига албатта ишонч ҳосил қилиши, мағлубиятдан сўнг ҳукуматни танқид қилиш ҳуқуқлари поймол этилмаслигига амин бўлиши лозим.

62. Муҳожирлар

Муҳожир у ёки бу сабабга кўра ўз мамлакатидан бошқа мамлакатга кўчиб ўтган кишидир. Муҳожирлар қочоқлардан фарқли ўлароқ бирор бир хавф-хатардан ёки таъқибдан қочмаганлар, балки ўз ихтиёрлари билан туғилиб ўсган жойларини ташлаб кетганлар. Аксарият муҳожирлар бошқа мамлакатларга ўзи ва оиласи учун муносиб ҳаёт излаб равона бўлганлар. Замонавий тил билан айтганда, бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга истиқомат қилиш мақсадида келган одамлар, агар улар қочоқлар статусини олмаган бўлсалар, муҳожирлар ҳисобланадилар.

Бугунги кунда кўпгина Ғарб мамлакатлари аҳолиси ривожланаётган мамлакатлардан келаётган муҳожирлар ҳисобига кўпайиб бормоқда. Бунга сабаб – улар ривожланишнинг муайян даражасига эришган бўлиб, уларда турмуш шароитлари нисбатан енгилроқ ҳамда ижтимоий-сиёсий таъқиблар ёки шунга ўхшаш нохуш вазиятлар мавжуд эмас.

Лекин Ғарб мамлакатларида муҳожирларга нисбатан муносабат бир хил даражада деб бўлмайди. Айрим мамлакатларда ксенофобия авж олмоқда.

Бошқа баъзи бир мамлакатларда муҳожирларнинг ўзи айрим ижтимоий-сиёсий характерда муаммоларни келтириб чиқармоқда. Масалан, 2005 йил июл ойида Лондон шаҳрида бўлиб ўтган террористик актлар келиб чиқиши Покистонлик бўлган муҳожирлар томонидан содир этилди.

63. Нацизм

Нацизм немис фашизми сиёсати ва мафкурасининг умумий номланишидир. У ирқчилик, антисемитизм, тоталитаризм, тажовуз, каби салбий хусусиятлар билан характерланади.

«Нацизм» сўзи национал социализм сўзларининг бирикмасидан ташкил топган бўлиб, у Германияда Немис социал-демократик ишчи партияси (НСДИП) раҳбарлигида сиёсий ҳаракат номидан келиб чиққан. НСДИПга 1919 йилда асос солинган бўлиб, у 1933 йилдаёқ Германияда мутлақ ҳокимиятга эга бўлди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Нюренберг суди томонидан ушбу партия жиноий ташкилот деб эълон қилинди. Нацистлар режими миллионлаб кишиларнинг, шу жумладан тинч аҳолининг ўлими учун жавобгарликка тортилди. Нацистлар томонидан яҳудийлар, лўлилар, коммунистлар, поляклар, славянлар қаттиқ таъқиб этилган эди.

Ҳозирги кунда ҳам Ғарбий Европадаги айрим экстремистик сиёсий гуруҳлар нацизм ғояларини тарғиб қилмоқдалар. Улар ўзларини «неонацистлар» деб атамоқдалар. Уларнинг фаолияти қонунан тақиқланган бўлиб, улар ҳокимият учун кураш олиб бориш ҳуқуқидан маҳрум этилган.

64. Ноҳукумат ташкилотлари ва демократия

Фуқароларнинг нодавлат уюшмалари инсоният тарихининг деярли барча даврларида у ёки бу кўринишда мавжуд бўлган. қадимги юнон ва рим файласуфлари уларни «шаҳар-давлат фуқаролари уюшмаси» деган атама билан белгилашган. Ўн еттинчи асрлардаги маърифатпарварлик даврида бу атама бошқача, яъни фуқароларнинг турли қизиқишлар асосидаги бирлашмалари деган маънони касб этган.

Ноҳукумат ташкилотлари ғояси иккинчи жаҳон урушидан кейин яна қайтадан янги куч билан жонлана бошлади. Айнан шу даврдан

бошлаб, халқаро ноҳукумат ташкилотларининг жадал ривожланиши бошланди.

XXI аср бошида жаҳонда маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотлари билан бир қаторда халқаро ноҳукумат ташкилотлар миқдори кўпайиб, уларнинг фаолият кўлами, дунё сиёсатидаги ўрни ва инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, жамиятни демократлаштириш жараёнларидаги иштироки кенгайиб бормоқда. Бундай халқаро ноҳукумат ташкилотларнинг фаолият услублари, шаклланиш босқичлари, мақсад-вазифалари турлича бўлиб, улар экология, саломатлик масалалари, аҳолининг турли қатламлари муаммоларини ечиш, миллий маданий қадриятларни ривожлантириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, демократик қадриятларни ёйиш, ижтимоий, маданий, маънавий эҳтиёжларни қондириш, ҳайрия ишларини амалга ошириш сингари кўплаб мақсадларни бажаради.

Демократик тараққиёт йўлидан дадил бораётган юртимизда эзгу ниятдаги ноҳукумат халқаро ташкилотларининг эркин фаолият юртиши учун зарур қонуний асос, етарли шарт-шароитлар яратилган. Бугун мамлакатимизда 4000 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари, жумладан 100 дан ортиқ халқаро ва ҳорижий ноҳукумат ташкилотлари, фаолият кўрсатмоқда. Кўпчилиги маҳаллий ҳукуматлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатган бўлиб, биз уларнинг фаолиятини ижобий баҳолаймиз. Айниқса, аҳолининг ҳуқуқий тарбиясини ошириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, аёллар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни янги касб-ҳунарга, тадбиркорликка ўргатиш йўлидаги ибратли ишларини алоҳида кўрсатиб ўтишимиз керак. Ноҳукумат ташкилотлари вазиятни тўғри баҳолашга ёрдам беради ва улар билан ҳамкорлик қилиш бу борада барқарорлаштирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Халқаро ноҳукумат ташкилотларни рўйхатга олиш масалалари билан олдин Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги шуғулланиб келган бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 декабрдаги қарорига мувофиқ бу масала эндиликда Адлия вазирлиги зиммасига юкланган эди. Адлия вазирлиги маълумотларига қараганда, вазирликка келган ҳужжатларни тезкор кўриб чиқиш, рўйхатдан ўтказиш жараёнини ўз вақтида ва малакали амалга ошириш учун барча ташкилий шарт-шароитлар яратилган. Рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза билан шу йил ҳисобидан вазирликка 76 ташкилот мурожаат қилган бўлса, шулардан 73 таси рўйхатга олинган ва давлат реестрига киритилган. Уларга давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида шаҳодатномалар берилган. Айни чоғда бу ташкилотлар Ўзбекистонда ўз фаолиятини қонуний асосларда амалга оширмоқда. Чет эл ташкилотлари ва ваколатхоналари ва

филиаллари фойдаланган барча, шу жумладан, божхона ва солиқ бўйича имтиёзлар тўла сақлаб қолинган.

Бироқ баъзи халқаро ноҳукумат ташкилотлари ўз Низомларида бир-биридан «олижаноб», жозибали, муҳим вазифаларни белгиланган бўлишига, ўзларини доимо «инсон ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоячиси», «демократпарвар», ҳукуматга кўмак берадиган хайрия ташкилоти сифатида кўрсатишга ҳаракат қилиб келган бўлишига қарамай, тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин бу халқаро тузилмаларнинг фаолияти кескин ўзгаради. Улар ўз Низоми талабларидан четга чиқиб, ўз ваколатлар доирасига кирмайдиган вазифалар билан шуғулланишади. Чунончи, 2004 йилда бир қатор хорижий ноҳукумат ташкилотлар ваколатхоналарининг фаолиятида Ўзбекистон қонунчилигини бузиш ҳолларига йўл қўйилганлиги боис бундай ҳолат яна такрорланса, уларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарор қайта кўриб чиқилиши ҳақида огоҳлантирилди.

Ўз-ўзидан келиб чиқадики, бундай ҳаракатлар Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш учун жиддий тўсиқлар яратмоқда.

Барчамизга шу нарса маълумки, ҳар бир янги ташкил топган мамлакат учун халқаро ҳамжамиятда, халқаро ташкилотлар олиб бораётган фаолиятида ҳамда кўптомонли ҳамкорликларда ўз ўрнинга ва ўзига хос томонларига эга бўлиши муҳим бўлганлигидек, бу нарса Ўзбекистон Республикаси учун ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир. Чунки бугунги кундаги жаҳон сиёсий харитасида рўй бераётган воқеалар ва умуман олганда давлатнинг халқаро ҳамжамиятда ўз ўрнига эга бўлиши стратегик мақсадлардан биридир.

65. Озчилик жамоалар

Озчилик жамоалар у ёки бу жамиятда етакчи (ҳукмрон) жамоа билан ягона ҳамжамиятни ташкил қилувчи, фуқаролик жамиятининг таркибий қисмига кирувчи диний, этник, ирқий, маданий жамоалардир.

Масалан, Ўзбекистонда ўзбеклар етакчи миллатни ташкил этади, ислом дини эса етакчи дин ҳисобланади. Бироқ улар билан параллел равишда мамлакатимизда бошқа миллат ва динларнинг вакиллари ҳам истиқомат қилишади ва улар озчилик жамоаларни ташкил қилишади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра Ўзбекистон фуқаролари тили, дини, миллати, ирқи, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар ўзаро тенгдирлар. Бугунги кунда Республикаимизда 100 дан ортиқ миллат, 16 диний конфессиялар вакиллари ўзаро ҳамжиҳатликда яшаб келмоқдалар.

Кўпгина мутахассислар Ўзбекистондаги маданий турфахиллик модели, миллатларо ва динлараро бағрикенглик бошқа мамлакатлар учун андоза бўлишини таъкидлайдилар. Масалан, ЮНЕСКО собиқ ходими Д.Диен Ўзбекистон заминида турли миллат ва динлар ўртасидаги бағрикенглик узоқ тарихга бориб тақалади ва бу келажакка ишонч билан қарашга асос бўла олади, деб ҳисоблайди.

Дунёнинг турли мамлакатларида озчилик жамоаларнинг ҳақ ҳуқуқлари поймол этилмоқда ҳамда улар турли тазйиқ ва камситишларга дучор бўлмоқдалар. Масалан, дунёнинг илғор демократик мамлакатларидан бири деб тан олинган АҚШда ҳали - ҳануз қора танлилар турли ирқий камстишларга дучор бўлмоқдалар. Гарчи уларнинг ҳақ ҳуқуқлари Конституция ва қонунларда белигалб қўйилган бўлсада, амалда аҳвол умуман ўзгача: ирқий жиноятларнинг 61,8%и қора танлиларга нисбатан содир этилмоқда.

Бошқа мамлакатларда ҳам озчилик жамоалар етакчи жамоага нисбатан анча паст мавқега эгадирлар. Айрим мамлакатларда эса озчилик жамоаси атамаси нисбий бўлиб, ушбу жамоа аъзолари сони ўнлаб, ҳатто юзлаб миллион кишини ташкил этади. Масалан, Ҳиндистонда мусулмонлар сони 100 млн. кишидан ошса ҳам, ислом дини озчилик жамоани ташкил қилади.

Озчилик жамоаларни ўрганшига эътибор бериш бағрикенглик ва маданиятлараро уйғунликни мустаҳкамлашга интилаётган барча турфа маданиятли жамиятлар зиммасидаги улкан мажбурият ҳисобланади.

66. Оммавий ахборот воситаларида зўравонлик

Оммавий ахборот воситалари омма онгида у ёки бу фикрни сингдиришга хизмат қилади. Кўпинча улар омма онгига ижобий таъсир кўрсатади: халқни билимли ва маърифатли қилиб тарбиялайди; тинчлик ва бағрикенглик ғояларини кенг тарғиб этади; можароларни ечишга ва бўҳронли вазиятлардан чиқиб кетишга ёрдам беради.

Бироқ аҳвол ҳамма жойда бир хил деб бўлмайди. Оммавий ахборот воситалари айрим пайтда сохта обрў ва бойлик орттириш мақсадида осойишта вазиятни чигаллаштириб, можароларнинг пайдо бўлишига ва чуқурлашувига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари айрим телевизион каналлари экран орқали зўравонликни тарғиб қилмоқдалар. Масалан, Германияда олиб борилган тадқиқотларга кўра немис телеканаллари орқали ҳафтада 500 марта қотиллик ва ўлим манзаралари намоиш этилган.

Бошка бир мисол, Европанинг қатор мамлакатларида АҚШ фильмларининг ёшлар онгига зарарли таъсир этаётганидан ўз ташвишларини яширмаётдилар. Шу масалани ўрганиш мақсадида олиб борилган ижтимоий сўровларда қатнашганларнинг кўпчилиги, жумладан, 58% немислар, 49% французлар ва 51% испанияликлар ушбу фильмларда ҳаддан зиёд зўравонлик мавжудлигини таъкидлашган. Ваҳоланки, жаҳонда тарқатилаётган фильмларнинг 80%ини АҚШ фильмлари ташкил этади.

Ҳозирги кунда кўпгина таниқли олимлар ёш авлод онгида тинчлик ғоялари ўрнига уруш ва зўравонлик ғоялари эгаллаб бораётганлигидан ташвиш билдирмоқдалар. Гарчи ушбу тенденция жуда секинлик билан амалга ошаётган бўлса-да, бироқ келажақда катта муаммога айланиш хавфи бор.

Ур-йикит, фаҳш, зўравонлик, уруш, вайронагарчилик манзараларини болалар кунига камида бир марта кўрган тақдирда ҳам 14 ёшга тўлганча камида 4000 манзарани кўришлари мумкин. Бу қандай оқибатларга олиб келиши тўғрисида ҳеч ким бош қотираётгани йўқ. Масаланинг яна бир томони оммавий ахборот воситалари орқали, айниқса, ғарб ахборот воситалари орқали муаяян ғояларни омма онгига сингдириш мақсадида пухта ўйлаб чиқарилган сиёсатнинг амалга оширилаётганидир. Тарқатилаётган янгиларнинг каттагина қисми буюртма асосида амалга оширилади ва маълум бир кучларнинг манфаатларига хизмат қилади. Ҳатто оддий бир реклама ролигида ҳам баъзида муайян мақсад кўзда тутилган бўлиши мумкин.

Ана шундай шароитда ривожланаётган мамлакатлар учун, хусусан, Ўзбекистон учун ахборот хавфсизлиги катта рол ўйнайди.

67. Секуляризм ва дин

Инсониятнинг тадрижий ривожланиш жараёни тарихнинг турли босқичларида ҳам, ҳозирги дунёда ҳам маънавий, диний билан амалий, дунёвий асосларнинг ўзаро нисбати, уларнинг тўқнашуви жаҳоннинг кўпгина давлатлари ва халқлари тақдирига катта таъсир кўрсатгани ва кўрсатаётганидан далолат беради. Бу ҳодисанинг энг кескин шакллари Шарқ мамлакатларида кузатилган ва ҳозир ҳам кузатилмоқда. Бу мамлакатларда маънавий изланишлар ҳамда сиёсатга дин таъсирининг кучайиши XX аср охирига хос хусусиятдир. Умуман олганда, Шарқда жамиятнинг дунёвийлашиши ўта мураккаб ва зиддиятли жараён бўлиб, турли мамлакатларда ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов диннинг

сиёсийлашиши жиддий ташвиш уйғотаётганини, «ўта кескин кўринишлар жиддий можароларни, зиддиятларни келтириб чиқариши, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкинлиги инсониятни чўчитаётгани»ни бир неча карра қайд этиб ўтди. Ҳозирда бу янада долзарб аҳамият касб этмоқда, чунки 40 дан ортиқ давлат конституцияларида диний мазҳаблардан бири имтиёзли мавқега эга эканлиги белгилаб қўйилган ва фуқароларнинг ҳолати уларнинг динга муносабатига боғлиқ бўлган. Диний можаролар ер юзидаги барқарорлик ва тинчликка таҳдид солаётган ҳозирги дунёда дин ва сиёсатнинг ўзаро алоқаси, уларнинг ижтимоий ҳаётга таъсири муаммосини тадқиқ қилиш ўта долзарб бўлиб, нафақат назарий, балки амалий, сиёсий аҳамиятга эгадир.

Дунёвий турмуш тарзига диннинг мослашиши жараёнини ифодалаш ва дин билан сиёсатнинг ўзаро нисбатини тавсифлаш учун илмий адабиётларда «секуляризация» (лотинча «secular» - «дунёвий» сўздан) атамаси кенг қўлланилади. Шундай қилиб, бугунги кунда кенг тарқалган талқинга кўра, секуляризм - барча динлар ҳамда турли қарашларни тенг ҳурмат қилиш, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигидир. Айни вақтда, «секуляризация» атамаси бир маъноли тушунча бўлмай, вақт, минтақа ва мамлакатга қараб тинимсиз ривожланиб боради.

Турли дин ва диний конфессияларни қамраб олган дунёвий давлатда динларнинг ҳуқуқий тенглиги принципига амал қилиши лозим. Лекин, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, кўпинча амалиётда бу принцип доим бузилади. Бунга асосан турли динларнинг ижтимоий мақоми тенг эмаслиги сабаб бўлади. Барча даражадаги давлат органлари ўз диний сиёсатида диний ташкилотларнинг ижтимоий мақомидаги фарқларга мутлақо эътибор бермайдилар, бунда улар давлатнинг дунёвийлиги принципига амал қиладилар ва динга фуқароларнинг шахсий иши деб қарайдилар.

Диний ташкилотлар ўртасида расмий ва айниқса, амалий тенгликни, шунингдек уларнинг қонун олдида тенглигини таъминлаш жамият ва давлат кўпгина йўналишларда мунтазам иш олиб боришини назарда тутди. Авваламбор, бу қонунчилик соҳасига тааллуқли. Табиийки, бу ерда фақат мазкур принципларнинг белгиланиши ҳақида эмас, балки уларга барча жамият аъзолари қатъий амал қилиши тўғрисида ҳам сўз юритилмоқда. Зотан, диний мазҳаблар муҳитидаги соф дунёвий ҳаракатларнинг мумкин бўлган барча оқибатларини давлатнинг амалдаги сиёсатида эътиборга олиш жуда муҳимдир. Ваҳоланки, диний масалалар миллий масалалар билан чатишиб кетадиган кўп мазҳабли жамиятда давлат билан черков ўртасидаги муносабатларни уларни ажратиш асосида қурувчи сиёсат бирдан-бир

окилона сиёсатга айланади. Зотан, давлат ўз фуқароларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини, улар қайси динга ёки мазҳабга мансублигидан қатъи назар, ҳимоя қилишга бурчлидир. Дунёвий давлатда турли диний мазҳабларга мансуб фуқаролар эътиқод қилишда тенг имкониятларга эга бўлишлари, бу уларнинг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларига зинҳор дахл этмаслиги ва уларга бирон-бир имтиёзлар бермаслиги керак.

Турфа хил маданиятли мамлакатда халқ умумий маданиятининг ўсиши ҳам диний тенгликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бунда фақат ҳуқуқий маданиятни ошириш билан чекланмаслик лозим. Ҳамма нарсая жамиятда бағрикенглик аънааларининг шаклланишига, болаликдан тарбияланадиган маданиятга, таълим ва тарбиянинг хусусиятига боғлиқ.

Диний эътиқод эркинлиги ўз фуқароларига танлаш ҳуқуқини берувчи демократик давлатнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддаси замирида мана шу принцип ётади. У ҳамма учун виждон эркинлигини кафолатлайди ва, айна вақтда, «диний қарашларни мажбуран сингдириш»ни тақиқлайди.

Тошкентдаги йирик жоме масжидларидан бирининг имом-хатиби Омонулло қори Исмоилов таъбири билан айтганда, одамлар бир-бирига тилайдиган энг муҳим тилак тинчликдир. Тинчлик туфайли мамлакатимиз равнақ топмоқда, осмонўпар бинолар, йўллар, кўприклар бунёд этилмоқда. Мустақилликдан олдинги даврда биз бундай гўзал ҳаёт ҳақида ҳатто орзу ҳам қила олмас эдик. Мустақиллик шарофати билан маърифатга ва халқ аънааларига катта эътибор берилмоқда. Ҳаж сафари барча мусулмонларнинг муқаддас удумларидан биридир. Шўро даврида ҳаж ва умра ҳақида одамлар фақат орзу қилишлари мумкин эди. Ҳозирда ҳар йили тўрт мингдан ортиқ ватандошимиз ҳаж, уч мингдан ортиқ ватандошларимиз эса умра сафарига чиқиш имкониятига эга.

68. Сиёсий маданият

Сиёсий маданият - бу маданият тури бўлиб, одатда жамиятни турли ижтимоий гуруҳлар, миллатлар ва эллатларнинг сиёсий онгини, мавжуд бўлган сиёсий тажрибасини белгилаб беради.

«Сиёсий маданият» атамаси илк бор немис маърифатпарвар файласуфи И.Гердер томонидан XVIII асрда ишлатилган. Тушунча

сифатида «Сиёсий маданият» XX асрнинг 50-60 йилларида Габриэль Алмонд ва Сидней Верба томонидан жорий этилди. Сиёсий маданиятни белгиловчи назариясини Х.Файер, А.Липсет, М.Дюверже, М.Крозье, Б.Бабосов, М.Киргизбаев ва бошқалар томонидан ривожлантирилди.

Сиёсий маданиятни турли талқини мавжуд бўлиб, улардан:

- ижтимоий гуруҳлар ва шахс фикрлари, ғоялари, эътиқодлари йиғиндиси;
- шахснинг сиёсий билимдонлиги, сиёсий онгини, ижтимоий-сиёсий фаолиятини бирлаштирувчи маданият;
- жамият маънавий маданиятининг сиёсий институтлари ва сиёсий жараёнлари билан боғлиқ элементларини ўз ичига олувчи маданият;
- сиёсатнинг субъектив томонини мураккаб хусусиятларини кўрсатадиган тушунча.

Сиёсий маданиятни ушбу ва бошқа талқинларни жамлаб, қуйидаги таърифни бериш мумкин:

Сиёсий маданият – бу жамиятнинг, турли миллат ва ижтимоий гуруҳларнинг одатлар ва қонунларда муҳрланган сиёсий тажрибасини, сиёсий ҳокимият, сиёсий муносабатлар тўғрисидаги тасаввурларини, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ҳодисаларини тўғри баҳолай олишлари, бундан келиб чиқиб конкрет ҳатти-ҳаракатларни ифодаловчи маданият туридир.

Сиёсий маданият нуқтаи назардан бугунги кунда давлатни келиб чиқиши, глобализация ривожланиши қонуниятлари, сиёсий тасаввурлар вужудга келиши, экология маданиятини муҳимлиги, янги сиёсий тартибда инсон қадриятларига алоҳида ўрин бериш муҳимлиги, сиёсий лидерлик хусусиятларини, элитизм назарияларини билиш, улардан келиб чиқиб баҳо бериш кераклиги, фуқаролик жамиятни шаклланиш жараёнларини ўрганиш билан бир қаторда ҳуқуқий давлат олдида турган қатор масалалар ўрганилади.

Сиёсий маданиятни таърифлар эканмиз, биз уни асосий таркибий қисмини ажратиб олишимиз лозим. Бу:

1). сиёсий билимлар, сиёсий билимдонлик. Сиёсий тафаккурни ўз ичига олувчи билим жараёни;

2) сиёсий ҳис-туйғу, анъаналар, қадриятлар, эътиқодлар, қоидаларни ўз ичига олувчи ахлоқий баҳоловчи;

3) сиёсий ҳатти-ҳаракат шаклини ўз ичига олувчи хулқ-атвор.

Сиёсий маданиятнинг бор ёки йўқлиги фуқароларнинг ўз давлатлари миллий манфаатларини, мавжуд сиёсий партиялар ёки бошқа сиёсий кучлар дастурини, мамлакатда содир бўлаётган ҳодисалар ва мавжуд воқеаларни англай билиши ҳамда тушунишидадир.

Сиёсий маданият ўз-ўзидан вужудга келмайди. Бу, авваламбор, миллий ғурурни, маълум даражада сиёсий онг, билим ва тажрибани талаб қилади. Масалан, давлатнинг рамзлари: герб, миллий байроғини, миллий гимнини, тимсолларини ҳурмат қилиб эъозлаш учун уни келиб чиқишини, маъносини давлат учун нақадар азизлигини чуқур билиб, уни ардоқлаш - сиёсий маданиятнинг юқори даражалигини билдиради.

69. Сиёсийлашган “ислом”

Қадим замонлардан диний эътиқод инсоннинг доимий йўлдоши бўлиб келган. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолишига шубҳа йўқ. Бунинг сабаби эса дин инсон ички дунёсини шакллантиришнинг энг таъсирчан воситаларидан бири эканлигидадир.

Лекин, таассуфлар бўлсинки, фақат инсонга хос бўлган ана шу муқаддас ва бетакрор туйғуни поймол қилишга интилувчилар, уни суиистеъмол қилувчилар ҳамиша мавжуд бўлиб келган. XX асрнинг интиҳосида ана шундай ғаддор кучлар бениҳоя фаоллашди. Бундан барча илоҳий динлар, хусусан, ислом азият чекмоқда.

Ҳозирги кунда муайян мамлакатлар ҳудудлари ва айрим минтақаларда содир этилаётган зўравонлик ҳаракатлари, ғайриинсоний бадкирдорликлар ислом номи билан ниқобланаётгани барчамизни ташвишга солиши керак. Айтиш жоизки, қарийб ўн тўрт асрдан бери юксак одоб-ахлоқ, эзгу маънавий фазилатларнинг безавол манбаи бўлиб келаётган ислом дини ва диний шиорлар билан ниқобланган ёвуз ниятли кучлар ўртасидаги кураш кескинлашмоқда. Бу - тасодикий ҳол эмас. Бугунги дунёда бузғунчилик муҳитини шакллантиришга онгли равишда интилаётган махсус марказлар мавжуд бўлиб, уларнинг қора ишлари ислом дунёсига ҳам, халқаро ҳамжамиятга ҳам бирдек таҳдид солмоқда.

Ёвуз кучлар ўзининг туб моҳияти билан инсонпарвар ва маърифатпарвар дин бўлган исломнинг зиёлилигидан, юмшоқлигидан ва мўътадиллигидан фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Афсуски, диний арбоблар фаолияти, кўпинча, турли-туман маросимларни шаклан бошқариш билан чекланиб қолмоқда. Илм аҳли эса, кечаётган жараёнларнинг асл мазмун-моҳиятини ҳар доим ҳам тўғри илғаб ололмай, баъзан, уларнинг юзаки талқинига берилиб кетмоқда. Бошқача айтганда, инсонпарвар, маърифатпарвар ва бунёдкор ислом яккаланиб қолмоқда. Ачинарлиси шундаки, бу воқелик, муайян мамлакатлар миқёсида ҳам, халқаро кўламда ҳам тобора яққолроқ намоён бўлиб бормоқда. Мангуликка юз тутган минг йилликдан янги асрга мерос бўлиб ўтган ачиқ воқеликлардан бири экстремизм балоси

бўлди. Жангари «ислом» эса унинг манбаларидан бири эканлиги бугун барчага яхши маълум. Унинг примитивлиги, агрессив табиатга эгалиги, мутаассибларнинг кичик бир гуруҳи иддаоси билан бутун жаҳонга қарши жиҳод эълон қилишгача бориб етаётгани соғлом фикрли барча кучлар томонидан эътироф этилмоқда.

Маълумки, анъанавий исломда диний ҳаётни бошқариб туришнинг тизими аниқ-тиниқ кўринишга эга эмас. Шу туфайли ҳам мусулмон жамиятларида муайян диний ғоялар ҳамон алоҳида шахслар томонидан шакллантирилмоқда. Бундай хавфнинг тўлиқ идрок этилмаётгани, диний ҳаёт - бу бошқариб бўлмайдиган жараён деган хато ақида бирламчи бўлиб қолаётгани учун ҳам диний онгнинг радикаллашуви, бундан ҳам ёмони - унинг сиёсийлашувига замин яратилмоқда. Демак, мусулмон жамиятларидаги диний ҳаётни ташкил этиш механизмларини чуқурроқ ўрганиш - бугуннинг долзарб илмий вазифаларидан биридир.

Дунёвий маърифатли олимлар билан соғлом фикрли диний арбобларнинг ушбу масаладаги стратегик ҳамкорлиги мазкур ишнинг муваффақиятини таъминлайдиган ҳал қилувчи омиллардан эканлигига шубҳа йўқ. Чунки мутаассиб кучлар ўз мақсадларини Қуръони Карим ва ҳадиси шариф ҳикматлари билан ниқоблашга уринмоқдалар. Шунинг учун ҳам ислом динининг ушбу икки бегубор сарчашмасини чуқур билиш, уларнинг жангарилик ва бузғунчиликка қарши мустаҳкам қалқон эканлигини мунтазам тушунтириб боришнинг аҳамияти беқиёсдир.

Бугун маърифатпарвар ва бунёдкор исломнинг ўзи ҳимояга муҳтожлиги кундек равшан. Унинг эзгулик ҳамда яратувчанлик дини эканлигига шубҳа туғилишига сабаб бўлаётганларнинг асл мақсадларини кўрсатиб бериш нафақат мусулмон жамиятларининг барқарорлиги, балки динлараро ва цивилизациялараро муносабатлар уйғунлигининг бош кафолатига айланмоқда. Бунини теран идрок этиш ва илмий асосланган амалий қадамлар қўйиш эртанги кунимизнинг осойишталиги ва фаровонлиги ҳақида қайғуриш демакдир.

70. “Совуқ уруш”

Совуқ уруш атамаси илк бор таниқли америкалик журналист Уолтер Липман томонидан иккинчи жаҳон урушидан сўнг муомалага киритилган бўлиб, у XX-асрнинг 2-ярмидаги дунёнинг сиёсий манзарасини акс эттиради. Маълумки, иккинчи жаҳон урушидан сўнг то 1990 йилга қадар дунёда икки бир бирига қарама қарши блоклар, яъни бир томондан АҚШ бошчилигидаги капиталистик дунё ва иккинчи томондан, СССР бошчилигидаги социалистик дунё

мамлакатлари ўртасида дунёга ҳукмрон бўлиш ва ўз таъсир доирасини кенгайтириш мақсадида ашаддий кураш олиб борилган бўлиб, ушбу кураш «совуқ уруш» номи билан юритилади.

“Совуқ уруш” айнан қайси йили бошлангани тўғрисида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Айрим мутахассислар уни 1946 июн ойида Буюк Британия Бош вазири Уинстон Черчилнинг АҚШнинг Фултон шаҳридаги нутқидан сўнг бошланган, деб ҳисоблайдилар.

“Совуқ уруш” икки система ўртасида ўзаро қаттиқ антагонизм, ишончсизлик ва очиқдан очиқ душманлик даври ҳисобланади. Бу даврда қуролланиш пойгаси мисли кўрилмаган даражада авжига чиқди. Икки система қуролланиш ва стратегик устунлик борасида бир биридан ўзиб кетишга ҳаракат қилиши натижасида ҳарбий харажатлар дунё бўйича ниҳоятда ошди. 1960 йилдан то 1990 йилга қадар ҳарбий мақсадлар учун сарфланган харажатлар миқдори 21 триллион АҚШ долларини ташкил этди.

“Совуқ уруш”нинг келиб чиқиши тўғрисида олимлар 2 хил фикр билдирадилар. Бир тоифа олимлар “Совуқ уруш” нинг келиб чиқишига СССРнинг экспансионистик, яъни “коммунизмни Европа бўйлаб ёйиш” сиёсати сабаб бўлган, деб ҳисоблайдилар. Иккинчи тоифа олимлар эса бунга АҚШнинг империалистик сиёсати сабаб бўлган, дея фикр билдиришади.

Агар Совет Иттифоқининг иккинчи жаҳон урушидан жуда заиф ҳолда чиққанлигини ҳисобга олсак, иккинчи фикрнинг ҳақиқатга яқинроқ деб айта оламиз. Чунки, Совет Иттифоқи урушдан катта талафотлар билан чиқди: жумладан, 27 млн киши урушда ҳалок бўлди. 35000 км темир йўллар, 56000 км автомобил йўллари, 84000 мактаб ва техникумлар, 43000 кутубхона вайрон этилган эди. Бинобарин, бундай аҳволда у «коммунизмни кенг ёйиш» билан шуғуллана олмас эди.

Нима бўлганда ҳам салкам ярим аср давом этган ушбу уруш 1990 йилда Германиянинг бирлашувидан сўнг ўз ниҳоясига етди. Мутахассислар бу даврнинг жуда кўп салбий жиҳатлари билан бирга айрим ижобий томонлари ҳам бўлганлигини қайд этадилар. Жумладан, Ангола, Вьетнам, Мозамбик, Никарагуа, Афғонистон, Камбоджа каби мамлакатлар икки система ўртасидаги қарама қаршиликнинг “қурбонлари» га айланиб қолишган ва ҳалига қадар ўзларига келолмаётган бўлсалар, ГФР, Корея Республикаси, Япония, Тайвань (ХХР), Туркия каби мамлакатлар ушбу қарама қаршиликдан ўз миллий манфаатлари йўлида унумли фойдаланишга эришдилар.

Бироқ, умуман олганда, “совуқ уруш” дан инсоният жуда кўп азият чекди. Унинг асоратлари ҳали узоқ йилларга қадар сақланиб қолади. Масалан, Корея ярим оролидаги ягона корейс халқининг ҳануз-

гача иккита бир бирига душман давлатларга бўлинганлиги совуқ урушнинг оғир асоратидир.

Бу даврдан бизга жуда оғир мерос қолди. Биринчидан, “совуқ уруш” даврида тўпланган қурооллар шунчалик кўпки, улар инсониятни бир неча бор қириб ташлашга етади. Иккинчидан, “совуқ уруш” синдроми ҳанузгача бартараф этилмаган. “Совуқ уруш” даврида ҳарбий саноат комплексининг юқори даражасига эришган мамлакатлар ҳозирги кунда ҳам кўплаб миқдорда қулол аслаҳа чиқармоқдалар. Айниқса, АҚШ, атоқли давлат арбоби Жимми Картер таъбири билан айтганда, «жаҳон қулол яроқ савдогарига» айланди. Биргина мисол, 1991 йилдан 1995 йилга қадар қулол яроғ савдоси билан шуғулланувчи 10 та энг йирик мамлакатлар томонидан сотилган қурооллар 120 млрд АҚШ доллари бўлиб, шунинг деярли 50%и АҚШ ҳиссасига тўғри келади. Учинчидан, “совуқ уруш” ўзидан бетартиб, ташвишли, таҳдидли ва нотинч дунёни мерос қолдирди. Ҳарбий сарф харажатлар йилдан йилга ошиб бормоқда ва ўрта ҳисобда йилига 800 млрд долларни ташкил этмоқда. Ваҳоланки, “совуқ уруш” энг авжига чиққан 1960 йилларда ушбу харажатлар 400 млрд. доллар атрофида бўлган. Ва ниҳоят, тўртинчидан, “Совуқ уруш” даврида қуроолланишга беҳад зўр берилиши, табиий ресурсларнинг талон тарож қилиниши натижасида она табиатга тиклаб бўлмас зарар етказилди. Оқибатда моддий нарсалар ниҳоятда қимматлашди; умумбашарий муаммолар вужудга келди.

71. Стереотип ва ҳурофотлар

Стереотип – грекча «stereo» – «мустаҳкам» ва «typos» – «белги» маъноларини билдиради. Яъни, ижтимоий объект, гуруҳ, шахслар, воқеалар ва ҳодисалар бўйича мустаҳкам ўрнатилган фикр. Ушбу фикр жамиятда шахсий тажриба орқали қўлга киритилади ва ўзига ҳос аҳамиятга эга. Бундай ўзига ҳосликлардан бири «Ореол эффекти» деб номланади.

«Ореол эффекти» орқали бошқа киши ҳақидаги умумий таассурот унинг шахсий сифатларини идрок этиш ва баҳолашга таъсир кўрсатилиши орқали намоён бўлади. Агар киши ҳақида яхши таассурот шаклланган бўлса, унинг салбий ҳатти-ҳаракати тасодифий ҳодиса сифатида талқин қилинади. Лекин биринчи таассурот ёмон (негатив) бўлса, бу кишининг ижобий ҳатти-ҳаракатига тасодифий ҳодиса деб қаралади.

«Кетма-кетлик эффекти» шуни англатадики, бошқалар ҳақида мулоҳазаларга улар ҳақида олинган биринчи маълумотлар катта таъ-

сир кўрсатади. Шуниси қизиқки, биринчи навбатда олинган салбий маълумот ижобий маълумотга нисбатан каттароқ таъсир кўрсатади.

«Проекциялаш эффекти» бошқалардан бизнинг шахсий моделларимизга тўғри келадиган хатти-ҳаракатларни кутишни англатади. Масалан, «мен (унинг ўрнида бўлсам) бундай қилмаган бўлардим».

Хурофотлар – бирор киши ёки гуруҳга нисбатан асоссиз салбий умумлашмалардир. Гуруҳга нисбатан асоссиз салбий хатти-ҳаракат дискриминация маъносини билдиради. Ушбу тушунчалар (хурофот, дискриминация, стереотип) ижтимоий ҳодисалар ва уларга бўлган психологик тавсифномасини белгилайди. Хурофот ва дискриминациянинг турли кўринишлари расизм ва сексизм тушунчаларида ифодаланади.

Умумлаштирилган фикрлар қуйидаги мисолларда ўз аксини топади. Масалан - британияликлар - сирли; америкаликлар – индивидуал мақсад сари интилувчан; японлар - меҳнатсевар; қора танлилар - дангаса; яҳудийлар - айёр; профессорлар - мўъжизакор; фотомоделлар - гўзал ва ҳ.к. Кўриниб турибдики, ушбу стереотиплар ўзида ҳақиқатни намоён этмаган.

Бизни ижтимоий жихатдан таърифловчи кўрсаткичлар – ирқимиз, динимиз, жинсимиз, мутахассислигимиз – айнан бир вақтда бизнинг у ёки бу ижтимоий гуруҳга мансублигимизни кўрсатади. Ижтимоий гуруҳларнинг пайдо бўлиши жамиятда хурофотларнинг шаклланиши учун яна бир бор омил бўлиб хизмат қилиши мумкин. «Биз»нинг «улар»дан фарқимиз гуруҳ ичида жипслашишга ёрдам беради.

72. Таълим-тарбия ва бағрикенглик

Ёш авлод, энг аввало, оилада, ўз ота-онаси бағрида тўлақонли тарбия олиши керак. Болага яхши тарбия бериш учун унинг ота-онаси ҳам яхши тарбия кўрган бўлиши зарур. Нотинч оилада вояга етган ёки ота-онаси ажрашиб кетган ўсмирларнинг дунёқараши тор, руҳий хаста, жоҳил, қўпол, тошбағир бўлиб ўсиши мумкин. Оиладаги муҳит бола руҳиятида ўз таъсирини албатта намоён қилади.

Оилада фарзанд тарбияси, кексаларга ёрдам, меҳнатга лаёқатини йўқотганларга ғамхўрлик қилиш, оилавий анъаналарни, миллий қадриятларни сақлаш ва маънавий муносабатларни юксалтириб бориш каби муҳим аҳамиятга эга ижтимоий-руҳий муносабатлар мужассамлашгандир.

Тарбия нотолерантликнинг олдини оладиган энг самарали воеиталардан бири ҳисобланади. Бағрикенглик руҳида тарбиялаш одамларнинг умумий ҳуқуқ ва эркинликлари нималардан иборат эканлигини ўқитишдан бошланади ва бу билан уларда ана шу ҳуқуқларининг амалга ошишини таъминлаш ва бошқаларнинг ҳам шундай ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бўлган истак мустаҳкамлаб борилади.

Бағрикенглик руҳида тарбиялаш масаласига кечиктириб бўлмайдиган зарур вазифа сифатида қаралмоғи лозим; бунинг учун толерантликка ўқитишнинг мунтазам ва фойдали асосдаги услубини ишлаб чиқишга кўмаклашиш, бунда нотолерантликнинг маданий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва диний манбаларини очиш йўли билан, улар зўравонлик ва бегоналаштиришнинг асосий сабаблари бўлиб чиқаётганини кўрсатиб бериш муҳимдир. Таълим соҳасидаги сиёсат ва дастурлар алоҳида одамлар, этник, ижтимоий, маданий, диний ва тил жиҳатидан алоҳида гуруҳлар, шунингдек, миллатлар ўртасида ўзаро тушунишни яхшилашга, ўзаро ҳамжиҳатлик ва толерантликни мустаҳкамлашга ёрдам бериши лозим.

Бағрикенглик руҳида тарбиялаш бошқаларга нисбатан қўқув ва ётсираш ҳиссини уйғотадиган таъсирларга қарши йўналтирилмоғи лозим. У ёшларни мустақил фикрлаш, танқидий мулоҳаза юритишга ўргатиши, уларда ахлоқий қадриятларга асосланган қарашларни шакллантиришга кўмаклашиши лозим.

Ёш авлод тарбиясига давлатимиз ҳам жиддий эътибор билан қарамоқда. Мамлакатимизда ёш авлод тарбияси билан бевосита шуғулланувчи бутун бир тизим ишламоқда. Мактабгача бўлган тарбия масканларидан олий таълим тизимига қадар бўлган таълим ва тарбия тармоқлари ҳамда муассасалар ёшларни миллий истиқлол гоёси асосида тарбияламоқда.

2004 йил 19 февралда Президентнинг «2004-2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида» чиқарган Фармойиши ўрта мактаб тизимини тубдан яхшилашга қаратилган бўлиб, мазкур давр мобайнида амалга оширилиши зарур бўлган ишлар режалаштирилган ва давлат дастури мақомига эга бўлмоқда.

73. Терроризм ва унинг кўринишлари

Террор (лот. terror - кўрқитиш, даҳшат солиш маъносини англади) - зўравонлик ва куч ишлатиш йўли билан ўз сиёсий мақсадларига эришишни кўзда тутди. Терроризм одамларнинг ҳаётига чанг

солиш, суиқасд қилиш, уларни қўрқитиш, даҳшат солиш, тазйик ўтказиш демакдир.

Терроризм аслида кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолган ижтимоий офат эмас. У инсоният тарихида азалдан бор бўлган, бугунги кунда ҳам содир бўлаётган, жаҳолатга, бузгунчи ғояларга асосланган сиёсий фаолият усули, воситаси сифатида намоён бўлмоқда. Инсониятнинг қайси бир тарихий ривожланиш босқичини олиб қарамайлик, барчасида жамият ҳаёти у ёки бу тарзда содир бўлган бир гуруҳ кишиларнинг бошқа бир гуруҳга нисбатан олиб борган зўравонлигини кўришимиз мумкин. Табиатда «террор», яъни зўравонлик қонуний тарзида амал қилади. Нисбатан кучсиз, заиф бўлган жонзотлар, уларга нисбатан кучли бўлган йиртқичлар учун емиш бўлиб хизмат қилади.

Инсоният жамияти табиатдан ажралиб чиққандан буён сон-саноксиз террорларни бошидан кечирган.

Терроризмнинг асл моҳиятини сиёсат фалсафаси сиёсатшунослик нуқтаи назаридан олиб қараш, уни чуқур илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш, жамият ҳаётида юзага келиш хусусиятларини тадқиқ этиш ва уни бартараф этиш усуллари, воситаларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Зеро, терроризм бугунда инсоният равнақига энг катта ҳавф солаётган таҳдид бўлиб қолмоқда. Халқаро миқёсда фаолият кўрсатаётган терроризмга қарши дунё прогрессив кучлари бирлашиб кураш олиб бормаса, бу офат Ер юзида инсоният бошига кўз кўриб, қулоқ эшитмаган кулфатларни келтириши мумкин. Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, бундай ижтимоий-сиёсий балодан ҳеч бир давлат, жумладан, Ўзбекистон ҳам четда эмас.

Ҳаётда энг кўп учрайдиган, аммо энг кам эътибор бериладиган террор тури - бу оилада содир қилинади. Халқаро статистик маълумотларга кўра йилига 10 миллиондан ортиқ оилаларда зўравонлик у ёки бу кўринишда содир қилинади.

Ҳозирда терроризм миллий айирмачилик, этник, диний экстремистик, сиёсий, иқтисодий терроризм, ахборот терроризми каби шаклларда намоён бўлмоқда.

Миллий айирмачилик, этник характердаги терроризм нисбатан оз сонли этник гуруҳларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳукмрон миллатга қарши кураш усули, воситаси сифатида қўлланилмоқда. Терроризмнинг бундай кўриниши дунёнинг жуда кўп минтақаларида, мамлакатларида авж олган, азалий давом этиб келаётган ижтимоий-сиёсий офатдир. Қадимдан бир ҳудудда яшаб келаётган турли этник гуруҳларнинг ўзаро муроса қилиб яшаб олмаётганлиги ва геосиёсий, диний эътиқод жиҳатдан фарқи каби омиллар оқибатида юзага келаётган бундай террористик хуружлардан тинч аҳоли жабр кўрмоқда ва қурбон бўлмоқда.

Этник характердаги терроризм диний экстремистик мазмундаги бузгунчи ғоялар билан қоришиб кетган. Яқин Шарқ Исроил ва Фаластин давлатлари ўртасидаги, Ҳиндистонда, Покистонда, Туркияда, Россияда, Буюк Британияда, Болқонда, Африка ва Лотин Америкасининг бир қатор мамлакатларида содир қилинаётган террористик ҳуружлар шулар жумласидандир.

Халқаро терроризмнинг яна бир кўриниши диний экстремистик мазмундаги бузгунчи ғоялар асосида содир бўлмоқда. Айниқса, ислом дини байроғи остида уюшган ваҳобийлик, «ҳизбут-таҳрир», «ҳизбуллоҳ», «Мусулмон биродарлари», «Ислом озодлик партияси», «Ат-такфир вал-ҳижра», «Жунуд Аллоҳ», «Жиход», «Туркистон ислом ҳаракати» каби диний-экстремистик руҳдаги оқим ва террористик ташкилотлар дунёнинг кўплаб мамлакатларида қўпоровчилик ҳуружларини амалга оширмоқдалар.

Таъсир кўрсатиш кўлами жиҳатидан терроризм ҳудудий, минтақавий ва халқаро терроризм кўринишларига эга. Айрим мамлакат ёки ҳудудда содир қилинадиган терроризм ҳудудий, бир неча мамлакатларни ўз ичига олган, Ер юзининг алоҳида минтақасида содир қилинадиган террористик фаолият минтақавий кўринишда бўлади. Ер юзининг кўплаб мамлакатларида, қитъалараро фаолият кўрсатувчи террористик ташкилотлар халқаро терроризмни ташкил қилади.

Ҳозирда халқаро терроризм турли халқаро террорчилик марказлари маблағи эвазига мавжуд конституцион тузумга қарши қўпоровчилик, сиёсий арбоблар ҳаётига суиқасд ҳаракатларини олиб боровчи ташкилотларда уюшган ҳолда фаолият кўрсатмоқда.

Халқаро статистик маълумотларга кўра, ҳозирда дунё миқёсида 500 дан ортиқ террористик ташкилотлар мавжуд. Улар дунёнинг деярли барча мамлакатларида ўзларининг манфур қиёфасини намоиш қилмоқда. Дунёнинг ҳеч бир мамлакати терроризм офатидан ўзларини тўла муҳофазаланган, деб ҳисоблай олмайди.

Ҳар қандай террористик фаолиятнинг моҳияти ўзгалар устидан ҳукмронликка ёки мавжуд сиёсий-мафкуравий, ижтимоий-иқтисодий тартиботга қарши зўравонлик, даҳшат солиш, жисмоний куч ишлатиш орқали ўзларининг ғаразли мақсадларига эришишдан иборат.

Шунинг учун ҳам терроризм бутун жаҳон афкор оммаси, прогрессив кучлар томонидан қораланмоқда. Халқаро терроризмнинг ҳар қандай кўринишининг қораланишига сабаб мутлақо бегуноҳ кишилар, айниқса, норасида гўдақлар, аёллар, оналар ва кексалар унинг қурбонига айланаётганлигидир.

Етук маънавиятли, маърифатли шахс жаҳолатдан йироқ бўлади. Терроризмнинг ҳар қандай кўриниши эса айнан маърифатсиз-

ликка асосланган жаҳолатнинг ачиққон меваси сифатида юзага келади. Терроризм жаҳолатнинг бир кўриниши экан, жамият ҳаётида унга ёндош бўлган ҳақсизлик, адолатсизлик, инсон қадр - қимматининг топталиши, ҳуқуқларининг поймол қилиниши, ижтимоий зўравонлик каби жаҳолат турлари у билан эгизакдир. Бири иккинчисини юзага келтиради ва бири иккинчисидан озиқланади. Демак, терроризмнинг олдини олишда таълим ва тарбия жараёни катта аҳамиятга эга.

Терроризмнинг амал қилиш тамойили аҳоли ўртасида вақт-вақти билан «қўрқинч инстинктини» юзага келтириш ва шу асосда ўзининг ғаразли мақсадларига эришишдир. Халқаро терроризмнинг ҳар қандай кўриниши шу тамойилга асосланади.

74. Тинчлик

Тинчлик сўзининг маънолари хилма-хил бўлиб, у, энг аввало, уруш ва террорнинг йўқлиги, осойишталик, ҳамжиҳатлик ва хотиржамликни билдиради. Тинчлик жамиятнинг барча аъзолари ўртасида, уларнинг миллати, дини, жинси, ирқи ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ўзаро аҳиллик ва тотувлик мавжудлигини англатади.

Тинчликка эришиш барча халқларнинг азалий орзуси бўлиб келган. Жуда кўп халқлар тинчликка катта машаққатлар эвазига эришганлар. Пайғамбарларнинг барчаси ўз қавмларини илоҳий кўрсатмалар орқали тинчликка, беҳуда қон тўкишдан сақланишга даъват этганлар; улуғ аллома ва мутафаккирларнинг кўпчилиги тинчлик йўлида ҳормай-толмай кураш олиб борганлар.

Мутафаккирлардан бири, улуғ рус ёзувчиси Л.Н.Толстой умрининг охирига қадар тинчликнинг ашаддий мухлиси ва тарафдори бўлган. У урушни, турли зўравонликлар ва инқилобларни кескин қоралаган. Жумладан, ўзининг «Уруш ва тинчлик» асарида урушнинг даҳшатли манзараларини қора бўёқларда тасвирлар экан, инсон зотининг шунчалик жоҳил, разил ва манфур эканлигидан нафратланишини билдирган эди.

Тинчликни таснифлаш бирмунча мураккаб бўлиб, бу қайси мезонлар асос қилиб олинаётганлигига боғлиқ. Масалан, тинчлик ўз мазмунига кўра 2 га бўлинади:

1. *Негатив тинчлик, яъни томонлар ўртасида урушнинг йўқлиги, бироқ ҳамкорликнинг ҳам йўқлиги.*

2. *Позитив тинчлик, яъни томонлар ўртасида урушнинг йўқлиги ва узвий ҳамкорликнинг мавжудлиги.*

Ўз кўламига кўра тинчлик қуйидаги турларга бўлинади:

1. Индивидлар ўртасида тинчлик.
2. Гуруҳлар ўртасида тинчлик.
3. Жамоалар ўртасида тинчлик.
4. Давлатлар ўртасида тинчлик.

Тинчлик чиқишига кўра:

1. Азалий (табиий мавжуд бўлган) тинчлик.
2. Ўрнатилган тинчлик (сулҳ шартномалари натижасида) каби турларга бўлинади.

Тинчликни ўрнатиш ва мустаҳкамлашда тинчлик таълими катта рол ўйнайди. Илк бор тинчлик таълими Чехияда XVII-асрда вужудга келган бўлиб, махсус предметлар орқали тинчликка эришиш йўллари ўқитилган. ҳозирги кунда дунёда 600 дан ортиқ тинчликни ўргатувчи махсус таълим муассасалари мавжуд. Бундан ташқари, аксарият мамлакатларнинг таълим тизимида тинчлик дастурлари ва курслари жорий этилган.

Ўзбекистонда ҳам тинчлик ва бағрикенглик таълимига катта эътибор берилмоқда. Хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида умумбашарий ва миллий қадриятлар асосида маънавий жиҳатда баркамол инсонни вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилган. Айнан тинчлик ва бағрикенглик таълимнинг тўғри йўлга қўйилганлиги туфайли 100 дан ортиқ миллат вакиллари, 16 та диний конфессия вакиллари республикамізда тинч-тотув яшаб келмоқдалар.

75. Тинчликсевар жамоалар

Аъзолари ўртасида, тажовуз, зўравонлик, жаҳолатнинг энг кам даражасига эга бўлган, ўзаро муносабатларини ҳурмат ва бағрикенглик асосида қурган жамоалар тинчликсевар жамоалар деб юритилади.

Мабодо жамоа аъзолари ўртасида бирор бир тажовуз ёки мурасасизлик ҳолати юзага келса, тинчликсевар жамоаларда ана шу ҳолат чуқурлашмай туриб, ҳал қилиш механизмларига эга бўладилар. Масалан, Малайзиядаги Семай уруғи ана шундай жамоалардан бири ҳисобланади. Уларда ўзаро жаҳл, адоват, зулм ёки зўравонлик камдан-кам учрайдиган ҳолат ҳисобланади. Мабодо онда-сонда учраб қолган тақдирда ҳам семайлар ўзларининг «бечараа» деб аталувчи махсус кенгашлари орқали юзага келган ҳолатни дарҳол бартараф этадилар. Семай жамоаси инсоний бағрикенглик ва осойишталикнинг ёрқин намунаси ҳисобланади.

Тинчликсевар жамоаларни тадқиқ қилган олимлар бошқа халқлар ҳам ана шундай жамоаларни яратиши мумкинлигини таъкидлайдилар.

Масалан, Таити жамоасини тадқиқ қилган олим Робер Леви шундай деб ёзиб қолдирган эди: “Икки йиллик кузатишларим шуни кўрсатдики, ушбу жамоа (яъни Таити жамоаси - Қ.Ж.) ғарб жамоаларидан фарқли ўлароқ, бир-бирларига ҳеч қачон бақирмайдилар, зулм ва адоватга бормайдилар, деструктив ҳатти-ҳаракатлар қилмайдилар. Мен бундайин жамоани бошқа ҳеч қаерда учратмаганман, бироқ ана шу каби жамоани бошқа жойларда ҳам яратиш мумкин, деб ўйлайман”.

Тинчликсевар жамоалар деб тан олинган халқларнинг сони, афсуски, унчалик кўп эмас. Уларга мисол қилиб, Шимолий Америкадаги Амиш жамоаси, Филиппин оролларидаги Буйд қабиласи, Малазиядаги Чавонг ва Семай жамоалари, Канададаги Хутерити жамоаси, амазониядаги Пиара жамоаси, Тинч океанидаги Таити, Мексикадаги Запотек жамоаларини санаб ўтиш мумкин.

Тинчликсевар жамоаларни ўрганиш орқали шундай хулосага келиш мумкинки, урушлар ва зўравонлик қочиб бўлмас ҳодисалар эмас. Кишилар ўзаро тинч-тотув яшашга қодирдирлар. Зўравонлик ғояси инсон онгида вужудга келади. Бинобарин, инсон онгидан уни чиқариб ташлаб, ўрнига тинчлик ва бағрикенглик ғояларини сингдириш мумкин.

76. Тинчлик маданияти

БМТ оиласида тинчликни мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватловчи ихтисослашган ташкилотлардан бири таълим, фан ва маданият буйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (ЮНЕСКО) бўлиб, унинг Низоми 1945 йилда қабул қилинган. Маълумки, ана шу пайтдан бери жаҳон урушлари юз бергани йўқ, бироқ дунё миллионлаб кишиларнинг ёстиғини қуритган кўплаб кичик ҳажмдаги «маҳаллий урушларнинг саҳнасига» айланди. Вайронагарчиликка олиб келувчи урушларнинг табиати ўзгариб, улар давлатнинг ички урушлари кўринишига кира бошладилар. Ушбу урушлар, асосан, ўзгача қарашларни ҳурмат қилмаслик, шунингдек, инсон ҳуқуқларининг кўпол бузилиши оқибатида юз беради. Ушбу урушлар аксарият ҳолларда давлатлар ўртасида эмас, балки алоҳида олинган давлатларнинг ичида содир бўлиб, уларда ҳарбийлардан кўра, оддий фуқаролар кўпроқ азият чекмоқдалар. Чунончи, маҳаллий урушларда ҳалок бўлганларнинг 90%ини оддий фуқаролар ташкил қилди. Бундай урушлар жамият аъзолари, хусусан, заиф қатламлар (аёллар, болалар, қариялар)га ниҳоятда юқори даражада салбий жисмоний ва руҳий таъсир кўрсатди. Ушбу урушлар натижасида кўрилган моддий зарар бир неча миллиард долларни ташкил этади ва атроф-муҳитга эса тиклаб бўлмас даражадаги зарар етказилмоқда.

XXI аср ижтимоий тараққиётининг юқори даражасига эришиш билан бир вақтда инсониятни чуқур таҳликага солган мураккаб муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Умумбашарий муаммолар ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланиб қолмоқда. Улар ўзининг даҳшатли оқибатлари, жамиятга келтирадиган зарари билан ҳар қандай муаммолардан кескин фарқ қилади. Улар ўзининг кўлами ва миқёсларига кўра дунёнинг жуда катта қисмига ёйилган бўлиб, кўпчилик мамлакатлар ва халқлар ҳаётига кучли салбий таъсир кўрсатмоқда. Умумбашарий муаммолардан энг йириги хавфсизлик муаммоси бўлиб, у инсоният тарихининг ҳеч бир даврида XX асрдаги сингари кенг маъно ва аҳамият касб этмаган. Асримизда рўй берган иккита даҳшатли жаҳон уруши, ўнлаб маҳаллий урушлар инсоният бошига қанчадан-қанча кулфатлар келтирганлиги барчага маълум. Ядровий ва бошқа қирғин қуроллариининг ишлаб чиқилганлиги ва улар заҳиралариининг беҳад кўпайиб кетганлиги ҳам XX асрнинг маҳсулидир. Яна бир умумбашарий муаммо бу экологик муаммо бўлиб, атроф-муҳитнинг ифлосланиши табиат учун ҳам, жамият учун ҳам зарарли ҳодисадир. Ҳаво, тупроқ, сув, ҳайвонот ва наботот оламига эътиборсиз муносабат бу муаммонинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Умумбашарий муаммолар қаторига, шунингдек, СПИД каби даҳшатли касалликлар муаммоси, очарчилик муаммоси, гиёҳвандлик муаммоси кабиларни санаб ўтиш мумкин.

Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ғоялари ЮНЕСКОнинг Низомида қатъий белгилаб қўйилган бўлиб, унда «*кишилар онгида тинчликни ҳимоя қилиш ғояларини қарор топтириш лозим, чунки уруш тўғрисидаги қарашлар айнан кишиларнинг онгида пайдо бўлади*» деб ёзиб қўйилган. Агар замонавий можаролар табиатининг ўзгарганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ЮНЕСКО Низомидаги ушбу ғояларнинг нақадар долзарб тус олганлигининг гувоҳи бўламиз.

Инсоният XXI асрда яшаётган бўлса-да, янги хавф-хатарларга дучор бўлиш эҳтимоли ҳали-ҳануз баратараф қилинмаган. Янги минг йилликка инсоният кўпгина муаммолар билан бирга кириб келди. Бироқ уларнинг ечими ҳали-ҳам мавжуд бўлиб, уларни фақатгина сиёсий ирода ва халқаро ҳамкорлик йўли билан топиш мумкин. Бутун дунёда ҳарбий харажатлар учун йилига 800 млрд. АҚШ доллар маблағ сарфланаётганини ҳисобга олсак, бундай сиёсий ирода ва халқаро ҳамкорлик анча осон ва арзон бўлишини аниқлаш мумкин. БМТ тинчлик сақлаш учун энг зарур бўлган асосий компонентлар: барчага умумий таълим, озиқ-овқат, ичимлик суви ва энг оддий турмуш шароитлари учун йилига 70-80 млрд. доллар маблағга эҳтиёж борлигини баралла айтаётган бир пайтда мудофаа харажатлари учун

бундан 10 барабар кўп маблағ сарфланаётган экан. Бу биргина мисол инсоният икки хил стандартлар тизимидан ханузгача халос бўла олмаганлигидан далолат беради.

ЮНЕСКО дастурларида таъкидланишича, қуйидаги омиллар ёрдамида тинчликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш мумкин:

- бағрикенглик ва сабр-бардош.
- ўзаро тушуниш, инсон ҳуқуқларини тиклаш.
- можароларни тўхтатиш.
- маданий турфа хиллик.
- демократия.
- камситишнинг ҳар қандай кўринишига қарши кураш.
- барқарор тараққиёт.

ЮНЕСКО ташаббуси ва БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияси-га кўра, 2000 йилни «Халқаро Тинчлик маданияти йили» деб эълон қилди. Шу йили БМТ томонидан Тинчлик маданияти Декларацияси қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда тинчлик маданиятини тарғиб этиш-да ота-оналар, ўқитувчи-мураббийлар, сиёсий арбоблар, диний идораларнинг раҳбарлари, журналистлар, ижодкорлар, гуманитар соҳа ходимлари, етакчи ўрин эгаллаши зарурлиги алоҳида қайд этилган. Тинчлик маданияти дастури эса таълим, барқарор иқтисодий-ижтимоий тараққиёт, инсон ҳуқуқлари муҳофазаси, аёллар ва эркеклар ўртасидаги тенг ҳуқуқлилик, эркин ахборот тарқатиш йўллари-ни янада кенгайтиришга йўналтирилган.

77. Тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш тамойиллари

Тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш тамойиллари умумбашарий, умумэтироф этилган, умуммажбурий, юридик кучга эга бўлган халқаро ҳуқуқ нормаларининг муҳим таркибий қисмидир.

Тинчлик ва халқаро хавфсизликни таъминлаш тамойиллари асосан қуйидагилардир:

1. Куч ишлатмаслик ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилмаслик;
2. Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш;
3. Давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги;
4. Чегаралар дахлсизлиги;
5. Қуролсизланиш;
6. Давлатларнинг халқаро-ҳуқуқий жавобгарлиги

Тинчлик ва халқаро хавфсизликни таъминлаш тамойиллари инсоният жамияти тараққиётининг муайян босқичларида пайдо бўлди ва ривожланди; ҳар бир даврда янги мазмун билан бойиди; ҳозирда эса аниқ ифодаланган умуминсоний йўналишга эга.

78. Тоталитаризм

Тоталитаризм (лотинча *totalitas* - яхлит, бутун, мутлоқ, ёппасига) ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини зўравонлик билан мутлоқ назорат остига олинишига асосланган давлат тизимидир. Тоталитаризм маълум бир дохийнинг (фюрер, дуче ва шу каби) бевосита ва якка раҳбарлиги остидаги давлат элитаси томонидан жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, мафкуравий, маънавий ва ҳатто кундалик ҳаётини зўравонлик билан бутунлай бўйсундирилиши билан ажралиб турадиган тизимдир. У авторитаризм, диктатура, тирания каби тушунчаларга яқин туради, бироқ ўз моҳиятига кўра улардан бир оз фарқ қилади.

Тоталитар давлат ва тоталитар тузум давлат ва ҳукумат органларининг чекланмаган ҳокимиятга эга бўлишлари, барча легал ташкилотларнинг давлат мақоми остига олиниши, демократик институтларнинг тақиқланиши, конституцион ҳуқуқлар ва эркинликнинг чекланиши (баъзан эса илгари мавжуд бўлганларининг йўқ қилиниши), ижтимоий ҳаётнинг ҳарбийлаштирилиши, муҳолифатга (диссидентлар)га нисбатан репрессив муносабатда бўлиш, ҳурфикрликнинг бўғиб қўйилиши каби ўзининг бир қатор хусусиятлари билан ажралиб туради.

Тоталитар давлатлар ёки тузумларнинг тепасида одатда дохий, «кучли шахс», ёки яширин ташкилот («янги типдаги» партия) туради. Тоталитаризмда бутун сиёсий ҳаёт дохий кўрсатмаларини бажаришга бориб тақалади; ижтимоий ҳаётнинг мазмуни асосан салбий санкциялар ва репрессив усулларни қўллаш орқали ушбу ҳаётни ташкил қилган, ўзи хоҳлаган меъёрга келтирган ва назорат қилиб турган давлатга хизмат қилишдадир. Тоталитаризм суянадиган асосий куч ҳарбий-бюрократик қатлам бўлиб, у ўзининг ижтимоий беқарорлиги сиёсий ҳаётда узоқни кўра олмаслиги жаҳон сиёсатидаги ижобий ўзгаришларни тан олмаслиги ёки тан олишни хоҳламаслиги бошқа ижтимоий қатламлар ҳаёт тарзига маълум бир ахлоқий тамойиллар ва мулкка нисбатан барқарорлик мавжудлиги туфайли уларга нисбатан нафрати билан ажралиб туради. Тоталитаризм жараёнининг шаклланиши ва мустаҳкамланиши жамиятнинг аксарият жабҳаларини ҳарбийлаштириш орқали «фавқулддаги ҳодисалар» тамойиллари асосида зўраки «ташкил қилишдан» иборат бўлади. Бу юқоридан уюштирилган ва жамиятнинг ҳарбий-бюрократик қисми томонидан фаол амалга ошириладиган тўғридан-тўғри террор орқали рўй беради, қуролли террор «ижтимоий тартиб» модели шаклида бутун жамият структурасида ўз аксини топади.

Тарихан тоталитаризм деспотия, тирания ва диктатуранинг турли шакллари сифатида қадимдаёқ намоён бўлган. Тоталитаризмнинг на-

зариячилари (унинг унг ва сўл радикал шаклида) Б. Муссолини, Р. Джен-тилъе, А. Гитлер, Л.Д. Троицкийлар ҳисобланадилар. Тоталитаризм Германия ва Италияда расмий мафкура бўлган ҳолда Европа фашизм-ининг ўзига хос шакли сифатида кенг тарқалган бўлса, Сталин ҳукм-дорлиги остидаги СССРда бошқача кўринишдаги мафкурага асослан-ган эди. Маъшҳур ёзувчи Дж. Оруэллнинг «1984» номли антиутопик асарида Гитлер Германияси ва Сталин режимлари даврлари мисоли-да тоталитаризмнинг асл қиёфаси ёритиб берилган.

79. Умуминсоний ва миллий қадриятлар

Қадриятлар нарса ва воқеа-ҳодисалар, жамият моддий бойлик-ларининг аҳамиятини ифодалаш учун қўлланиладиган фалсафий ту-шунча. «Қадрият» ибораси инсонга, жамиятга нисбат берилиб таъ-рифлангандагина муайян маънога эга бўлиши, аниқ мазмун касб этиши мумкин. Зеро, қадрият деганда инсониятга хизмат килувчи, унинг эҳтиёжи ва манфаатларини қондирувчи жамийки моддий ҳамда маънавий неъматлар тушунилади.

Дунёнинг энг олий неъмат, бетакрор хилқати инсондир. Ана шу ҳақиқатдан келиб чиқиб, инсонларнинг ижтимоий турмуши учун зарур ва фойдали бўлган, уларнинг ривожланиши учун хизмат қиладиган, шароит яратадиган барча предмет ҳамда воқаликлар қадрият саналади. Ҳар бир қадрият инсонлар муносабати туфайлигина ўзининг муносиб баҳосига сазовор бўлади. Қадриятларни Ғарбда «Аксиология» фани орқали ўрганилади. Бу атама илмий билимлар соҳасига XX асрнинг 2-ярмида немис аксиологи Э.Гартман ва француз олими П. Лапи томонидан киритилган.

Қадриятларнинг хилма-хил шакллари бор: моддий ва маънавий, миллий, минтақавий, умумбашарий; жамият ҳаётининг соҳалари бўйича иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий; ижтимоий онг шаклларига мос келадиган ахлоқий, диний, ҳуқуқий, сиёсий ва бошқалар.

Миллат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ қадриятлар миллий қадриятлардир. Дунёда ўзига хос қадриятлари бўлмаган миллат йўқ. Миллий қадрият миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, маънавияти ҳамда маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади,

Ўзбекистон мустақилликка эришиши туфайли миллий қадриятларга эътибор кучайди. Зеро, миллий қадриятлар мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлайдиган маънавий асослардан биридир. Халқимизнинг асрлардан асрларга мерос тарзда ўтиб келаётган мил-

лий қадриятлар узоқ тарихий жараёнда шаклланган. Улар она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, ота-онага ҳурмат, ҳаё, ибод, андиша каби хусусиятларнинг устуворлиги, бошқа халқларга ўхшамайдиган урф-одатлар, расм-русумлар, маросимлар ва анъаналар билан тавсифланади.

Умуминсоний қариятлар - барча халқлар учун ижобий аҳамият касб этувчи, инсониятнинг умумий манфаатларга мос келувчи моддий ва маданий ғоялар, мезонлар мажмуасидир.

Умуминсоний қадриятлар инсоният тарихининг яхлитлигини ифодалайди, у даврлар ўтиши ва ижтимоий ҳаётнинг ўзгариши билан бир қаторда такомиллашиб, ривожланиб тобора кўпроқ халқларни, миллатларни, инсонларни яқинлаштирувчи, бирлаштирувчи ва камол топтирувчи кучга эга. Инсонпарварлик ва ижтимоий адолат, эркинлик ва озодлик, баркамоллик ва фаровонлик, эзгулик ва тараққиётга бўлган интилиш умуинсоний қадриятлардир. Умуминсоний ва миллий қадриятлар узвий боғлиқ ва ўзаро таъсирда бўлиб боради.

80. Урушлар

Инсоният тарихида урушлар жуда кўп бор содир бўлган. Уларнинг сони ва ҳалок бўлганлар сони тўғрисида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Фақат XX асрда юз берган 20 та энг йирик урушда, (шу жумладан, I ва II-жаҳон урушларида 120 млн.га яқин киши ҳалок бўлганлиги тўғрисида тахминлар мавжуд, ҳолос.

Урушлар турли сабаблар туфайли юз беради. Энг асосий сабаблар сифатида ҳокимият ва табиий ресурсларни (ер, сув, ер ости ва усти табиий бойликлар ва ҳ.к.) кўрсатиш мумкин.

Урушларни уларнинг кўламига қараб қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1) Жаҳон урушлари. XX асрда 2 марта йирик жаҳон урушлари содир бўлди ва уларда 80 млн. кишининг ёстиғи қуриди. Инсоният фан техниканинг юқори даражадаги тараққиётига эришган XX асрда ушбу урушларнинг юз берганлиги ақл бовар қилмайди. Ушбу жаҳон урушларининг салбий оқибатлари ҳалигача сезилиб туради.

2) Минтақавий урушлар. Унда 2 ва ундан ортиқ давлатлар иштирок этади. Масалан, Хитой-Япония уруши (1937-1941), Франция-Вьетнам уруши (1945-1954), Эрон-Ироқ уруши (1980-1988) шулар жумласидандир.

3) Фуқаролар уруши. Бир мамлакат ичида содир бўладиган урушлар фуқаролар уруши деб юритилади. Масалан, Испания да (1936-1939), Греция (1945-1949), Ангола (1975-1995) Тожикистон (1992-1997)да юз берган урушлар фуқаролар урушлари ҳисобланади.

Ўз характериға кўра эса урушлар қуйидаги 2 турға бўлинади:

1) Ноконвенционал урушлар – халқаро меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилмаган ёки ноқонуний деб тан олинган уруш ёки уруш ҳаракатлари бўлиб, уларға қотилликлар, терроризм, гаровға олиш, самолёт ва биноларни портлатиш, метроға газ ҳужумларини уюштириш, сув ҳавзаларини заҳарлаш, шунингдек, янги кашф қилинган замонавий қуроллар билан ҳужум қилиш киради.

2) Конвенционал урушлар - доимий ва захирадаги ҳарбий кучлар (солдатлар, танклар, самолётлар, ракеталар) ёрдамида урушиш демакдир.

Конвенционал урушлар одатда ноконвенциялар урушға айланиш тенденциясига эга. Масалан, 1980 йилда бошланган Эрон-Ироқ урушида дастлаб конвенциялар кучлар урушға кирган бўлса, сал кейинроқ неконвенционал қуроллар, хусусан, кимёвий қуроллар қўлланилган эди.

81. Уруш хусусиятлари

Совуқ уруш ниҳоясига етгандан сўнг дунёдаги йирик минтақавий урушлар ва ядро синовларининг таҳдиди сал пасайгандек бўлди. Бироқ уруш маданияти бутунлай бартараф этилган эмас, аксинча у инсониятға жуда кўп кулфатлар ва қайғу-аламлар ёғдиришда давом этмоқда. БМТнинг Инсон тараққиёти ҳисоботида биргина 1998 йилда дунёда 36та можаро бўлиб ўтганлигини қайд этилади. Энди давлатлараро урушларнинг характери ўзгариб, кўпроқ локал ва давлатнинг ички урушлари тусига кирмоқда.

Инсоният цивилизациялашган XXI-асрда яшаётганлигига қарамай, дунёнинг турли нуқталарида урушлар ҳамон давом этмоқда. Исроил, Фаластин, Чеченистон, Шри Ланка, Кашмир, Судан, Филиппин, Ироқда давом этаётган урушлар шулар жумласидандир.

Аксарият олимлар уруш ва зўравонлик инсон онгининг маҳсули эканлигини таъкидлайдилар. Бу борада олиб борилган тадқиқотлар ҳам ушбу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Масалан, 1999 йилда АҚШда ўтказилган ижтимоий сўровларда қатнашганларнинг 60%и, Финландияда эса 55% и уруш маданияти инсон феъл атворининг таркибий қисми эканлигини эътироф этганлар.

Бироқ бу уруш ва зўравонлик албатта амалға ошади, деган фикрни келтириб чиқармайди. Одамлардаги урушға мойилликни таълим дастурлари ва тарбиявий усуллар орқали тинчлик маданиятига айлантириш мумкинлиги ҳам илмий тадқиқотлар орқали исботланган.

Онгни қуролсизлантириш, уни ёвузликдан, иллатлардан тоза-

лаш лозим. Замондошларимизни эзгуликка чорлаш учун маънавият-ни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Уруш илми ва малакасини кишилар онгидан чиқариб ташлаш ва унинг ўрнига тинчлик маданиятини шакллантириш шунчалик жиддий ва кенг қамровли вазифаки, у барча мамлакатларнинг устувор йўналишига айланган тақдирдагина амалга ошади. Тинчлик маданиятини кишилар онгида шакллантириш учун энг аввало таълимни ривожлантириш лозим. Унга нафақат мактаблардаги расмий таълим, балки бир қатор ижтимоий институтлар, шу жумладан, оила ва оммавий ахборот воситалари томонидан таъминланадиган норасмий таълим ҳам қиради. Бундай таълимдан асосий мақсад "ҳамжиҳатлик-да яшашни ўрганиш»дир.

82. Фуқаролик жамияти

Фуқаролик жамияти ҳақидаги гоя XX асрда барча ижтимоий институтларни назорат этиш ва уларнинг ишига тўсқинлик этишга уринмоқчи бўлган коммунистлар ва фашистлар диктатураларидан кейин алоҳида аҳамият касб эта бошлади. Фуқаролик жамияти гоясини икки жиҳатдан кўриб чиқиш мумкин: салбий маънода гап барча ижтимоий ташкилотлари устидан назоратга йўл қўймаслик учун давлатнинг имкониятларини чеклаш тўғрисида бормоқда; ижобий маънода эса гап одамлар ўз муаммоларини жамоатчилик тарзида ҳал этиш, ўз фикрларини очиқ-ойдин билдириш ва давлатга нисбатан таъйиқ ўтказиш учун мустақил ташкилотларни тузиш бўйича бормоқда. Бундай ташкилотлар давлатнинг тажовуздан ҳимояланиш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Фуқаролик жамиятининг асосий белгилари сифатида бозор муносабатлари; мустақил оммавий ахборот ва алоқа воситалари; давлат назоратидан мустақил равишда ҳукуматнинг барча соҳаларида иш олиб бориш имкониятларига эга бўлган мутахассислар; энг асосийси – одамлар ўз муаммоасини ҳал этиш учун ҳаётнинг барча йўналишларида бир қатор кўнгилли уюшмаларни барпо этиши кабилар намоён бўлади.

Турли даврларда ва бир қатор мамлакатларда демократия асосларини ҳимоя қилиш ва ривожлантириш мақсадида қасаба уюшмалари, хотин-қизлар ташкилотлари жамиятнинг ҳуқуқ ҳимоячилари ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш гуруҳлари диний қўмиталар ва бошқа оммавий ташкилотлар олдинга чиқиши мумкин. Сўз ва йиғинлар эркинлиги шароитида одамлар жамоатчилик асосида ўз манфаатларини ҳимоя этиш заруриятни тушунсалар, юқорида тилга олинган уюшмалар тез суръатлар билан ривожланади. Рас-

мий сиёсат шаклланиши учун ҳукумат томонидан ушбу ташкилотлар муҳимлигининг эътироф этилиши рағбатлантирувчи омил сифатида майдонга чиқиши мумкин.

83. Фуқаролик масъулияти

Фуқаролик масъулияти аввало ўзи яшаб турган жамиятнинг барча қонунларига қатъиян амал қилиш лозимлигини билдиради. ҳар бир шахс амалдаги қонуналарга риоя этаркан, қонун бузганлик учун тўлиқ жавобгар бўлиши мумкинлигини мудом ҳис этиши лозим.

Фуқаро бўлиш масъулияти амалдаги қонунларга сўзсиз бўйсуниб билан бирга шу жамиятнинг равнақиға муносиб ҳиссасини қўшиш ҳам демакдир. Демократик жамиятнинг барча аъзолари ўз зиммаларидаги масъулиятларини тўлиқ адо этсалар бундай жамият, шубҳасиз, энг цивилизациялашган жамиятга айланади.

Фуқаролик масъулиятининг нечоғлик муҳим аҳамиятга эға эканлиги туғрисида АҚШнинг тарихий шахсларидан бири Элеонора Рузвельт 1938 йилда шундай деб таъкидлаган эди: «Демократик жамият учун энг катта таҳдид фуқароларнинг ўз зиммаларидаги мажбуриятларини бажармаслигидан келиб чиқади».

Ўз замонасининг энг улуғ кишиларидан бири, буюк юнон файласуфи Сократ фуқаролик масъулияти туғрисида қуйидагиларни ёзиб қолдирган эди:

«Ватанингиз худолар ва зиёли кишилар томонидан қандай ардоқланган бўлса, сиз ҳам уни шундай ардоқланг. Сиз уни авлодаждодларингиздан ҳам улуғроқ даражада севишингиз ва эъзозлашингиз даркор. Бутун жисмингизни Ватанингизга бағишланг, унинг дардини отангиздан ҳам зиёдроқ юмшатинг. Ватанингиз қўйган талабларни бажаришға астойдил интилинг. Мабодо Ватанингиз туфайли қийноқларга дучор бўлсангиз, сиз бундайин қийноқларни ҳеч қандай қаршиликсиз кутиб олинг. Агар Ватанингиз сизни озодликдан маҳрум этган ёки бошқа бирор бир жазоға ҳукм этган бўлса, ёхуд сизни урушға (яъни ўлимға ёки ярадор бўлишға) юбораётган бўлса, сиз унинг қақириқларига сўзсиз бўйсунингиз зарур ва бир умр шундай бўлиши шарт».

84. Хавфсизлик ва унинг турлари

Хавфсизлик-жамиятдаги ноёб қадриятларға таҳдид мавжуд эмаслигини англатувчи тушунчадир. Тарихдан маълумки, ҳар бир

давлатнинг ҳатти-ҳаракатларининг энг муҳим қадрияти ва пировард мақсади ҳавфсизликка эришишдир, дейилади. Ушбу позиция очиқ ва аниқ ўрнатилгандан кўра кўпроқ яширинлик ва сунъийликка таянади. Неореализм тарафдорлари ҳавфсизликни халқаро муносабатларнинг энг асосий категорияси даражасига кўтаришди. Машҳур олим К.Волтс (Waltz)нинг фикрича, анархияда ҳавфсизликка эришиш энг асосий мақсаддир. Ушбу концепциянинг (нисбий куч борасида Америка ижтимоий-илмий адабиётларини эслатувчи) нисбий тадқиқ қилишда Балдвин ҳавфсизликни тадқиқ қилишга нисбатан ишлатиладиган “олий қадрият сифатидаги ёндашув”ни рад этади. Унинг ўрнига эса “камроқ аҳамиятли ёндашув” тушунчасини ишлатиб, чекланган фойда нуқтаи назаридан ҳавфсизлик тушунчасига нисбатан нисбийлик ёндашувини қўллайди. Шу борада савол туғилади: “қанча ҳавфсизлик етарли бўлади?”. Ҳеч қандай ҳисоб-китоблар доирасида ҳам мутлақ ҳавфсизлик тушунчаси бўлиши мумкин эмас, шунинг учун унга интилишдан маъно йўқ.

Ҳавфсизлик бир неча турларга бўлинади. Шулардан айримлари тўғрисида қуйида қисқача тўхталиб ўтамыз.

1. Иқтисодий ҳавфсизлик. Иқтисодий ҳавфсизлик борасидаги тушунчалар меркантилизмдан келиб чиқади. Халқаро муносабатларда иқтисодий ҳавфсизлик моҳиятан таъминотга қарамлик муаммодир, шунинг учун меркантилизм бунга катта аҳамият беради. Агар маҳсулот ва хизматлар мажмуини назорат қилиш қаттиққўл актор бошчилигида, ёки қаттиққўл актор маҳсулот ва хизматлар мажмуининг нархини назорат қилса, унда қабул қилувчи томоннинг иқтисодий манфаатлари таҳдид остида қолади. Иқтисодий соҳада ўзаро бир-бирига боғлиқлик ва глобализациянинг ўсиши бир томондан муаммони келтириб чиқарса, иккинчи томондан, барча томонлар ўз ҳавфсизликларни зиддиятлар асосида эмас, балки ҳамкорлик билан қайта кўриб чиқишса, муаммонинг ечимини ҳам топиш мумкин. Кўп томонлик (multilateralism) нажот йўли бўлиши мумкин, лекин унинг оқибатида меркантилизм йўқолади.

2. Энергетик ҳавфсизлик. Энергетик ҳавфсизлик ҳар қандай мамлакат миллий ҳавфсизлигининг энг муҳим ташкил этувчиларидан бири бўлиб ҳисобланади. Миллий ҳавфсизликни таъминлаш энергетик сиёсатнинг асосий вазифаларидан биридир. Энергетик ҳавфсизлик – бу мамлакатнинг, унинг фуқаролари, жамияти, иқтисодиётининг оддий ва экстремал шароитларда мақбул сифатли энергия танқислиги ҳавфидан ҳимояланганлик ҳолатидир. Ишончли ёқилғи ва энергия таъминотига солинадиган ҳавф-хатарлар ташқи (геополитик, макроиқтисодий, конъюктуравий) омиллар билан, шунингдек, энергетика соҳасининг аҳволи ва ишлаши билан белгиланади.

3. Ахборот хавфсизлиги. Ахборот хавфсизлиги - жамият ахборот майдонини ҳимоя қиладиган, инсонга, фуқарога, давлатга хизмат қиладиган тушунча. «Ахборот хавфсизлиги» тушунчасини тўғри ва тўла англаш учун «ахборот», «ахборот майдони» ўзи нималигини билиш лозим. Ахборот - бу у ёки бу тўғрисида олинган маълумотдир. Маълумот эса тўла ёки тўла эмас, ҳолисона ёки ноҳолис, ижобий ёки салбий, қизиқарли ёки қизиқарсиз, долзарб ёки нодолзарб, фойдали ёки фойдасиз, самимий ёки ғаразли ва ҳоказо мазмунларда бўлиши мумкин. Ҳақиқий ахборотни сохта ахборотдан ажрата билиш эса чуқур билим ва иқтидорни талаб этади.

4. Экологик хавфсизлик жамият экологик муовазанатини таъминловчи омиллар, ҳатти ҳаракатлар ва чора тадбирларнинг комплекс мажмуидир. Бирор бир мамлакатнинг экологик хавфсизлиги бошқа мамлакатлар, хусусан, қўшни мамлакатлар экологик хавфсизлиги билан узвий равишда боғлиқ бўлади. Шунинг учун олимлар кўпинча минтақавий экологик хавфсизлик тўғрисида гапиришни афзал деб биладилар. Бир мамлакат экологик хавфсизлигига таҳдид тугилса, бу албатта бошқа мамлакатлар хавфсизлигига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Масалан, собиқ шўролар давридан бизга “мерос” қилиб қолдирилган Орол денгизи муаммоси фақат Ўзбекистон ёки Қозоғистоннинг эмас, балки бутун Марказий Осиё мамлакатларининг ҳам муаммоси ҳисобланади.

85. Халифалик сохта ғоя сифатида

Халифа арабча ўринбосар, ноиб маъноларини англатади. Халифалик - ислом динида шариат аҳкомлари асосида ҳокимиятни идора этиш усулидир. Халифаликда халқнинг дунёвий ва диний ҳаётига халифа бошчилик қилади. Одатда, халифалик (Араб халифалиги) тушунчаси VII асрда араб истилоси туфайли вужудга келган ва Ўрта Шарқда XIII асрдаги мўғуллар истилосига қадар, Испанияда эса XV асрга қадар мавжуд бўлган мусулмон давлатлари шундай деб аталган.

Халифалар Муҳаммад Пайғамбар (а.с.)нинг ўринбосарлари ҳисобланганлар. Муҳаммад (а.с.) дан сўнгги тўрт халифа - Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон ва Али ибн Толиб - «хулофай рошидин» (тўғри йўлдан борган халифалар) номи билан машҳур бўлганлар. Уммавийлар, аббосийлар, фотимийлар сулоласидан бўлган ҳукмдорлар халифа номи билан аталган.

Ҳозирга келиб халифаликни қўмсаётган қора кучлар йўқ эмас. Масалан, «хизбут-таҳрир» оқими тарафдорлари бу борада жонларини жабборга бермоқдалар. Халқимиз халифаликни тиклаш ғоялари ис-

чоғли ҳавфли ва беъмани эканини англаши керак. Бундай сохта ғоя замирида ҳеч қандай асосга эга бўлмаган сафсаталар ҳақида гапирганда, аввало, бугун биз XXI асрда яшаётганимизни эсдан чиқармаслик керак. Ҳозирги ўта мураккаб, жадаллик билан ўзгариб, тараққий топаётган компьютер ва телекоммуникация даврининг минг йиллар олдин мавжуд бўлган шароит ва вазиятдан ер билан осмонча фарқи борлигини оддий одам ҳам тасаввур қила олади. Республикамиз Президенти И. Каримов 2-чақириқ Олий Мажлиснинг XIV сессиясида айтганидек: «Вақтни тўхтатиб бўладими? Ҳаётни тўхтатиб бўладими? Қандай қилиб минг йиллар олдинги шароитни XXI асрга олиб келиш мумкин? Буларнинг ҳаммаси ўта содда, керак бўлса, барча уйдирмаларга лаққа тушадиган одамларга қаратилган ва буни тушуниш қийин эмас. Минг афсуски, биз бу нарсаларга етарли эътибор бермаймиз».

Дарҳақиқат, қора кучлар сохта ғоялар билан ёшларни ўз таъсирига олишга, уларнинг онгини заҳарлашга интиладилар. Ақл-ҳушини йўқотган мана шундай одамларни тайёрлаб, кейин қўлига қурол беради. Уларни ўз Ватанига, ўзини вояга етказган эл-юртига қарши қўяди.

Халифаликни тиклаш каби сохта ва беъмани ғояларга қарши кураш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

86. Цивилизация

Цивилизация - (лотинча *civilis*-фуқаровий, ижтимоий) серкир-ра ва мураккаб мазмунга эга бўлган ижтимоий-фалсафий тушунча. Цивилизация тушунчаси вужудга келган антик даврларда ҳам, ундан кейин келган ўрта асрларда ҳам «*silvaticus*», яъни ёввойи, қўпол тушунчасига қарама-қарши қўйилиб, моҳият жиҳатидан цивилизациялашган ҳаёт тарзи ёввойи, варварча ҳаёт тарзидан кескин фарқланган. XVIII-асрдан бошлаб «цивилизация» тушунчаси тарихчилар луғатидан мустаҳкам ўрин эгаллаб, кенг ишлатила бошланди. Цивилизациянинг турли назариялари яратилиши ҳам шу даврга тўғри келади ва бу жараён бугунги кунгача давом этиб келмоқда. Айни пайтда цивилизацияга мавжуд янги қарашлар олдингиларини инкор этмай, балки уларни тўлдириб, улар билан параллел ҳолда мавжуддир. Цивилизациялар назарияси ва унга тарихий-фалсафий ёндошув масалалари XX асрда М.Вебер, О.Шпенглер, А.Тойнби, Ф.Бродель, К.Ясперс, шунингдек, Н.Я.Данилевский, К.Н.Леонтьев, П.А.Сорокин асарларида кенг талқин этилиб, юқорида қайд этилганидек, ҳозирги кунда ҳам олимлар томонидан ишланмоқда.

Цивилизация ҳозирги вақтда тарихий, фалсафий ва илмий-

оммабоп адабиётларда энг кўп қўлланиладиган тушунчалардан бўлса-да, унинг мазмуни ва кўламини белгилашда ҳанузгача турфа хиллик мавжуд. Бу тушунча:

1) ижтимоий ривожланишнинг ёввойилик ва варварликдан кейин келадиган босқичини;

2) умуман кишилик жамияти ривожланишининг маълум бир босқичи (мас., неолит, нокапиталистик ёки ҳозирги замон цивилизацияси);

3) маълум бир ижтимоий-иқтисодий формация;

4) географик жиҳатдан фарқланувчи бирликлар (мас., Европа ёки Осиё цивилизацияси);

5) диний мансублигига кўра, фарқланувчи бирликлар (мас., христиан ёки ислом цивилизацияси);

6) келиб чиқиши ва планетар мансублигига кўра фарқланувчи бирликлар (мас., Ер цивилизацияси, Ердан ташқари цивилизациялар);

7) этник асосга кўра фарқланувчи ижтимоий-маданий бирликлар (мас., қад. Миср ёки Бобил цивилизацияси) каби маъноларни ифодалаш учун қўлланиб келмоқда.

Ҳар қандай илмий тушунча маълум мазмунни ифодалаб, муайян ижтимоий ҳодиса, жараёни тушунтиришга хизмат қилмоғи лозим. Мана шу нуқтаи назардан қаралса, цивилизация тушунчасини юқориларидаги маъноларда ишлатишда муайян бир ёқламалик борлигини кўриш мумкин.

Цивилизация назарияларининг икки типи мавжуд: а) цивилизациянинг босқичма-босқич ривожланиш назарияси б) локал (лотинча «маҳаллий», яъни маконда чекланган маъносида) цивилизация назариялари. Босқичма-босқич ривожланиш назарияси цивилизацияни инсониятни жадал тараққиётнинг умумий жараёни сифатида ўрганади. Бу тараққиёт жараёнида маълум босқичлар ажратилади. Мазкур жараён жуда қадимда, ибтидоий жамоа тузуми парчаланиб, инсониятнинг бир қисми цивилизация ҳолатига ўтган вақтдан бошланиб, бугунги кунга қадар давом этиб келмоқда. Ўтган вақт мобайнида инсониятнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари, моддий ва маънавий маданиятга оид катта ўзгаришлар содир бўлди. Маҳаллий цивилизация назариялари тарихий-маданий жараёнлар натижасида вужудга келиб, маълум ҳудудларни эгаллаган ҳамда ўз ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш хусусиятларига эга бўлган катта цивилизацияларни ўрганади. Бундай цивилизация маълум ҳудудларда пайдо бўлиб, ҳудудлар ўртасидаги турли муносабатлар туфайли ўзига хос айрим хусусиятларини қўшни ҳудудларга ҳам тарқатиши объектив тарихий-маданий ҳодиса ҳисобланади. Улар мамлакатлар

чегаралари билан мос тушиши (масалан Хитой цивилизацияси) ёки бир неча давлатларни қамраб олиши мумкин (Ғарбий Европа цивилизацияси).

Локал цивилизациялар географик муҳит, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳалар, ҳуқуқ, фалсафа, адабиёт, санъат, инсонлар менталитети ва ҳ.к.лар каби турли «компонентлари» ўзаро алоқада бўлган мураккаб тизимдир. Ҳар бир компонент у ёки бу локал цивилизациянинг ўзига хослигини намоён қилади. Вақт ўтиши билан цивилизациялар ўзгариши, ташки таъсирларга берилиши мумкин. Лекин унинг асоси, «мағзи» ўзгармасдан қолади ва бу унинг бошқа цивилизациялардан ўзига хослигини, фарқини белгилайди. Шундай бўлса-да, цивилизацияларнинг ўзига хослигини мутлоқлаштириш (абсолютлаштириш) ярамайди. Ҳар бир цивилизация ўз ривожда жаҳон тарихий жараёни учун умумий бўлган босқичларни фақат ўзи учун хос бўлган шаклларда босиб ўтади. Цивилизациянинг босқичма-босқич ривожланиш назарияси ва локал цивилизация назариялари тарихни турлича англашга имкон беради.

Цивилизациянинг босқичма-босқич ривожланиш назариясида биринчи ўринга инсоният ривожланиши учун умумий қонуниятлар, локал цивилизация назариясида эса тарихий жараённинг ўзига хос, хусусий жиҳатлари қўйилади. Шундай қилиб, бу икки назария ҳам ўзининг устунликларига эга бўлиб, бир-бирини тўлдиради. Лекин, афсуски, бу икки назарини ўзида мужассам этган, ягона «универсал» метод ҳануз ишлаб чиқилгани йўқ.

87. Шаҳидлик

Исломда дин йўлида ҳалок бўлган шахс «шаҳид» деб аталади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом даврида ислом диний эътиқоди ва мусулмонлар жамоасини ҳимоя қилиш мақсадида олиб борилган курашларда ҳалок бўлган саҳобалар шаҳид мақомига эга бўлганлар.

Инсоният тарихида ислом дини байроғи остида олиб борилган босқинчилик урушларини жиҳод ва ғазоват деб муқаддаслаштирилишида шаҳидлик, диний тушунча сифатида салбий рол ўйнаган ва аянчли оқибатларга олиб келган.

Ҳозирги замонда дин ниқоби остида сиёсий ғоялар ва мақсадларни амалга оширишда якка тартибда «шаҳид» бўлиш (ўзини ўзи портлатиб юбориш, яъни «камикадзелик») шиори остидаги террористик ҳаракатлар тез-тез учраб туради.

Камикадзелар учун кўпроқ ночор, камситилган, хўрланган, саводсиз, содда, ғўр, ҳаётда ўз ўрнини топа олмаган, аламзада одам-

лар, асосан, ёшлар танланади. Уларнинг онгига, берилган топшириқ бажарилса «миллий қаҳрамон»га айланиши, шаҳидлар мақомига эришуви каби бемаъни фикрлар сингдирилади. Дунёнинг қатор минтақаларида, чунончи, Чеченистон, Фаластин, Исроил, Доғистон, Ироқ ҳамда Европанинг айрим шаҳарларида автобуслар, метролар ва бозорларда қўпурувчилик ишларини амалга ошираётганлар ана шундай камикадзелардир. Уларни руҳий касал ёки манқурт (зомби)-лар деса тўғри бўлади.

Исломда ўз жонига қасд қилиш (қандай мақсадларда бўлмасин) оғир гуноҳ ҳисобланади. Фуқаролар, айниқса, ёшлар бу ҳақиқатни яхши англаб олишлари даркор.

88. Ўзбек менталитети

Табиат ва жамиятдаги барча ўзгаришлар, биринчи навбатда, инсон феъл-атвори, руҳияти менталитетида ўз таъсирини қолдиради. Менталитет ўзгаришлари эса давлат тизими, тузилмалари ва ҳатто жамият қиёфасини ҳам ўзгартириб юборишга қодир эканлиги аён бўлмоқда.

Маълумки, дунё ҳозирги кунда умумий ахлоқ, муайян мазмундаги маънавий қиёфа, глобал моҳиятга эга тамойиллар учун кураш фазасига кирди. Ривожланган мамлакатлар нафақат саноат маҳсулотлари, информацион ва мафкуравий таъсир кўрсатиш омиллари орқали кенг кўламдаги геополитик сиёсат юргизишмоқда, балки ўз халқи табиати, феъл атвори, менталитет ўзига хосликларини мунтазам равишда дунё халқлари турмуш тарзига, ҳаётининг барча жабҳаларига изчил сингдиришга интилоқда. Дунё халқлари учун умумий этикет, умумий феъл атвор, умумий менталитет махсус ва изчил равишда таркиб топтирилмоқда. Сиёсий, иқтисодий ва информацион глобаллашув менталитетлар, руҳий ўзига хосликлар, феъл-атворнинг стандартлашувига ҳам тўртки бермоқда.

Гарчи дунё халқлари менталитетларининг стандартлашуви муайян ижобий жиҳатларни ифода этса ҳам ўз навбатида бир қатор салбий оқибатларга ҳам олиб келади. Хусусан, бу нарса халқнинг миллий ўзлигидан чекинишга, маданиятнинг ворисийлик анъаналарига, миллий характер бир бутунлигига путур етказиши.

XVI аср бошларидан эътиборан давом этган сиёсий-ижтимоий таназзул ва бир ярим асрлик мустамлака даврлари мобайнида ўзбек халқи ўзлигини асраш, миллий бирлигини маънавий ҳамда ахлоқий яхлитлигини сақлаб қолиш борасида мислсиз матонат кўрсата билди. Миллий бирликни муҳофаза этиш жараёнлари за

ифлашган давлат ҳомийлигида эмас, балки асосан аҳоли турли табақаларига мансуб оддий инсонлар, зиёлилар, хунармандлар, деҳқонлар, умуман олганда жамият кучи воситасида амалга оширилиб келинди. Бу қуйидагиларда ўз ифодасини топди:

1) ўзбек халқи таназзул ва мустамлака даврларидан ўзининг этник яхлитлигини сақлаган ҳолда чиқа билди;

2) халқимиз маънавиятининг ёрқин ифодаси бўлган урф-одатлар, анъаналар, расм-русумлар, маросим ва маъракалар тизими сақлаб қолинди;

3) ўтмиш маданиятимизнинг ўлмас обидалари, буюк мутафакирлармиз қаламига мансуб бебаҳо асарларнинг катта қисми ваҳшийларча талон-тарож қилинганлигига қарамай, турли тадбирларни қўллаш орқали асраб-авайланди ва авлодларга етказилди;

4) тил бирлиги ва тозаллигини узоқ йиллар давомида махсус ўтказилган таъсир ва тазйиқларга қарамай, сақлаб қолишга эришилди.

Айни пайтда таъкидлаш жоизки, шу давр мобайнида халқимиз йўқотган қадриятлар сақлаб қолишга эришган қадриятлардан бир неча ҳисса кўпроқдир. Айниқса, ўтган бир ярим асрлик мустамлака даври ва ундан олдинги 300 йиллик турғунлик ва тарқоқлик даври ўзбек халқи менталитетида жиддий асоратлар қолдирди. Халқимизга хос бўлган баҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, жанговарлик, аҳдга вафдорлик, садоқат, ҳар ишда биринчи бўлишга кучли рағбат, сўз ва амал бирлиги сингари фазилатларимизга жиддий путур етказилди. Мамлакатимиз тарихидаги сўнгги 400 йил мобайнида халқни миллий бирлашишга даъват этиш борасида саъй-ҳаракатларнинг изчил олиб борилмаганлиги, фақат этник, сулолавий ва ҳудудий бирлашиш билан қаноат ҳосил қилиш оғир оқибатларни юзага келтирди. Халқимиз бошига тушган қирғинбарот урушлар, иқтисодий ва маънавий хўрланишлар, миллат табиатида бефарқлик, конформизм, мутелик, ҳар қандай зўравонликка кўниш хислатларининг юзага келишига сабаб бўлди. Бу эса халқнинг ташқи тазйиқларга тура олиш, хавфларга қарши курашганлик, иммунитет кучини сусайтириб юборди. Натижада халқимиз табиатида:

1) турли ижтимоий, сиёсий ва ҳаётий ҳолатларда аҳолининг муаяйн қатламлари вакилларида сўз ва иш бирлигининг маълум даражада бузилиши;

2) одамлараро мулоқотлар тизимида шахснинг давлатга, жамият структураларига бўлган муносабатларида ишончсизлик ҳиссининг юзага келиши;

3) маънавий меросга ҳурмат, ворислик анъаналарининг сусайиши;

4) миллий бирликка интилишдан кўра гуруҳий, этник, маҳаллий ва ҳудудий айирмачиликка берилишнинг кучайиши;

5) халқ характерида янгиликка интилиш, яратиш, бунёдкор ғоялардан кўра тақдирга тан бериш, тангридан паноҳ излаш, қаноат, сабр-бардош, кўникиш, ҳамма нарсага рози бўлиб кетавериш, «ҳамма нарса барибирлик» майлининг устунлик қилиб, умумий ҳолат сифатида шаклланиши;

6) ҳаётга ижодий кўз билан, яъни ақл ва ҳушёрлик билан, англаб ёндашувдан кўра иррационал ёндашувнинг кучайиши;

7) одамларнинг маънавий паноҳ излаб мутаассибликка диний фанатизмга, ахлоқий агрессивлик ва максимализмга берилиши;

8) маърифий таназзулнинг чуқурлашуви, саводсизлик даражасининг ортиши кузатила бошланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришуви ўтмишдан мерос бўлиб келган барча ҳолатларга янгича кўз билан қараш, ялпи тикланиш, умуммиллий маънавий ислохотларни бошлаш имкониятини берди.

Истиклол ҳаммамизга мамлакатни соғломлаштириш, миллий бир бутунликни таъминлаш, маънавий яхлитликни юзага келтириш масаласини кун тартибига қўймоқда. Бугунги кун мантиқи халқимиз феъл-атвори, менталитети ўзгаришларига жиддий эътибор қаратишга ундайди.

89. Ўзбекистонда аёлларга муносабат

Аёллар масаласи юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган энг муҳим масалалардан биридир. Чунки аёллар, Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил қилувчи ёшлар, болалар ва гўдакларнинг онаси ва тарбиячисидир.

Мамлакатимизда 1997 йилни "Инсон манфаатлари йили", 1998 йилни "Оила йили", 1999 йилни "Аёллар йили", 2000 йилни "Соғлом авлод йили", 2001 йилни "Оналар ва болалар йили" ва ниҳоят 2004 йилни "Меҳр ва мурувват йили" деб эълон қилиниши бунинг исботидир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси аҳолининг 50,3%ни ёки 13 млндан кўпроғи, фаол меҳнат ресурсларининг эса 45,1% ни аёллар ташкил этади. Уларнинг 42% ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинган, олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларнинг ҳар иккинчиси аёлдир. Илмий ходимларнинг 37%, жумладан, фан докторларининг 11%, фан номзодларининг 26% хотин-қизлардан иборат, 11 аёл академик унвонига эга.

Фан, адабиёт, санъат, ижод қилаётган 25 ёшгача иқтидорли хотин-қизларимизга "Зулфия" номидаги давлат мукофоти берилган.

Аёллар эркаклар билан бир хил ҳуқуқларга эга, уларнинг ишларга жойлашишларида, меҳнатни муҳофазалашда, ҳомиладор ва ёш болали аёлларни ишга қабул қилишда бу қоида асос бўлиши керак, чунки Ўзбекистон Ўрта Осиё давлатлари орасида биринчилардан бўлиб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция"га имзо чеккан, "Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар масалалари бўйича Концепция" ва бошқа дастурий ҳужжатларни ишлаб чиққан.

Республика Олий Мажлисининг 1999 йилги XIV сессиясида "Хотин қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниб, ушбу қонунда давлат ва ижтимоий сугуртасидан ўтказилиши лозим бўлган ишларда камида 20 йиллик иш стажи бўлган аёллар 54 ёшга тўлганда ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқи берилиш назарда тутилган. 54 ёшда пенсияга чиқиш ҳуқуқи аёلнинг ўз истаги бўлган тақдирдагина амалга оширилади.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда эркаклар билан тенг ҳуқуқли иштироки мамлакатимизнинг асосий Қонунида ҳам, 2004 йилда Президентимиз томонидан имзоланган "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонда ҳам қайд этилган. Ушбу ҳужжатларда қайд этилганки, "хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, таълим ва малака даражасини ошириш, уларнинг сайлаб қўйиладиган вакиллик ва бошқа давлат ҳокимияти органларидаги кенг иштирокини, хотин-қизлар қўмиталари ва юртимиздаги бошқа хотин-қизлар ташкилотларининг халқаро хотин-қизлар ҳаракатида, меҳр-мурувват, таълим ва бошқа соҳалардаги халқаро тузилмалар фаолиятида фаол иштирокини таъминлаш масалалари алоҳида эътибор талаб этади". Бу масалани ҳал этиш Фармон доирасида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 299-қарори ва ундаги "Чора-тадбирлар Дастури"да ҳам ўз ифодасини топган.

Фармон ижроси нафақат республикада хотин-қизлар қўмиталарининг, балки барча нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг ҳамда сиёсий партияларнинг иш фаолиятини мазмунан қайта кўриб чиқишни, уларда хотин-қизлар иштироки ва фаоллигини оширишни тақозо этади. Аёллар манфаатлари билан шугулланаётган нодавлат ташкилотлар сони ўсиб, бундай ташкилотлар қаторига Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Тадбиркор аёллар уюшмаси, "Аёл лидерлар" маркази, "Аёл ва жамият" институти, "Соғлом авлод учун" жамғармаси ва бошқалар киради.

Умуман, мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистон аёлларининг ижтимоий ҳолатида жиддий ижобий силжишлар содир бўлди.

Уларнинг 98.5% Ўзбекистонда ўтказилаётган ислохотларни ижобий баҳолайдилар, қийинчиликларни тушунадилар, Республика-мизнинг истиқболи порлоқ эканига тўла ишонадилар.

90. Ўзбекистонда виждон эркинлиги

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Виждон эркинлиги ҳуқуқи (31-модда), диний ташкилотлар ташкил қилиш ва уларга кириш ҳуқуқи (34- 56- 58-моддалар), қонун олдида тенгҳуқуқлилиқ ва давлатнинг диний ташкилотлар ишига аралашмаслиги (57-модда) каби масалалар аниқ-равшан белгиланган. Динлараро нифоқни тарғиб этувчи диний бирлашмалар, шунингдек, сиёсий диний партияларни ташкил этиш ман этилиш баробарида. Виждон эркинлиги борасида диний ташкилотлардан бир-бирларига бағрикенглик тамойили асосида муомала қилиш қонун мақомини олган.

«Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ва қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний ташкилотлар фаолиятига аралашмайди», дейилади Конституциянинг 61-моддасида, шунга биноан, диний ташкилотлар ўз фаолиятида мустақил бўлиб, эркин фаолият қилиш ҳуқуқига эга.

Давлат ва диний ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмита ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони (1992) қабул қилиниб, диний ташкилотлар билан ҳамкорлик қилувчи махсус давлат органи тўзилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни (1998) давлат ва диний ташкилотлар ўртасида шаклланаётган ижтимоий муносабатларни моҳиятан янги поғонага олиб чиқувчи муҳим ҳуқуқий асосдир. Қонуннинг 5-моддасида шундай келтирилади:

«Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатилишига қўмаклашади, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмайди.

Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм),

шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қонданинг бузилишига айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар».

Мазкур конституциявий меъёр Ўзбекистонда динлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлилик гаровидир.

91. Ўзбекистондаги диний конфессиялар

Жаҳон миллий-давлатчилик тарихига назар ташланадиган бўлса, дин, унинг жамият ва сиёсатдаги ўрни масалаларида турли давлатларда муносабатлар турлича эканлигини кўриш мумкин. Ҳар бир алоҳида олинган давлат ўз ҳудудида асрлар давомида шаклланган муайян тарихий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда дин билан муносабатга киришади. Ўзбекистонда азалдан турли диний конфессиялар бақамти ривожланиб келган. Шу сабабли мустақилликка эришилгандан сўнг ўтган қисқа давр ичида давлат диний бағрикенглик аъёналарини қайта тиклади ва динларнинг сиёсатга аралашмаслик тамойилини қатъий белгилаб қўйди.

Ўзбекистонда дин мамлакатдаги маданий-маънавий аъёналарнинг ажралмас қисми ва аҳоли маънавий камолотининг асоси сифатида қаралади. Дин ўз олдига ҳеч қандай сиёсий мақсад қўйиши мумкин эмас. Бу меъёр давлатнинг дунёвий бўлиши ва мамлакатдаги барча динларга нисбатан тенгҳуқуқлилик ва ўзаро тотувликни таъминлаб беришнинг гарови бўлди.

Ҳозирги кунда республикада 16 та диний конфессия қайд этилган. Уларнинг бир қисми Ўзбекистон учун ноаъёнавийдир. Давлат улар билан ўзаро муносабатда, ўз дунёвий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги тамойилларга амал қилмоқда:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;
- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;
- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш зарурияти;
- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш.

Охириги тамойил «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт»нинг 18-моддасига мос келади. Бу моддада ҳар бир

инсоннинг ҳур фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги бўлган ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўйишдан ташқари, яна бундай дейилади: «Дин ёки эътиқодга сиғиниш эркига фақат қонун билан белгиланган ва жамоат хавфсизлигини, тартибини, саломатлигини ва ахлоқни сақлаш учун, шунингдек, бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркини муҳофаза этиш учун зарур бўлган чеклашлар билангина дахл қилиш мумкин». Юқоридаги фикрлар маънавият ва маданиятнинг бир қисми бўлган дин билан ундан муайян сиёсий мақсадлар йўлида фойдаланишга уринишларни аниқ ажратиб кўрсатади.

Мамлакатимизда ислом динига қандай шароитлар яратилган бўлса, бошқа динларга ҳам худди шундай эмин-эркин ибодат ва озод фаолият учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Бугунги кунда Ўзбекистонда 2119 диний ташкилот эркин фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг энг катталари сифатида Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Рус Православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё Епархияси, Евангелъ христиан-баптистлари черкови, Рим-католик черкови, Тўла Евангелъ христианлари черкови, Ўзбекистон Инжил жамиятини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, 168 христиан черкови, 7 яҳудий синагогаси, 7 баҳойлар уюшмаси, 2 Кришна жамияти, 1 будда ибодатгоҳи мавжуд.

12 диний таълим муассасаси қаторида 1 православ и 1 христиан протестант семинарияси давлат рўйхатидан ўтган. Ҳар йили мазкур диний ташкилотларнинг вакиллари Исроил, Греция Россия ва бошқа давлатлардаги диний зиёратгоҳларга сафар уюштирмоқдалар ва бу масалада давлат томонидан яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланмоқдалар.

Мамлакатда конфессияларнинг диний мазмундаги тадбирларини атрофлича нишонлаш учун кенг эркинликлар берилган. Жумладан, 1996 йилнинг ноябрь ойида Рус Православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё Епархиясининг 125 йиллиги, 1996 йилнинг декабрь ойида Марказий Осиёдаги ягона Евангелъ-лютеранлар жамоасининг 100 йиллиги кенг кўламда нишонланди. 1995 йилда «Бир само остида» халқаро христиан-мусулмон конференцияси, 2000 йилда эса ЮНЕСКОнинг Динлараро мулоқот мавзuidaги Халқаро Симпозиуми ўтказилди;

Ҳозирги кунда Ўзбекистон диний бағрикенгликнинг, конструктив конфессиялараро мулоқотнинг, давлат институтлари ва диний ташкилотлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир.

92. Ўзбекистонда ислом дини

Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 90%и ислом динига мансуб халқдир. Мустақилликнинг дастлабки даврлариданоқ давлат фуқароларнинг эмин-эркин ибодат қилишлари, ислом дини арконларини чуқур ўрганишлари ва исломий саводхонликларини оширишлари учун етарли даражада шароит яратди. Қурбон ҳайит (Иъйд ал-адха - қурбонлик қилиш байрами), Рўза ҳайит (Иъйд ал-фитр-Рамазон тугашига бағишланган) каби диний байрамлар Президент Фармони билан дам олиш куни деб эълон қилинди.

Ислом дини ўзбек халқи маънавий ҳаётида муҳим ўринни эгаллайди. Шунинг учун давлат томонидан исломий қадриятларни ўрганишга кенг эътибор қаратилиб, ўзбек халқининг бой ва буюк маънавий-маданий тарихини тиклаш, унга нисбатан ифтихор туйғуларини ўстириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ўзбекистон ҳудудида туғилган, ўзининг бой илмий-маънавий мероси билан ислом дунёсида табаррук зотлар қаторида эътироф этилган буюк диний арбобларнинг таваллуд айёмлари давлат миқёсида нишонланиб келмоқда. Жумладан, 1993 йилнинг сентябрь ойида Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги, 1994 йилнинг ноябрида Хўжа Аҳрор Валийнинг 590 йиллиги, 1995 йилнинг ноябрида аз-Замахшарийнинг 920 йиллиги ва Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, 1998 йилнинг октябрида Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги, 2000 йилда Имом Мотуридийнинг 1130 йиллиги кенг миқёсда нишонланди. Буюк бобокалон мутафаккирларимиз юбилейлари муносабати билан ўтказилган халқаро конференциялардан ташқари, ислом қадриятларини ўрганиш ва тарғиб-ташвиқ этиш масалаларига бағишланган турли анжуманлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, «Ўрта Осиё ислом даври қўлёзма асарларини яратиш традициялари» мавзуида ўтказилган халқаро анжуман (1997) исломий меросни асраб-авайлаш ва унинг илғор анъаналарини тиклаш жараёнини яна бир босқичга кўтарди. 1990 йилдан бери Имом ал-Бухорий республика илмий-маърифий маркази томонидан Самарқандда мунтазам ўтказиб келинаётган «Дунёвийлик ва дин» мавзусидаги йиллик халқаро семинар глобаллашув даврида юзага чиқаётган ислом дини билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий ҳодисалар тарихини ўрганиш ишларида муҳим натижаларга эришди.

Мамлакатимизда ислом динининг ривожланиши масалалари билан шуғулланиш «Ўзбекистон мусулмонлари идораси» зиммасидадир. Ҳозирги кунда унинг тасарруфида 1935 масжид, 11 диний таълим муассасаси, жумладан, 1 ислом институти, 10 мадраса фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси муассислигида диний-оммабоп, диний-илмий адабиётларни чоп этишга ихтисослашган «Мовароуннахр» нашриёти, «Ислом нури» ҳафталик даврий газетаси ҳамда «ҳидоят» ойлик журнали фаолият кўрсатмоқда. 1992 йилда буюк юртдошимиз, муҳаддислар султони Имом ал-Бухорийнинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» (Ишонарли тўплам) асарларининг тўртинчи жилди таржимаси 200 минг нусхада ва учинчи жилди 1994 йилда, иккинчи жилди 1996 йилда 200 минг нусхадан чоп этилди. Ўша йили Қуръони Карим маъноларининг биринчи ўзбекча таржимаси Алоуддин Мансур томонидан амалга оширилган, «Чўлпон» нашриётида 100000 нусхада чоп этилди. 2002 йилда Абдулазиз Мансур томонидан амалга оширилган иккинчи таржимаси чоп этилди.

1992 йилдан буён Ўзбекистон радиоси «Ватандош» радиостанциясининг «Жума учрашувлари» эшиттиришлари мунтазам олиб борилмоқда. 1995 йилдан Ўзбекистон телевидениесининг Тошкент студияси орқали «Жума ўғитлари» кўрсатуви намойиш этила бошланди. 1997 йилдан биринчи канал орқали намойиш этиб келинаётган «Ҳидоят сари» ҳафталик диний-маърифий кўрсатув мусулмонларининг севимли кўрсатувига айлангандир.

Динни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсати натижа-сида мусулмон хотин-қизлар томонидан диний-маънавий меросни ҳар томонлама ўрганиш учун етарли шарт-шароитлар яратилди. Бугун Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфида уч хотин-қизлар мадрасаси: Тошкент шаҳрида Хадичаи Кубро номидаги, Бухорода Жўйбори Калон номидаги ва Китоб шаҳрида Хожа Бухорий номидаги ўрта махсус таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Уларда жами уч юзга яқин қизлар таълим оладилар. Шунингдек, ўттиз беш ёшдан ошган аёлларнинг исломий маърифатини ошириш мақсадида бир қанча тайёрлов-маърифат курслари ташкил этилган. Хотин-қизларнинг исломий ўрта махсус таълим муассасаларини тузишдан асосий мақсад - дин соҳасида назарий билимларга эга мутахассисларни тайёрлашдир. Бугунги кунда ушбу таълим муассасаларини битирган мингдан ортиқ қизлар халқ таълими соҳасида, жумладан, боғча ва мактаблар, коллеж ва лицейларда баракали меҳнат қилмоқдалар.

Республикадаги диний таълим муассасалари фаолияти жамият, дин ва замон талаблари асосида қайта ташкил қилинди. Бугунги кунда уларда диний ва дунёвий билимларни чуқур эгаллаган, янгича тафаккур ва дунёқарашга эга бўлган малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Ўзбекистон Республикасида диний таълим муассасаларида Қуръон илми, фикҳ-мусулмон ҳуқуқи, ақоид, ҳадисшунослик каби диний

фанлар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси умумий таълим тизимида кўзда тутилган барча дунёвий фанлар, жумладан, химия, математика, астрономия, биология, информатика ва яна бир қанча фанлар ўтилади.

1999 йил 7 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида асосан Тошкент Ислом университети ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамасининг Тошкент ислом университетини ташкил этиш бўйича қабул қилган Қарорига асосан, университетнинг Ислом тарихи ва фалсафаси, диний қонунчилик, иқтисод ва табиий фанлар факультетларида 106 нафар талаба таълим ола бошлади. Университет қошида исломшунослик илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди, кейинги ўқув йилидан эътиборан эса академик лицей ҳам ўз фаолиятини бошлади.

2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорига биноан Тошкент ислом институти ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги барча диний ўрта махсус билим юртлари битирувчиларининг дипломлари давлат аттестация ҳужжатларига тенглаштирилди. Бу, диний таълим муассасаларини дунёвий давлат таълим муассасалари даражаси билан тенглаштирилиш ва давлат олий ўқув юртларида узлуксиз таълимни давом эттириш учун тенг ҳуқуқ ва шарт-шароит яратиш демакдир.

Бугунги кунда Президент Фармонида биноан республиканинг диний мазмунга эга қадимий ва замонавий ёдгорликлари, барча зиёратгоҳлар мусулмонлар идораси тасарруфига ўтказилган.

Ислом динига эътиқод қилувчи Ўзбекистон фуқароларига асосий фарзлардан бўлимиш Саудия Арабистонига ҳаж зиёратига бориш учун барча имкониятлар ва шароитлар муҳайё қилинган. Ҳар йили Вазирлар маҳкамаси томонидан «Муборак ҳаж сафарига бориувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги Қарори қабул қилиниб, зиёратчиларга имтиёзли шароитлар яратилиб берилмоқда. 1992 йилда Президент И.Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси расмий ташриф билан Саудия Арабистони Подшоҳлигида бўлди. Подшоҳ Фаҳд бин Абдулазиз ал-Сауднинг делегация аъзоларига кўрсатган эҳтироми ўлароқ, улар Каъбатуллоҳ - Аллоҳнинг уйига кириб зиёрат қилишга мушарраф бўлдилар. Шу давргача 40000 дан ортиқ фуқаро Саудия Арабистонига Умра зиёратини амалга ошириб қайтдилар.

Диний ташкилотларга солиқ тўловлари соҳасида ҳам муайян имтиёзлар берилган. Жумладан, улар коммунал тўловларни юридик шахс бўлишига қарамай, жисмоний шахслар учун кўзда тутилган тарифларда тўлайдилар. Иқтисод қилинган маблағ эса диний ташкилот биноларининг жорий таъмири ва масжид ободончилигига ҳамда диний муассасанинг ўқув ва моддий базасининг мустаҳкамланишига сарф этилиши кўзда тутилган.

93. Ўзбекистонда фундаментализм таҳдиди

Бугунги кунда Ўзбекистонга хавф солаётган фундаментализм таҳдиди 2 кўринишда намоён бўлмоқда:

1. Диний фундаментализм. Мустақилликнинг дастлабки йилларида исломни эркинлаштириш жараёнида ҳаддан ташқари кўп масжид ва мадрасалар очилган эди. Уларнинг кўпчилигида диний билимлари саёз ва илмий салоҳияти талаб даражасида бўлмаган имомлар ёки хориждан келган даъватчилар ислом дини асосларидан таълим бердилар. Таълим жараёнида араб мамлакатларида, Туркия ва Эронда чоп этилган дарсликлардан фойдаланилди. Натижада 1990 йилларнинг ўрталарига келиб, ёшлар орасида ислом асосларини мутаассибларча талқин қиладиган баъзи гуруҳлар пайдо бўлди. Улар «ислом давлати» куриш, «кофир» ватандошларига уруш эълон қилиш ғояларини кўтариб чиқа бошладилар. Ҳатто исломни сиёсийлаштириш, баъзи оддий фуқаролар онгига турли радикал сиёсий ғояларни сингдириш ва бу билан замонавий демократик фуқаролик жамияти куриш йўлидаги давлат ислохотлари жараёнига тўсқинлик қилишга уринишлар бошланди.

Исломдаги фундаментализм эса Қуръон билан боғлиқ бўлмай, аксинча анъаналар билан боғлиқдир. Бу ҳаракатлар «ваҳҳобийлик» номи билан машҳур. Уларнинг асосий мақсадлари соф ислом таълимотига қайтиш ва уни Пайгамбардан кейинги даврларда исломлаштирилган турли халқлар анъана ва расм-русумлари ва қарашларидан тозалашдир. Ваҳҳобийлик феноменига сиёсий жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, бу диний оқим тарафдорлари кескин ақидапарастликка асосланган бўлиб, ҳозирги кунда ўта жангариликка таянган, ислом динидаги фундаментал мафкурани амалга оширишдаги «Муқаддас уруш» эълон қилган ва сиёсий мақсадларни кўзлаган гуруҳлардир.

Муайян хорижий кучларнинг мақсадли ҳаракатлари таъсирида айрим шахслар диний онгининг тобора радикаллашиб бориши ва зўравонликка асосланган хатти-ҳаракатларнинг юз бериши қонунчилик соҳасида баъзи амалий чора-тадбирларни қабул қилишни тақозо этди. Жумладан, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунни қайта кўриб чиқиш давр талабига айланди. 1998 йилнинг май ойида қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Унда диндан сиёсий мақсадларда фойдаланиш, миллатлараро ва турли адоватлар кўзгашга қаратилган хатти-ҳаракатлар учун муайян жиноий ва маъмурий жазо чоралари кўриб чиқилди. Жиноий Кодексга дин ниқоби остида содир этилган жиноятлар юзасидан қатор қўшимчалар киритиб, жазо чоралари белгиланди. Жумладан, ЖК: 145 - виждон

эркинлигига дахл қилиш, 156 - миллий, ирқий ва диний адоват ёйиш, 159 - конституциявий тузумга раҳна солиш, 216 - фаолияти тақиқланган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар тузиш, 217 - изоҳ - диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш, 229 - изоҳ - диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш, 244 - изоҳ - жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш каби моддалар шулар жумласидандир.

Диний фундаментализм хоҳлаган жамиятда пайдо бўлиши мумкин. Уни муайян жамиятдаги мавжуд тузум ёки иқтисодий ҳолат билан боғлаш хато ҳисобланади. Диний фундаментализм ривожланган мамлакатларда ҳам, ривожланаётган мамлакатларда ҳам илдиз отиши мумкин.

Ҳозирги глобаллашув жараёнининг салбий жиҳатларини ҳам диний фундаментализмни келтириб чиқараётган сабаблардан бири дейиш мумкин. Чунки глобаллашув шиори остида кўпинча «вестернизация», яъни ғарбга хос бўлган қадриятларнинг ғарбий бўлмаган мамлакатларда мажбуран сингдирилиши улардаги миллий урф-одатлар, қадриятлар, маданиятларга бевосита таҳдид сифатида қабул қилинмоқда.

2. Демократик фундаментализм. Агар диний фундаментализм диннинг илк асоскор илдизларига қайтишга, динни замонавийлик элементларидан тозалашга чақирса, демократик фундаментализм ундан фарқли ўлароқ ғарбга хос демократик тамойилларни кескин тарзда у ёки бу мамлакатга мажбуран сингдирилишини англатади.

Демократик фундаментализм ҳам ўз навбатида 2 кўринишда намоён бўлади:

- 1) мажбурий вестернизация орқали;
- 2) либерализм ғоялари орқали.

Ҳар иккала усулда ҳам ғарбга хос турмуш тарзи муайян ноғарбий жамиятга андоза сифатида қабул қилиниш мумкин, деган иллюзия (хато фикр) мавжуд бўлиб, у ушбу жамиятнинг ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини инкор этади. Қолаверса, етти ёт бегона бўлган қадриятларни қабул қилиш ушбу жамият учун кескин оқибатларга олиб келиши мумкин. Демократиянинг барча мамлакатлар учун қўлласа бўладиган ягона андозаси мавжуд эмас, чунки демократия ўз моҳиятга кўра ҳар бир жамиятга хос бўлган тарихий ва маданий хусусиятларни, сиёсий ва ҳуқуқий анъаналарни акс эттиради. Умуман, демократия бировлар томонидан мажбуран ўрнатиладиган сунъий жараён эмас, балки умумжаҳон тараққиётининг ижобий жиҳатлари билан бирга миллий хусусиятларнинг синтези асосида кечадиган табиий жараён ҳисобланади.

94. Ўлим жазоси ва инсон ҳуқуқлари

Ўлим жазоси - оғир ва ўта оғир жиноятлар учун суд томонидан тайинланадиган жазодир. Ҳозирги кунда кўп давлатларда ўлим жазоси мавжуд бўлиб, бу ҳодиса бўйича ижтимоий фикрда яқдиллик мавжуд эмас. Ўлим жазоси тўғрисидаги ижтимоий фикр вазиятга кўра ўзгариб туради. Одамлар ўлим жазосига кўпинча суд ёки репрессив режимларнинг ҳатолари содир бўлганда қарши чиқадилар. Лекин биргина мудҳиш жиноят ёки «янги» жиноят содир бўлганда, жамоатчилик фикри бутунлай бошқа томонга бурилиши мумкин. Ўлим жазоси муаммосининг ҳал қилинишига ҳиссиётларнинг таъсири катта.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар халқаро пактида «ўлим жазоси бекор қилинмаган давлатларда жиноят содир бўлганда мавжуд бўлган қонунчиликка мувофиқ, ўлим жазоси берилиши мумкин ва бу жазо фақат ваколатли суд якуний ҳукм чиқарганидан сўнг берилади», дейилади. Шунинг учун соддалаштирилган (оддий) суд ва унинг натижасида чиқарилган ўлим жазоси ҳукми халқаро тан олинган инсон ҳуқуқлари қоидаларини бузишдир.

1977 йили ўзининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолияти учун Нобель мукофоти совриндори бўлган Ноҳукумат ташкилот - Халқаро амнистия ташкилоти ўлим жазосини бекор қилиш учун жаҳон миқёсида кампания ўтказмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси 1977 йилда чиқарган резолюциясида «олий жазо масаласига келганда, асосий мақсад жиноятлар сонини аста-секин камайтириш ва келажакда бундай жазодан воз кечиш имкониятини яратиш» эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш йўлида талайгина ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Жумладан, ўлим жазоси тайинланадиган жиноятлар рўйхати кескин қисқартирилди. Илгари 27 турдаги жиноятлар учун ўлим жазоси тайинланган бўлса, ҳозир уларнинг сони 2 тагача камайтирилган. Фақат терроризм ва оғирлаштирувчи шароитда қасддан одам ўлдирганлик учун ўлим жазоси белгиланган бўлиб, аёллар, баласғатга етмаган ва ёши 60 дан ошган фуқароларга бу жазо қўлланилмайди.

2005 йил 1 августда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида кўра республикамізда ўлим жазосини 2008 йил 1 январга қадар бекор қилиш кўзда тутилган. Ушбу қарорда, шунингдек, ўлим жазосини бекор қилиш йўлида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиш ва жамоатчиликнинг бу масалага муносабатини ўрганиб чиқиш ҳам кўзда тутилган.

Ўлим жазосини бекор қилиш йўлида Республикамизда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар халқаро умумбашарий тенденцияга тўла мос келади ва ўзида чуқур гуманизм ва адолат тамойилларини акс эттиради.

95. Қарияларга нисбатан зўравонлик

Қариялар тоифасига одатда шартли равишда ёши 60дан ошган кишилар киритилади. Ҳозирги кунда қариялар дунё аҳолисининг 20%дан кўпроғини ташкил этади. Олимлар дунё бўйича қариялар сони доимий ўсишда эканлигини таъкидламоқдалар. Бунинг сабаблари сифатида туғилиш суръатларининг пасайиши, соғлиқни сақлаш тизимида ижобий ўзгаришлар юз берганлиги, ўртача яшаш даражасининг ошганлиги кабилар тилга олинмоқда.

Бироқ турли мамлакатларда қариялар ҳали ҳам турли турмуш қийинчиликларига дуч келмоқдалар. Уларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари турли кўринишларда намоён бўлмоқда. Ушбу зўравонликларни асосан 4 турга бўлиш мумкин:

1. Жисмоний зўравонлик (уриш, туртиш, тепкилаш, креслога боғлаб қўйиш ва ҳ.к.).

2. Психологик зўравонлик (босим ўтказиш, бақриш, зуғм қилиш, қамаб қўйиш, ғайриинсоний муомала ва ҳ.к.).

3. Молиявий зўравонлик (пулини тортиб олиш, кийим-кечакларини ва бошқа шахсий буюмларини рухсатсиз сотиб юбориш, уларнинг молиявий жамғармаларини ўзбошимчалик билан тасарруф этиш ва ҳ.к.).

4. Инкор этиш (ғамхўрлик қилмаслик, ўз ҳолига ташлаб қўйиш, бефарқлик, унутиб юбориш ва ҳ.к.).

Қарияларга нисбатан зўравонликлар жуда кенг тарқалган бўлиб, аксарият ҳолларда ноқобил фарзандлар томонидан содир этилади.

Қарияларга доимий ҳурмат-эътиборда бўлиш жамиятнинг ҳар бир аъзоси олдидаги муқаддас бурч ҳисобланади. Улуғ алломалардан бири агар бирор бир жамиятга баҳо бермоқчи бўлсанг, қарияларга нисбатан муносабатни ўрганишдан бошлаш керак, деб таъкидлаган эди. Демак, азиз ва мўътабар қарияларимизга ғамхўрлик қилишни мудом эсда сақлашимиз лозим.

96. Қийноқлар ва инсон ҳуқуқлари

Ҳозирги кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти халқаро жамоатчиликни ихтиёрий ғойиб бўлишлар ҳамда кўп давлатларда ўзбошимчалик ва судсиз қатл қилинишлар тўғрисида доим хабардор қилиб туради. Хабар берилишича, дунёнинг 37 давлатида суд ва терговсиз 2 миллионга яқин одам қатл қилинган. Бундай ҳодисага учраган одамларнинг сони камайганлиги тўғрисида маълумот йўқ. Қийноқлар қўлланилиши билан бир қаторда, бундай ҳодисалар инсон ҳуқуқларининг энг мудҳиш бузилишидир ва халқаро жамиятнинг доимий эътиборини талаб этади.

1984 йил 10 декабрда келишув асосида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси қийноқлар ғайриинсоний ва инсон обрўси ҳамда қадри-қимматини ваҳшийларча поймол қилишга қаратилган муомала ва жазоларга қарши конвенция қийноқларни қуйидагича таъриф берилган: «Исталган сабабларга кўра ёки камситишнинг бирон-бир тури сабабли; бирор-бир шахс ёки учинчи шахс қилган ёки фақат тахмин қилинган жинояти тўғрисида ундан, ёки учинчи шахсдан маълумот олиш ёки уларни тан олдириш учун атайин оғриқ етказиб, жисмоний ёки руҳий азоб бериш, қўрқитиш ёки мажбур қилиш; агар бу дард ёки азоб расмий шахслар томонидан ёки уларнинг гиж-гижлаши ёки уларнинг сўзлари, билиб билмасликка солишлари натижасида етказилса». Бу таърифга фақат «қонуний чоралар натижасида тасодифан пайдо бўладиган» оғриқ ва азоблар киритилмаган.

Қийноқларни на ахлоқий, на юридик нуқтаи назардан оқлаб бўлмайди. Кўп давлатларнинг қонунчилиги ва халқаро ҳуқуқ қийноқларнинг қўлланилишини қатъиян ман қилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган давлатлар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қийноқлар қўлланилишига қарши қаратилган 5-моддасига биноан юридик жавобгарликка тортиладилар. Айрим ҳолатда фавқулодда вазиятларда қийноқларнинг қўлланилишини оқлашга ҳаракат қилмоқдалар. Гуноҳсиз одамларнинг ҳаётига ҳавф туғдирувчи террорчилардек барча мавжуд йўл билан бўлса ҳам маълумот олиш давлатларнинг бурчи эмасми деган савол пайдо бўлиши мумкин. Қийноқларнинг қўлланилишини аниқ ва қатъий тақиқловчи ахлоқий қонунлардан ташқари уни оқловчи далиллар бир қанча сабабларга кўра асоссиздир: биринчидан, қийноқлар қўлланилиши натижасида сохта маълумот олиниши мумкин; иккинчидан, қийноқларнинг қўлланиши муайян жиноят учун муайян муддатга ҳибсга олинишга асосланган адолатли ҳукм чиқариш коидаларини бузади; учинчидан, қийноқларни айрим ҳолларда қўлланиши ундан кенгроқ қўлланиш ҳукумат ихтиёрида бўлиб қолишига олиб келиши мумкин.

Маҳбусга қонунда назарда тутилган барча ҳуқуқларни бериш қийноқлар қўлланишининг олдини олиш имкониятини яратади. Маҳбус ўзининг хоҳишига биноан, тиббий ёки юридик маслаҳат (консультация) олиши мумкин. Қийноқлар қўлланиши масалаларида халқаро даражада ошкоралик билан бир қаторда ҳукуматнинг, ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотларнинг қийноқлар қўлланиши ҳавфи остида бўлган шахснинг номидан бу масалага қўл уриши тегишли давлатнинг тегишли адлия идоралар томонидан ҳимоя остига олинишининг кафолатидир. Қонунни амалга оширувчилар ҳаракатларини чеклантириш ва ҳимоя қилувчи тиббий-ахлоқий қоидалар мавжуд: тиббиёт ходимлари ва оқловчилар қийноқлар қурбонлари билан кўпроқ учрашиб турадилар, шунинг учун қийноқлар қўлланилишини ошкора қилиш уларнинг шахсий мардлигига боғлиқ бўлиши мумкин. Халқаро ташкилотлар ўзларининг фаолияти доирасида ҳам мазкур муаммони ҳал қилишга сезиларли ҳисса қўшиши мумкин. Қийноқларни таъқиқлаш масаласига оид ахборот ва таълимотни жамоатга бериб туришда ЮНЕСКОнинг аҳамияти катта. Худди шундай вазифани Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳам бажариши мумкин.

1984 йил 10 декабрда қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний, инсон қадрини ҳўрлайдиган муомала ва жазоларга қарши Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Конвенция ва 3946 рақамли резолюция билан унинг 20 давлат томонидан ратификация қилиниши ёки унга қўшилганидан кейин ўттиз кун ўтгач кучга кирди.

Мазкур Конвенция қийноқлар қўлланишини ноқонуний деб эълон қилди ва Конвенция аъзолари зиммасига, уларнинг юрисдикциясида бўлган ҳар бир ҳудудда қийноқларларнинг олдини олиш учун самарали чоралар кўришни юклади. Акс ҳолда қонунчиликни бузиш учун жавобгарликка тортилишлари мумкин. Мазкур мажбуриятдан чекланиш мумкин эмас ва қийноқларнинг қўлланилиши ҳеч бир шароитда оқланиши мумкин эмас.

97. Қочоқлар

Қочоқлар – ҳаёт учун хавфли ва таҳликали вазиятдан қочган кишилар тоифаси. Бошпана излаб ўзга ҳудудларга ёки мамлакатларга кўчиб кетишга мажбур бўлган кишиларга қочоқ статуси берилади. Қочоқлар турли нотинч вазиятлар натижасида пайдо бўлади. Шундай вазиятлардан бири иқтисодий беқарорлик бўлиб, бунда кишилар эксплуатация, очлик ва қашшоқликдан қочишга ҳаракат қиладилар.

Қочоклар ирқий, диний миллий, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқа белгиларга кўра ёки сиёсий қарашларига кўра таъқиб остига олинган кишилар бўлишлари ҳам мумкин. Шунингдек, можаролар оқибатида ўз истиқомат ерларини ташлаб кетган тинч аҳоли ҳам қочоклар тоифасига киради. Африкада эса ҳатто табиий офатлар ва очлик оқибатида бошпана излаб ўзга ҳудудларга (юртларга) кетишга мажбур бўлган кишиларга ҳам қочоқ мақоми берилиши керак.

98. Қулдорлик

Қулдорлик инсонни инсон тарафидан эксплуатация қилишнинг энг паст ва жирканч шаклидир. Бундай ҳодиса XX-асрнинг иккинчи ярми ва XXI-аср бошларида ер юзида анча камайиб кетган бўлса-да, бироқ у айрим мамлакатларда ҳали-ҳануз учраб туради. Мустамлака ва янги мустамлака режимлари буни яширишга ҳаракат қилмоқдалар. Яқинда хабар берилишича, ҳозирги кунда дунёда 250000 га яқин қуллар бор экан. Қашшоқлик ва суст ривожланиш шароитида бундай амалиётга барҳам бериш қийин.

Ҳозирги давр қулдорлиги олдинги бешафқат амалиёт, яъни одамларни ушлаб, очик, савдода уларни занжирлаган ҳолда сотиш эмас, балки инсонни инсон томонидан эксплуатация қилинишидир. Замонавий қулдорлик, олдингидай инсон қадр-қимматини қўпол равишда тан олмаслик, қашшоқлик, жаҳолат, эски, йўқ бўлиб кетган аъналар ва очкўзликдан келиб чиқади.

Қулдорликка ўхшаш, лекин усталик билан ниқоб остига олинган амалиётдан, энг аввало, аҳолининг ҳимояланмаган ва ночор қисми (табақалари) жабр кўради. Масалан, баъзида қарздор кишилар қарзни тўлолмай қулликка тушиб қоладилар, яъни қарз ҳисобига ишлаб беришга мажбур қилинадилар. Бу турни аниқлаш қийин, чунки у турлича тус олиши мумкин ва эксплуататорлик хусусияти шу туслар билан яширилган бўлади. Бундай ҳолатни кўп давлатларда учратиш мумкин. Бу амалиёт айниқса, очикдан-очик қўлланиладиган аграр давлатларда ҳимоясиз одамларни мажбурий меҳнат қилдириш имкониятини яратади.

Айрим ҳолларда деҳонлар бу тартибга қарши қўзғолон кўтаришса, уларга қарши куч ва кўрқитиш усуллари ишлатилади. Бу муаммонинг негизи ер масаласи ҳал бўлмаганлигидадир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг баёнотида таъкидланишича, «қарамликнинг мазкур кўринишларига барҳам беришга қаратилган ер ислохотлари ўтказилган айрим давлатларда сиёсий ҳукуматнинг ўзи ижарачиларни

эксплуатация қилган шахслар қўлидадир ва ҳукуматлар ўзлари қабул қилган ер қонунчилигини амалга ошириш учун жуда кам ҳаракат қилдилар».

Болалар меҳнاتини эксплуатация қилиш - бутун дунёга хос муаммо ва бевосита бола сотиш билан боғлиқдир. 1989 йили Халқаро Меҳнат Ташкилотининг таъкидлашига кўра, 14 ёшгача бўлган тахминан 200 миллион бола мунтазам равишда меҳнат билан шугулланишар экан. Болаларнинг меҳнат шароити кўпинча жуда ёмон, меҳнат ҳақи эса айрим ҳолларда жуда паст бўлса, айрим ҳолларда эса умуман уларга ҳақ тўланмайди. Бу болалар аксар ҳолда таълим олиш имкониятидан маҳрум бўлиб, ўзларининг саломатлиги, яшаши ва фаровонлигига салбий таъсир кўрсатувчи шароитга тушиб қоладилар. Мажбурий турмушга чиқариш масаласига келганда у аёллар унга кўнмаслик ҳуқуқига эга бўлмаган ҳолда эрининг вафотидан сўнг беваларни бир шахсдан иккинчи шахсга бериш мумкин бўлган жойларда содир бўлади.

Одам ўз танини сотиши ҳам қулдорликнинг бир тури, бундан аёллар кўп жабрланадилар. Бу ҳолат қулдорлик тўғрисидаги Конвенцияда эмас, балки одам сотиш ва фоҳишабозликнинг учинчи шахслар томонидан эксплуатация қилиниши тўғрисидаги Конвенцияда ўз ифодасини топган.

99. Қурол-яроғ савдоси

Қурол-яроғ савдоси баъзи мамлакатлар учун асосий даромад манбаларидан бири ҳисобланади. ҳозирги кунда қурол-яроғ савдоси билан асосан ривожланган Шимол мамлакатлари шугулланадилар, ривожланаётган Жануб мамлакатлари эса қурол-яроғ харидорлари ҳисобланадилар. 1993-1997 йилларда дунё бўйича сотилган жами қурол-яроғнинг 67,6% ҳам айнан Жануб мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади. Биргина 1999 йилда Жануб мамлакатлари 26,2 мрд. АҚШ доллари миқдори қурол-яроғ сотиб олганлар. Бу эса ўз навбатида Жануб мамлакатларида кўпгина ички низолар, ижтимоий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Масалан, Перу ҳукумати 2000 йилда қурол-яроғ сотиб олиш учун сарфлаган маблағи мамлакат бюджетининг 20%ини ташкил этган. Ваҳоланки, ушбу маблағни соғлиқни сақлаш, таълим соҳасини ривожлантириш, ижтимоий ҳимоя каби ўта зарур соҳаларга қаратиш мумкин эди.

Қурол-яроғ сотувчилари эса бундай тижоратдан каттагина бойликка эга бўлмоқдалар. Дунёнинг энг йирик "қурол-яроғ савдогари" АҚШ ҳисобланади. 1993-1997 йиллар мобайнида АҚШ томонидан сотилган қуроллар миқдори жами 53,129 млрд долларни

ташкил этган. Россия Федерацияси иккинчи ўринда бўлиб, шу давр оралигида 15,246 млрд миқдорида қурол сотган. Энг йирик харидорлар Саудия Арабистони (9,8 млрд), Тайвань (8,2 млрд), Туркия (7 млрд), Миср (6,6 млрд) Хитой (5,05 млрд) Ҳиндистон (4,4 млрд) ҳисобланади.

Қурол-яроғ сотиб олишга катта маблағлар сарфлаётган мамлакатларнинг аксариятида миллионлаб кишилар турли касалликлардан, очлик ва қашшоқликдан азият чекмоқдалар. БМТ ҳисоб китобларига қараганда СПИД, сил, малярия каби юқумли касалликларга қарши 2002 йилда 13 млрд маблағ талаб қилинган, бироқ фақатгина 2,1 млрд маблағ жалб этилган, холос. ЮНИСЕФ ташкилоти эса инсоннинг энг бирламчи кундалик эҳтиёжларини таъминлаш учун бир йилда ҳарбий соҳага ажратилаётган маблағнинг атиги 10% и (яъни тахминан 70-80 млрд.) етарли бўлишини таъкидлаган.

100. Қуролланиш устидан назорат

Қуролланиш устидан назорат атамаси XX-асрнинг 60-70 - йилларида пайдо бўлди. Бу бежиз эмас эди, албатта. Чунки ана шу пайтга келиб енгил қуроллар билан бирга оммавий қиргин қуролларининг миқдори ҳам беҳад кўпайди. Улар инсоният учун реал хавф хатарга айланишга улгурди.

Қуролланиш устидан назорат қуролланиш бўйича ўзаро ким ўзарга мусобақалашаётган давлатларнинг ўзаро стратегик мувозанатга эришиш учун олиб борадиган музокаралар жараёни ва ушбу музокаралар натижасида эришиладиган аҳдлашувларнинг йиғиндисидир.

Қуролланиш устидан назорат ниҳоятда мураккаб жараён бўлиб, у узок давом этган дипломатик музокаралар жараёнининг маҳсулидир.

Қуролланиш устидан назорат ўрнатиш ва шу тариқа мувозанатлашган кучлар тизимини яратиш бўйича тарихда илк саъй-ҳаракатлар 1817 йилда кузитилган бўлиб, ўшанда АҚШ ва Буюк Британия ўртасида урушидан сўнг икки томонлама музокаралар олиб борилган ва ушбу мамлакатлар қуроллари ҳар икки томонни ҳам қониқтирадиган даражада қисқартириш бўйича Руш-Багот шартномаси имзоланган эди. 1923 йилда эса Марказий Америкада ўзаро қуролларни чеклаш бўйича шартнома 5 мамлакат (Гватемала, Сальвадор, Гондурас, Никарагуа, Коста Рика) томонидан имзоланган эди. Ушбу шартнома мазкур мамлакатлар қуролларини чеклаш билан бир қаторда ўзаро душманликка ҳам чек қўйди ва ҳамкорлик ва бирдамликка кенг йўл очиб берди.

“Совуқ уруш» даврига келиб эса, юқорида таъкидланганидек, икки қарама-қарши блоклар ўртасида қуроолларни чеклаш энг муҳим ҳаётий заруриятга айланган эди. Қуроолларнинг сифати ва сони бўйича пойгалашаётган давлатлар ниҳоят аҳвол бундай давом этиши мумкин эмаслигини тушуниб етдилар ва музокаралар столига ўтирдилар. Бир неча йиллик мураккаб музокаралардан сўнг 10 га яқин халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар юзага келди. Улар асосан, қуйидагилардир:

СССР (Россия) ва АҚШ ўртасида имзоланган йирик икки томонлама ҳужжатлар:

1. Баллистик ракеталарга қарши шартнома (1972).
2. Стратегик қуроолларни чеклаш шартномаси (1972).
3. Ядро синовларини тақиқлаш тўғрисидаги шартнома (1979).
4. Ядро энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш бўйича шартнома (1976).

5. Стратегик қуроолларни чеклаш тўғрисидаги шартнома (1979).
6. Ўрта ва қисқа масофавий ракеталарни тақиқлаш бўйича шартнома (1987).

7. Кимёвий қуроолларга оид шартнома (1990).
8. Стратегик қуроолларни қисқартириш бўйича шартнома (1991).
9. Стратегик қуроолларни қисқартириш бўйича шартнома (1993).

«Совуқ уруш» тугагандан сўнг (1990) дунё нисбатан енгилроқ нафас ола бошлади. Чунки икки тизим ўртасидаги аввалги антагонизм ва ўзаро душманлик бартараф этилди. Бироқ дунёдаги зиддиятлар буткул ечилмаган, аксинча, янги шакл ва мазмунда тобора авж олмоқда. Инсониятнинг кўп йиллик саъй-ҳаракатларига қарамай ядро хавфи ва оммавий қирғин қурооллари таҳдиди ҳали ҳаунз бартараф этилмаган. Аксинча, ядро қуролига эга бўлган давлатлар сони кўпаймоқда; ядро қуроолларининг халқаро террористлар қўлига тушиб қолиш хавфи пайдо бўлмоқда.

Ўзбек тилида:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон. 2003.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд.-Т.: Ўзбекистон. 1996.
3. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд.-Т.: Ўзбекистон. 1997.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т.: Ўзбекистон. 1997.
5. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида.-Т.: Ўзбекистон. 1998.
6. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавоблар.//«Тафаккур» журнали. 1998 йил. 2-сон.
7. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.//«Мулоқот» журнали. 1998. 5 -сон.
8. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан.- Т.: Ўзбекистон. 1998.
10. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз.- Т.: Ўзбекистон, 1999. 7-жилд.
11. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. 8-жилд.-Т.: Ўзбекистон. 2000.
12. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ.- Т.: Ўзбекистон. 2004.
14. Каримов И.А. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда.- Т.: Ўзбекистон. 1999 й.
15. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.- Т.: Ўзбекистон. 2005.
16. Абдуллажонов А. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши.-Т.: 2000.

17. Баркамол авлод орзуси.- Т.: «Шарқ», 1999.
18. Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. -Т.: Шарқ. 2000.
19. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети.- Т.: 2004.
20. Битем Д., Бойл К. Демократия: 80 саволга 80 жавоб.- Т., 2001.
21. Имом Бухорий сабоқлари журнали 2002-2004 йй. сонлар.
22. Инсон ҳуқуқлари: савол ва жавоблар. -Т.: ЖИДУ, 1997.
23. Каримов И.А., Шамсуддинов Р. "Ватан тарихи".- Т., 1997.
24. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. (олий таълим муассасалари учун қўлланма)- Т.: Янги аср авлоди. 2001.
25. Мунавваров. Ислом: бағрикенглик ва мутаассиблик.- Т., 1998.
26. Мунавваров З, Ёвкочев Ш., Жабборов Н. Терроризм: иддао ва ҳақиқат.- Т.: 2001.
27. Жураев Н. Агар огоҳ сен. - Т.: «Ёзувчи», 1998.
28. Ортиқов Т.О. Муқаддас динимиздаги эзгулик ва дин ниқоби остидаги разолат. Андижон ДУ, 2004.
29. Реадон Б. Бағрикенглик – тинчлик сари олға қадам.- Т.: 2001.
30. Ртвеладзе Э. Буюк Ипак йўли. Энциклопедик луғат. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 1999.
31. Соғлом авлод-бизнинг келажагимиз. -Т.: Ибн Сино номидаги нашриёт. 2000.
32. Соғуний А. Тарихи Муҳаммадий. - Т., 2004.
21. Убайдуллаев У. Халқаро терроризм: тарихи ва замонавий муаммолари. -Т., 2002.
23. ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари, Тошкент, 2004.
24. Юнусов К. ва бошқ. Халқаро терроризмнинг инсониятга суиқасд. Фарғона, 2004.
25. Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси.- Т.: Қомуслар Бош таҳририяти. 1997.

Рус тилида:

1. Большой толковый социологический словарь. Том 1 (А-О): Пер. с англ. М.: Вече, АСТ, 1999. 544 с.
2. Гидденс Э. Социология. М.: Эдиториал УРСС, 1999. 704 с.

3. Независимость: толковый научно-популярный словарь (под ред. Проф. Хоназарова К.). Т., 2002.
4. Мунавваров З., В. Шнайдер. (под ред.). Ислам и светское государство. Т., 2003.
5. Мунавваров З., Крумм Р. (под ред.). Государство и религия в странах с мусульманским населением. Т., 2004.
6. Хантингтон С. Столкновение цивилизаций? // Экономическое обозрение. Январь 1998. С. 67-77.

Инглиз тилида:

1. Adams D., The Seville Statement on Violence. Paris, UNESCO, 1991.
2. APNIEVE Learning to live together in peace and harmony. UNESCO APNIEVE Teacher Sourcebook. Bangkok, UNESCO 2002.
3. Armstrong K. The Battle for God: Fundamentalism in Judaism, Christianity and Islam. London-New York, 2000.
4. Armstrong K., Islam. A short History. London, 2002.
5. Banks J., Multiethnic education. Theory and Practice. New York, 1988.
6. Birch, B. Question of Race. London, 1985.
7. Brandy G. The Realization of Anti-racist Teaching. London, Falmer Press, 1986.
8. Beverlius J., Sourcebook of the world religions Novato, 2000.
9. Buzan Barry, Charles Jones, and Richard Little, The Logic of Anarchy: Neorealism to Structural Realism. - N.Y.: Columbia University Press, 1993.
10. Clayton E. Martin Luther King: The Peaceful Warrior. New York, 1968.
11. Cummings M., Individual Differences: An experience in Human Relations for Children. Wisconsin Madison, 1974
12. Declaration on Principles of Tolerance. Paris, UNESCO, 1995
13. Dovidio J., Gaertner S. Prejudice, Discrimination and Racism. Orlando, 1986.
14. Education for Human Dignity: Human Rights and Responsibility. Philadelphia, 1995.

15. Encyclopedia of Violence, Peace and Conflict. Volumes 1-3 (A-Z). London, Academic Press, 1999.
16. Fukuyama F., The End of History and the Last Man.- N.Y.: 1992.
17. Hadbook of Intercultural Training. Vols.1,2 and 3. New YorkFOxfordFParisFTorontoFSydneyFFrankfurt, 1987.
18. Karl Polany The Great Transformation; The political and Economic origins of Our Time, Boston, 1957.
19. Keohane Robert O., Joseph Jr. Nye, Globalization: What's New? What's Not? So What? // Foreign Policy, 2000.- Spring.- PP. 104-120.
20. King M.L., Strength to Love, london, 1963.
21. Learning to live together (Teachers Resource Book on EIU) Vls. 1 and 2. APCEIU, 2004.
22. Mandela N. Long Walk to Freedom, London, 1995.
23. Manuel for human rights education. Paris, UNESCO, 1997.
24. Mernissi F. Woman and Islam, an Historical and Theological Enquiry. Oxford, 1991.
25. No to Violence. UNESCO, Paris, 1997.
26. Our creative Diversity. Paris, UNESCO, 1995.
27. Reardon B., Tolerance – the Treshold of Peace. Series. UNESCO, 1997.
28. "SangSaeng" jurnal. APCEIU, 2003-2005 issues.
29. Teaching for International Understanding, Peace and Human Rights. Paris, UNESCO, 1984.
30. UNESCO. Peace and Conflict issues after the Cold War. Paris, UNESCO, 1992.
31. UNESCO. Human Rights: Questions and Answers. Paris, 1996.
32. Weil P. The Art of Living in Peace. Paris, UNESCO, 1991.

Веб саҳифалар:

1. http://www.religioustolerance.org/gl_d.htm
2. <http://www.tolerance.ru>
3. <http://altreligion.about.com/>
4. <http://www.islam.ru>
5. <http://www.islam.uz>
6. <http://www.islam101.com/>
7. <http://www.islamonline.net/>
8. <http://www.newadvent.org/>
9. <http://www.glossarist.com/>
10. <http://www.un.org/>
11. <http://www.unicef.org/>
12. <http://www.unesco.org/>
13. <http://www.unesco.org.uz/>
14. <http://www.unesco.ca/>
15. <http://www.haguepeace.org/>
16. <http://www.nonviolence.org/>
17. <http://www.mahatma.org.in/>
18. <http://www.globalissues.org/>
19. <http://www.peacefulaction.org/>
20. <http://www.wcrp.org/>

Алфавит кўрсаткичи

Агрессия.....	8
Аёлларга нисбатан зўравонлик.....	8
Алтруизм.....	10
Антисемитизм.....	10
Апартеид.....	11
Атеизм.....	12
Атроф-муҳит муҳофазаси.....	13
Бағрикенглик ва унинг моҳияти.....	13
Бағрикенглик ва можаролар.....	15
Барқарор тараққиёт.....	16
Бидъатлар.....	17
Бирдамлик.....	18
БМТнинг тинчлик фаолияти.....	18
Бобил минораси.....	19
Болаларга нисбатан зўравонлик.....	20
Бузгунчи ва бунёдкор ғоялар.....	21
Буюк ипак йўли ва маданий турфахиллик.....	21
Ваҳобийлик ва ҳизбут-тахрир.....	23
Ватанпарварлик.....	26
Гендер хурофотлари.....	27
Геноцид ва демоцид.....	28
Геосиёсат ва хавфсизлик.....	28
Гиёҳвандлик ва зўравонлик.....	30
Глобализация ва ижтимоий адолат.....	31
Демократия маданияти.....	33
Дин ва диний бағрикенглик.....	34
Диний фундаментализм.....	35
Диний экстремизм.....	36
Дипломатия тинчлик воситаси.....	37
Жаҳон динлари зўравонликка қарши.....	38
Жинсий сегрегация.....	44
Жиҳод ва зўравонлик.....	45
Зўравонлик ва унинг турлари.....	46
Ижтимоий истиснолаш.....	46
Ижтимоий тенглик ва тенгсизлик.....	47
Инсон ҳуқуқлари.....	49
Инсон тараққиёти ва унинг кўрсаткичлари.....	49
Ирқчилик.....	50
Ислом - бағрикенглик дини.....	51
Ислом динидаги оқим ва мазҳаблар.....	52
Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида тинчлик ва бағрикенглик таълими.....	53
Камситиш ва унинг турлари.....	54
Ксенофобия.....	56
Куч ишлатмаслик.....	57
Маданий турфахиллик.....	58
Манкуртизм.....	59
Марказий Осиёда сув ва тинчлик.....	60
Мафкуравий иммунитет.....	63

Маҳаллийчилик.....	64
Менталитет	66
Меҳр-окибат.....	67
Миллат.....	69
Миллат ва Ватан туйғуси.....	71
Миллатчилик.....	71
Миллий манфаат ва хавфсизлик.....	72
Миллий онг ва узликни англаш.....	74
Можаролар.....	75
Мурасасизлик.....	76
Мустамлакачилик.....	76
Мутаассиблик.....	78
Муҳолифат ва сиёсий бағрикенглик.....	79
Муҳожирлар.....	80
Нацизм.....	81
Ноҳукумат ташкилотлари ва демократия	81
Озчилик жамоалар.....	83
Оммавий ахборот воситаларида зуравонлик.....	84
Секуляризм ва дин.....	85
Сиёсий маданият.....	87
Сиёсийлашган «ислом» ва мурасасизлик.....	89
Совук уруш.....	90
Стереотип ва хурофотлар.....	92
Таълим-тарбия ва бағрикенглик	93
Терроризм ва унинг турлари кўринишлари.....	94
Тинчлик.....	97
Тинчликсевар жамоалар.....	98
Тинчлик маданияти.....	99
Тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш тамойиллари.....	101
Тоталитаризм.....	102
Умуминсоний ва миллий кадриятлар.....	103
Урушлар.....	104
Уруш хусусиятлари.....	105
Фуқаролик жамияти.....	106
Фуқаролик масъулияти.....	107
Хавфсизлик ва унинг турлари	107
Халифалик сохта ғоя сифатида.....	109
Цивилизация.....	110
Шаҳидлик.....	112
Ўзбек менталитети.....	113
Ўзбекистонда аёлларга муносабат.....	115
Ўзбекистонда виждон эркинлиги.....	117
Ўзбекистонда диний конфессиялар.....	118
Ўзбекистонда ислом дини.....	120
Ўзбекистонда фундаментализм таҳдиди.....	123
Ўлим жазоси ва инсон ҳуқуқлари.....	125
Қарияларга нисбатан зуравонлик.....	126
Қийноқлар ва инсон ҳуқуқлари.....	127
Қочоқлар.....	128
Қулдорлик.....	129
Қурол-яроғ савдоси.....	130
Қуролланиш устидан назорат	131

ТИНЧЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК
АТАМАЛАРИ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

Масъул муҳаррир: Қ. Жўраев

Муҳаррирлар: С. Матчанов, Т. Шамшаров

Оригинал макет: Агзамходжаева Д.

Нашрга тайёрланган материалларнинг сифати, келтирилган фактлар, атоқли отлар ва бошқа маълумотларнинг аниқлиги, шунингдек, очиқ нашр этиш ман қилинган маълумотларни оммавийлаштиргани учун муаллифлар жавобгардир.

ЖИДУ рухсатисиз қайта чоп этиш ман қилинади.

Формат 84x108 1/32; Ҳажми 8,5 б.т.
Нусха сони 500. Келишилган нархда.

“ПАТЕНТ ПРЕСС” босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Тўй тепа кўчаси, 2а.

